



Тоғаев Т.М.

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ВА
УНИНГ ТИЛШУНОСЛИК
МЕРОСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ


Тогаев Тўлқин Маманазарович

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ВА УНИНГ
ТИЛШУНОСЛИК МЕРОСИ

Монография

“Nodirabegim” нашриёти
Тошкент — 2021

352.83



КБК: 83.3(5Ў36)
Т 73
УЎК: 821.512.133.09

ISBN 978-9943-6941-6-3

Тоғаев Тўлқин Маманазарович.

Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси [Матн] :
монография / Т.М. Тоғаев. - Тошкент: Nodirabegim, 2021. – 136 б.

Масъул муҳаррир:

Ҳ.Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

С.Аширбоев, филология фанлари доктори, профессор

Р.Жомонов, филология фанлари номзоди, профессор

Ушбу монография ўзбек жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакили Ашурали Зоҳирийнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва лингвистик меросини ўрганишга бағишланган. Хусусан, маърифатпарварнинг ўтган аср 10-20-йилларидаги матбуот, матбачилик, мактаб-маориф, тилшунослик, бадиий адабиёт ва бошқа маданий-маърифий жабҳаларидаги хизматлари кўрсатилди ва баҳоланди. Олимнинг алифбо-имло, адабий тил муаммолари, лугатчилик соҳасига тааллуқли ишлари атрофлича тадқиқ этилади. Китобда ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни Ашурали Зоҳирий лингвистик мероси мисолида ёритиб берилди.

Монография тилшунос олимлар, тилшунослик илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар, умуман, филология соҳаси вакилларига мўлжалланган.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2020 йилдаги 3-сонли мажлис қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган

© Т.М. Тоғаев.

© “Nodirabegim” нашриёти, 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I БОБ. Ашурали Зоҳирий ва 20-йиллар ўзбек тилшунослиги	8
1.1. Ашурали Зоҳирий тилшунослик меросининг урганилиши.....	8
1.2. Ашурали Зоҳирийнинг 20-йиллар ўзбек тилшунослигида тутган ўрни.....	16
II БОБ. Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик қарашлари	26
2.1. Ашурали Зоҳирийнинг «Имло» дарслиги.....	26
2.2. Ашурали Зоҳирий ва ўзбек пунктуацияси.....	39
2.3. Ашурали Зоҳирий ва ёзув ислоҳоти.....	57
2.4. Ашурали Зоҳирий тил, имло ва атама ҳақида.....	68
III БОБ. Ашурали Зоҳирий – луғатшунос	78
3.1. «Русча-ўзбекча мукамал луғат»нинг юзага келиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	78
3.2. Сўзма-сўз ўгирилган сўз ва бирикмалар.....	84
3.3. Луғат мақолаларига киритилган ўзгартишлар.....	89
3.4. «Русча-ўзбекча мукамал луғат»даги иборалар таржимаси.....	100
3.5. Таржима жараёнида А. Зоҳирий томонидан луғатга биринчи марта олиб кирилган сўз ва бирикмалар.....	105
3.6. Таржима жараёнида А. Зоҳирий томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар.....	112
ХУЛОСА	118
Фойдаланилган адабиётлар	121

Кириш

Истиклол туфайли миллий ўзлик, миллий ифтихор, миллий маънавият, миллий анъаналаримиз ўзининг асл маъносига, қадрига эга бўлди. Тилимизни ҳар томонлама тараққий эттириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида кадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди”¹. Чиндан, миллий-маънавий қадриятлар мустақиллик шароитида ҳақиқий ҳаётий қудрат касб этди.

Юртимизнинг тараққий этишида ғоят муҳим омил бўлган миллий ғоя, мустақиллик мафқурасини халқимизга сингдириш гуманитар соҳалар ривожини билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан ўзбек филологиясини кучайтиришга қаратилган алоҳида олий ўқув юртининг бунёд этилгани бу борадаги ишларни юксалтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майда эълон қилинган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида маънавият университети бўлиши кўзда тутилган бу таълим муассасасининг асосий вазифалари қаторида “ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш” юмушлари ҳам белгиланган².

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Кўп жилдлик. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 5 ж. -Б.132.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» Фармони. /Халқ сўзи, 2016 йил 14 май.

Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Элбек каби йирик маърифатпарварлар мустанлака тузумининг тазйиқларига қарамасдан, ўз ҳаётини калқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг раванк топиниغا бағишладилар. Ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган бу зотларнинг улкан кизматларини, номларини эл-юртимиз доимо эъзоз-эҳтиромда тутадн.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган илмий, маърифий, маънавий бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни энг устувор вазифа, узвий давом этадиган ғоят муҳим иш сифатида белгилаб олдик. Бу кейинги икки-уч йил ичида давлатимизнинг тил сиёсати борасида олиб бораётган чора-тадбирларида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, она тили мустақиллик мафкурасининг манбаси сифатида халқнинг миллий уйғониши, миллий ўзликни англаши, маънавий камолатга эришувида тутган ўрнига кўра улкан аҳамиятга эга.

Тил – миллатнинг қалби, унинг дунёда борлигининг асосий белгисидир. Шу сабабли барча замонларда халқнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар сиймолар она тилини миллатга ўзлигини англаштида, унинг қудратини, шон-шухратини кўтаришда, тушкун ва туткун замонларда эса руҳиятини омон сақлаш, унга қайтадан куч бағишлашда зўр восита деб билганлар. Хусусан, миллий уйғониш даври бўлиб тарихга кирган 20-асрнинг биринчи чорагида маърифатпарвар зиёлилар кишиларда миллий руҳни уйғотишда, миллий онгни ўстиришда тилга ғоят катта аҳамият бердилар. Негаки, улар миллатнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган бебаҳо жавоҳир она тили эканлигини чуқур англаганлар. Шу сабабли ўз тилларини ривож учун барча чораларни ишга солиб, ўзбек тилининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга киришдилар.

Ўтган асрнинг 20-йилларидаги ўзбек тилшунослиги халқимиз тарихида ўрганилиши зарур бўлган муҳим масалалардан биридир. Бу даврдаги ўзбек тилшунослигининг

Ўзига хос томонлари кам ўрганилган. Истиқлолга қадар ўзбек тилшунослиғи 40-йилларда шакллана бошлаган деган фикр устувор бўлиб, 20-30-йиллар ўзбек тилшунослиғи деярли инobatга олинмади. Вақоланки, октябр тўнтарининдан кейинги дастлабки даврларда Фитрат, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Элбек, Ғози Олим Юнусов ва бошқа тилшунос олимлар ўзбек тилшунослиғининг ривожига катта ҳисса қўшишган³. Булар қаторида Ашурали Зоҳирий алоҳида ўрин тутди. У ўзбек маърифатчилиғининг атоқли арбобларидан биридир. Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунавварқори жадид ижтимоий ҳаракатининг бошида турган бўлса, Ашурали Зоҳирий Фарғона водийси маърифатпарварларининг етакчиси эди. У ўзбек маърифатпарварларининг кўпчилиғи сингари миллий уйғониш даври ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли соҳаларида фаолият кўрсатди. А.Зоҳирий машҳур педагог, журъатли журналист, етук тилшунос олим, адабиётшунос, тарихчи ва таржимон сифатида таниқли эди. Аммо унинг илмий-ижодий фаолиятида тилшуносликка оид ишлари салмоқли ўрин тутди. Шу сабабли ушбу ишимизда ўзбек тилшунослиғининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини Ашурали Зоҳирий лингвистик меросини ўрганиш орқали кузатишни мақсад қилдик.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги ўзбек тилшунослиғи муаммоларини ўрганиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. М.Қурбонова⁴, Б.Тўйчибоев⁵, М.Йўлдошев⁶, Ё.Сайидов⁷, Ш.Бобомуродова⁸ларнинг илмий изланишлари бу давр тилшунослиғини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ушбу тадқиқотларда Фитрат, Элбек, Чўлпон каби олим

³ Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиғи тараққиёти. Ўзбек тили ва адабиёти// 2001. - №4. - Б.7

⁴ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик меъроси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 1993.

⁵ Тўйчибоев Б. Фитрат ва ҳозирги ўзбек адабий тили//Фитрат анжуманининг материаллари. Бухоро-1992; Тўйчибоев Б. Фитрат - тилшунос. - Т., 1995.

⁶ Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадний тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т., 2000.

⁷ Сайидов Ё. Фитрат бадний асарлари лексикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2001.

⁸ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиғи ривожда Элбекнинг роли. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2002.

ва адибларнинг лингвистик мероси, улар асарларининг тил хусусиятлари тадқиқ этилган. Қайд этилган ишларда 20-йиллар ўзбек тилшунослиги муаммоларининг маълум бир қирралари ўрганилган. Аммо бу давр ўзбек тилшунослигига оид ўрганилиши лозим бўлган талай муаммолар борки, улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Жумладан, Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий, Қаюм Рамазон, Шоқиржон Раҳимий, Ғози Олим, Шорасул Зуннунлар, Абдулла Алавий, Абдурахмон Саъдий, Неъмат Ҳақимнинг тилшунослик соҳасида олиб борган ишларини ўрганиш фанимиз олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Биз ушбу тадқиқотимизда Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик меросини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ашурали Зоҳирийнинг илмий-ижодий мероси шу пайтга қадар махсус ўрганилган эмас. С.Зуфаров⁹, Й.Абдуллаев¹⁰, К.Назаров¹¹, А.Мадаминов, М.Валихонов, Р.Тожибоев¹², Ҳ.Узоқов¹³, А.Нурмонов¹⁴, А.Жалолов, Ҳ.Ўзганбоев¹⁵ сингари олимларимизнинг тадқиқот ишларида, Ашурали Зоҳирий шахси, маърифатпарвар илмий-педагогик фаолиятининг маълум бир қирралари ёритилган. Шу сабабли ушбу ишда олимнинг асосан тилшунослик мероси монографик планда ўрганилди, Зоҳирийнинг тилшуносликка оид мақола, рисола ва луғат китоблари тўпланиб таҳлил қилинди. Мазкур иш ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда, филологик йўналишдаги таълим муассасаларида махсус курслар, тегишли лингвистик фанларни ўқитиш қўл келади, умуман, ўзбек тили тарихи билан қизиқадиган барча тадқиқотчилар учун зарур манба бўлади деб ўйлаймиз.

⁹ Зуфаров С. Келурнома. //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари ж. 1961. -№3. -Б.7.

¹⁰ Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. -Т.: Учитель, 1966. -Б.147-149.

¹¹ Назаров К. Имло қўлланмаси// Совет мактаби ж., 1977. -№6. -Б. 75-76.

¹² Мадаминов А., Валихонов М., Тожибоев Р. Маърифат чароғбони// Адабий мерос, 1985. -№3. -Б.78-80.

¹³ Узоқов Ҳ. Эр киши битта гапиради. -Т.: Чўлпон, 1996. -88 б.

¹⁴ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи., -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.132-138.

¹⁵ Жалолов А. Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. -Б.47-50.

1 БОБ. АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

1.1. Ашурали Зоҳирий тилшунослик меросининг ўрганилиши

Ашурали Зоҳирийнинг илмий-ижодий мероси шу пайтга қадар махсус ўрганилмаган. Олимнинг лингвистик қарашлари, илмий-педагогик фаолиятига оид анчагина маълумотлар сақланиб қолган. Унинг илмий мероси ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб ўрганила бошлади. 1961 йили С.Зуфаров «Келурнома» ҳақида мақола эълон қилган. Мақола муаллифи «Келурнома» ҳақида Ўзбекистонда биринчи мартаба А.Зоҳирий «Маориф ва ўқитгучи» журналида бир мақола эълон қилганлигини қайд этади.

Маълумки, Ашурали Зоҳирий Алишер Навоийнинг икки машҳур асари – «Вақфия» ҳамда «Муҳокаматул луғатайн»ни насталиқ хати билан кўчириб нашрга тайёрлаган. «Муҳокаматул луғатайн»ни 1917 йилнинг бошларида Қўқондаги Вайнер матбаасида чоп этилган. Машҳур туркшунос, А.Н.Самойлович олимнинг бу ишига муносиб баҳо берган эди. Ашурали Зоҳирийнинг ушбу хайрли иши ҳақида атоқли навоийшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймон «Навоий асарларининг манбалари ва наشري ҳақида» мақоласида шундай ёзган эди: «Тошбосмада чоп этилган Навоий асарларидан алоҳида илмий аҳамиятга эга бўлган мўътабар китоб 1917 йили Қўқонда нашр қилинган «Муҳокамат-ул луғатайндир». Бу асарнинг бирорта ҳам қўлёзма нусхаси совет кутубхоналарида йўқ ва фақат унинг учтагина қўлёзмаси Франция ва Туркия кутубхоналарида мавжуд бўлганидан «Муҳокамат-ул луғатайн»нинг Қўқон литографияси текстология учун ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас».

Педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаевнинг «Очерки по методике обучения грамота в узбекской школе» номли китобида А.Зоҳирий ҳақида ижобий фикрлар айтилган. Унда илк бор Зоҳирий ва унинг «Имло» рисоласи ҳақида

қисқача маълумотлар берилган. Туркистондаги ўзбек мактабларида ўқитиш усулларига бағишланган ушбу асарда «Имло» китобчасининг мазмун-мундарижаси, хусусан, унинг методик хусусиятлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Й.Абдуллаев А.Зоҳирийни мактаб ўқувчилари учун биринчилардан бўлиб ўзбек тили ёзув қоидаларини тузган ва дасрлик яратган маърифатпарвар сифатида тўғри баҳолайди. «Имло» дарслиги уч қисмдан иборат эканлиги, биринчи қисмда ўзбек тилининг тўғри ёзув қоидалари (26-дарс), сўнг уларни мустақкамлаш учун машқлар берилгани, китобнинг иккинчи қисми «Арабча сўз ва киши исмларини тўғри ёзиш қоидалари»га бағишланган бўлса, учинчи қисмда тиниш белгиларини ишлатиш қоидалари баён қилинганлиги Й.Абдуллаев рисоласида ўз аксини топган. Й. Абдуллаев «Имло» дарслигига хос бўлиб, ҳали бу даврда ечимини топмаган ёзув муаммоларини тўғри кўрсатиб ўтади. Олим «Имло» дарслигида қоидаларнинг тўлиқ эмаслигини, бунинг устига улар расмий тасдиқланмагани боис имлода бошбошдоқлик ҳукм сурганини қайд этган.

Таниқли тилшунос олимларнинг мана шу даврларда эълон қилинган мақолаларида А.Зоҳирийга ҳам муносиб баҳо берила бошлади. Олим Усмонов ва Саидфозил Ақобиров А.Зоҳирийни XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек тили илмий терминологиясини юзага келтириш, бойитиш ва шакллантиришда ўзбек тилида ўз соҳалари бўйича оригинал асарлар яратган олим ва фозиллар қаторида тилга олишади.

К.Назаров «Имло қўлланмаси» мақоласида Ашурали Зоҳирийни имлога қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлайди. Мақола бевосита «Имло» китобчасининг учинчи қисми тиниш белгиларига бағишланган. Унда олим А.Зоҳирий тамонидан баён қилинган пунктуацион қоидаларни бирма-бир таҳлил қилган. Улардан баъзилари Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим ҳожи Фахриддиновнинг «Туркча қоида» (1913) китобидаги тиниш белги билан қиёсланган. А.Зоҳирийнинг пунктуацияси ўз мундарижаси ва изчиллиги жиҳатдан «Туркча қоида»даги пунктуацион тизимдан анча устун туришини қайд

этган. Олим «Имло» китоби пунктуацияга бағишланган махсус илмий тадқиқот асари бўлмай, балки дарслик китоби эканлигини алоҳида таъкидлайди. А.Зоҳирий биринчи бўлиб ўзбек тили тарихида ўн уч тиниш белгили пунктуацион тизим яратишга муваффақ бўлганлигини жуда тўғри кўрсатади.

К.Юсупов «Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва ёзув масаласи» рисоласида ўзбек халқи ўз тарихида қўллаган ёзув тизимлари, уларнинг тарихи, ёзувнинг адабий тил ривожига тутган ўрни тўғрисида фикр юритади. Хусусан, араб, лотин, кирилл-рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувлари ҳақида анча кенг маълумотлар берилган. Муаллиф XX асрнинг 20-40 йиллари амалга оширилган ёзув ислоҳот ва ўзгаришлари, адабий тил тараққиёти масалалари бўйича ўз қарашларини баён қилган. Айниқса, 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Тил ва имло» қурултойи, 1922 йилдаги «Ўзбек маориф ва маданият ходимларининг иккинчи ўлка қурултойи» тўғрисида диққатга сазовор фикрлар айтган. К.Юсупов А.Зоҳирий ҳақида фикр юритар экан, уни ва Мунаввар қорини эски араб ёзувиға эътиқод кўйган тор миллатчи, панисломист ва пантуркист сифатида баҳолайди. А.Зоҳирийни янги имлочиларнинг фикрига қўшилмаганлиги, профессор Е.Д.Поливановнинг тезисларига қарши чиққанлигини танқид қилади. Хукмрон мафкура тазйиқида айтилган бу каби қарашларға бугунги кунда кўшилиб бўлмайди, албатта. Бирор воқеа-ҳодисаға баҳо беришда ўша пайтдаги конкрет тарихий вазиятдан келиб чиқиб ёндашиш лозим. Шунингдек, бирламчи, асл манбаларни билмаслик ҳам нотўғри талқинларға йўл очади. Масалан, Фитрат ижодига бағишланган бир тадқиқотда «М.Абдурашидхонов бошчилигидаги бир гуруҳ зиёлилар араб ёзуви ислоҳига мутлақо қарши чиқдилар, алифбони ҳеч бир ўзгартирмай қўллашни давом эттиришни талаб қилиб чиқдилар. Улар эски имлочилар» номи билан юритилади», деб ёзилган. Бу фикр мутлақо нотўғри. Ашурали Зоҳирий ва Мунавварқори алифбо-имло масаласида ҳаммаслақ эдилар. Улар ҳеч қачон «эски имлочи» бўлмаганлар. Умуман, ўрганилаётган даврда мавжуд бўлган турли имло оқимлари, уларнинг хусусияти, кимлар қайси

гуруҳга дахлдорлиги масаласи илмий адабиётларда ханузгача аниқ ва тўғри талқинини топмай келаётир. Бу ҳақдаги фикрларимизни ишнинг кейинги бобида баён қиламиз.

А.Зоҳирий томонидан ўзбекчалаштирилиб, 1927-1928 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан чоп этилган икки жилддан иборат 690 саҳифалик «Русча-ўзбекча мукамал лугат» ҳам маданиятимиз тарихида биринчи йирик лексикографик асар ҳисобланади. 1983 йилда нашр этилган Русча-ўзбекча лугатнинг сўзбошида А.Зоҳирийнинг луғатчилик кизматларига муносиб баҳо берилган. Унда ушбу луғатнинг ўзбек-рус лексикографияси тараққиётида алоҳида ўрин тутиши қайд қилинган.

Ашурали Зоҳирий таваллудининг юз йиллиги муносабати билан матбуотда унинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси ҳақида диққатга сазовор мақолалар эълон қилинди. Чунончи, Аҳмад Мадаминов, Маҳмуд Валихонов, Рустам Тожибоевлар томонидан эълон қилинган «Маърифат чарогбони» мана шундай мақолалар сирасига киради. Мақолада А.Зоҳирийнинг маърифатпарвар сифатида журналистика, педагогика, адабиётшунослик соҳасида амалга оширган хайрли ишлари қаламга олинган. Унинг тилшуносликка оид ишлари, хусусан, «Она тили» мақоласи, «Имло» китоби, «Русча-ўзбекча мукамал лугат» тузганлиги кўрсатиб ўтилган. Бунга ҳамоҳанг мақолалар А.Зоҳирий туғилиб ўсган юрт – Фарғона вилояти газеталарида ҳам босилиб чиқди.

Адабиётшунос Рустам Тожибоев А.Зоҳирий илмий меросини ўрганишда, унинг ишларини тарғиб-ташвиқ қилишда энг кўп кизмат қилган тадқиқотчи ҳисобланади. Олимнинг матбуотда эълон қилган «Маърифатпарвар муаллим», «Ашурали Зоҳирий – навоийшунос» мақолаларида, номзодлик диссертациясида Ашурали Зоҳирийнинг серкирра фаолияти анча батафсил ёритилган, олимнинг маданиятимиз тарихида тутган ўрни муносиб баҳоланган. Аммо бу ишларда А.Зоҳирийнинг лингвистик мероси, унинг тилшунослик қарашлари махсус ўрганилмаган.

Мустақиллик йиллари мустабид шўролар тузуми даврида қатагон қилинган жаҳид зиёлиларининг номлари ва ишларини қайта тиклаш, уларнинг илмий меросини ҳаққоний ўрганиш ва оммалаштиришга катта имкониятлар туғилди. Давлат органлари махфий архивларидаги қатагон қурбонлари фаолиятига алоқадор материаллардан фойдаланиб, уларни танқидий ўрганиш асосида тадқиқотлар олиб бориш, уларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида жуда кўп хайрли ишлар қилинди. Натижада кўпгина китоб ва мақолалар, илмий ишлар чоп этилди. Тарих фанлари доктори Ҳайдарали Узоқовнинг Ашурали Зоҳирийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий меросига бағишланган «Эр киши битта гапиради» асари мана шундай асарлардан бири ҳисобланади. Ушбу асар А.Зоҳирий тўғрисидаги биринчи махсус рисола бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Буни тайёрлашда муаллиф анча меҳнат қилган, кўпгина материалларни ўрганган, айрим янги маълумотлардан ўқувчиларни бохабар қилган. Хусусан, А.Зоҳирий шахси, унинг қизгин ижтимоий-маърифий фаолияти, олим яратган асарларнинг аҳамияти тўғрисида жўяли фикрлар билдирилган. Рисолада маърифатпарвар устидан олиб борилган тергов жараёнлари эҳтирос билан баён қилинган. Афсуски, рисоланинг жуда кўп ўринларида хато ва камчиликлар мавжуд. Бу хатолар муайян масала ўрганилаётганда мавжуд тарихий далилларни чуқур ўрганмасдан, унга юзаки ва шошма-шошарлик билан ёндашиш оқибатида юз берган. Баъзи маълумотларни муаллиф ўзи тўқиб чиқарган, улар ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайди. Тадқиқотчининг асл манбалардан – араб ва лотин алифбосидаги Зоҳирий асарларидан фойдаланишда саводхонлиги етарли эмаслиги ҳам китобда катта нуқсон сифатида кўринади. Ушбу даъвомизни қуйидаги далиллар билан кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Рисолада ёзилишича, Боқуда бўлиб ўтган Биринчи туркологлар съезидан сўнг 1926 йил май ойида Самарқандда «Имлога бағишланган III кенгаш» бўлган. Бунда маърузачи Назир Тўрақуловдан кейин мунозарага чиққан Ашурали Зоҳирий шундай дейди: «Азизлар, маърузачи бор гапни айтди, бундан буёғи тортишув бефойда, – деди киноя аралаш, чунки

барча туркий халқлар ўзларига ёзма нутқ сифатида – қурол сифатида латин ёзувини танлашибди. Бундай бўлишини билардим. Шу сабабли ҳам мен бу анжуманга бормадим» .

Ушбу иқтибосдан маълум бўладики, А.Зоҳирий ёзувни латинлаштиришга қарши турган. Бундан кейин ушбу сиёсат билан тортишув бефойдалигини билиб, афсус-надомат билан рози бўлишдан бошқа иложи қолмаяпти. Ўз норозилигининг илҳори сифатида Боку анжуманига боришдан воз кечибди. Аслида шундай бўлганми? Тарихий ҳужжатлар бунинг аксини кўрсатади. Аввало, юқорида кўрсатилган сана ва номда анжуман бўлганлиги ҳақиқатдан йироқ. Иккинчидан, ўша давр матбуоти саҳифаларида Бокуга Туркология қурултойига А.Зоҳирий ҳам Ўзбекистондан вакил бўлиб боргани қайд этилган. Ҳатто унинг сурати ҳам бор. Анжуман таассуротлари, яқунлари тўғрисида, лотинга ўтишнинг афзалликларини ёқлаб омма ўртасида маърузалар қилгани, мақолалар ёзгани маълум!

Китобда шу сингари мантиққа, ҳақиқатга зид ўринлар билан бирга фактик хатолар ҳам кўп учрайди. Эътиборсизлик шу даражага етганки, А.Зоҳирий луғатининг нашри ушбу китобда икки хил кўрсатилган. Масалан, бир ўринда «Лексикограф олимнинг... «Руско-узбекский словарь» китоби 1926 йилда босилиб чиқди» (7-бет) деса, бошқа жойда «Атоқли олим 1925 йилда ўзбеклардан яна биринчи бўлиб «Русча-ўзбекча мукамал луғат» нашр эттирди» (18-бет) деб берадики, иккиси ҳам тўғри эмас. Бундан олдин ҳам ушбу луғат ҳақида алоҳида мақола эълон қилган Ҳ.Узоқов уни 1926 йилда чиққан, деб хато кўрсатган.

Рисолада А.Зоҳирийнинг тилшуносликка оид мақолаларидан намуналар берилган. Уларни нашрга тайёрлашда ниҳоятда кўпол хатоларга йўл қўйилган. Сўзимизга ишонч ҳосил қилиш учун биз томондан нашрга тайёрланиб, ишга илова қилинган А.Зоҳирий мақолаларини рисоладаги мақолалар билан солиштириб кўриш кифоя. Масалан, Ҳ.Узоқов нашрга тайёрлаган «Тил ва имло масаласи» мақоласининг «Лаб оҳанги тўғрисида» деб номланган қисмидан бир парчасини

кўздан кечирайлик (хатоларни курсив билан ажратиб, тузатишларни катта қавс ичида кўрсатамиз).

«Бизда лаб оҳанги бор. Лекин қирғиз ва озарбайжонлардаги сингари ёки сингармонизм қоидаси сингари «бошдан оёкгача» қатми [катъий] бир йўлда эмас, кўпинча (фёълларда) ўзак бу унлардагина барҳам [бўғумлардагина бор. Ҳам] аввалги бўғимдаги ўтрунг [бўғумдаги ўтрунинг] узун-қиска, калинингичкалигига тобилик [тобелик] йўқ.

Масалан: нўку, чоку, току, оху, буларнинг аввалги бўғимдаги [ўку, тўку, чўку, нўку.

Буларнинг аввалги бўғимидаги] «о» [«ў»] чўзғуси кейинги бўғимда ҳам ўтру келишини талаб қилса-да, ўз авжиддаги на [авжидагина] эмас, балки анча пасайган авжда ўтру талаб қиладур.

Шунинг учун уларни «оҳо, тоқо...» [«ўқў, тўқў...»] деб ёзиб бўлмаганга ўхшаш «оқь, тодь» [«ўқи, тўқи»] деб ёзиб бўлмайдур (71-бет).

Китобдаги бошқа мақолаларда ҳам имловий камчиликлар кўп. Масалан, Имом Ғаззолий исми кўп ўринда «имом ғазали» (?!) шаклида кириллчага ўгирилган (77-бет). Хулоса шуки, «Эр киши битта гапиради» асаридаги маълумотларга мурожаат қилинганда, муаллиф талқинидаги қарашларга, араб графикасидан ҳозирги ёзувга ўгирилган матнларига ўта танқидий ёндашиш керак.

Филология фанлар доктори, профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» рисоласида VII-VIII асрлардан то ҳозирги кунгача бўлган ўзбек тилшунослиги тарихи, унинг тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритилади. Унда А.Зоҳирийнинг лингвистик меросига ҳам маълум даражада ўрин ажратилган. Ишда А.Зоҳирийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-педагогик фаолияти қиска баён қилинган. Унинг араб ёзувини ислоҳ этишдаги иштироки, матбуот тилининг меъёрлашувидаги хизматлари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотда, асосан, А.Зоҳирийнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 29 март сонида мубоҳаса тариқасида «Тил, атама ва имло баҳслари» рукни остида босилган «Тил ва

имло масаласи» мақоласи таҳлилга тортилган. Муаллиф ушбу мақола асосида А.Зоҳирийнинг адабий тил ва унинг манбаи бўлган жонли тил хусусиятлари, имло ва атамалар тизимини яратиш масалалари тўғрисидаги қарашларини яхши таҳлил қилган. Айниқса, А.Зоҳирий имло масаласига асосий эътибор берганлиги алоҳида таъкидланган. Лотинга ўтиш чоғида ўзбек ёзувининг орфографик асосларини ишлаб чиқишда А.Зоҳирий илгари сурган имло тамойиллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, Зоҳирийнинг ўзбек тили фонетикасига, бу билан боғлиқ равишда унли фонемалар, сингармонизм масалаларига доир фикрлари асосли таҳлил этилган.

Мустақиллик шарофати билан яратилган Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифаларида А.Зоҳирийга ҳам муносиб ўрин ажратилган¹⁶. Буни истиклол курашчиси хизматларининг ҳаққоний эътироф этилиши деб билишимиз лозим. Аммо афсус билан қайд этиш керакки, А.Зоҳирий ҳаёти ва фаолиятини ёзишда кўпроқ эски манбаларга таянилган. Мустақиллик йилларида олим ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларга мурожаат қилинмаган. Энг ачинарлиси, фактик хатоларга йўл қўйилган. Масалан, «Садойи Фарғона» чиққан вақтни 1916-1921 йиллар, «Русча-ўзбекча луғат»ни эса 1925 йилда тузилган, деб кўрсатилиши ҳақиқатга тўғри келмайди.

Кейинги йилларда Ашурали Зоҳирийга замондош бўлган таниқли ўзбек тилшуносларига бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари яратилди. Ушбу ишларда мавзу талаби билан Ашурали Зоҳирий тўғрисида ҳам йўл-йўлакай баъзи маълумотлар учрайди¹⁷.

Хулоса қилиб айтганда, Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик мероси, унинг ўзбек тилшунослиги тарихидаги ўрни ҳали яхши ўрганилмаган. Бу ҳақида махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. А.Зоҳирий ҳақидаги илмий-публицистик

¹⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. -Б.: 541.

¹⁷ Курбонова М. Фитратнинг тилшунослик меъроси. Филол. фан. номзоди ... дисс. - Т.: ТошДУ, 1993; Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли. Филол. фан. номзоди ... десс. -Т.: Ўз ФА ТИ, 2002; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси. Филол. фан. номзоди дисс. -Т.: Ўз ФА ТИ, 2001. -181 б.

мақолалар, тадқиқот ишларида асосан, унинг маърифатпарварлик фаолияти ёритилган. Олимнинг лингвистик мероси, тилшунослик қарашлари махсус ўрганилмаган. Буларни объектив, ҳаққоний ўрганиш ўзбек тилшунослиги тараққиёт йўлларини тўғри, холис ёритиш ва баҳолашга хизмат қилади.

1.2. Ашурали Зоҳирийнинг ўзбек тилшунослиги тарихида тутган ўрни

Ашурали Зоҳирий ўзининг қизгин ижтимоий-сиёсий фаолияти, салмоқли илмий-ижодий мероси билан ҳақимизнинг истиқлол йўлидаги кураши, юксак маданияти тарихида ёрқин из қолдирган сиймолардан биридир. У ўз даврининг илғор ҳодисаси саналган жаҳид ижтимоий ҳаракатчилигининг етакчиларидан эди.

Зоҳирийнинг тарихимизда тутган ўрни, илмий мероси ҳали яхши ўрганилмаган. Унинг номи мутахассисларга бир қадар таниш бўлса-да, кенг ўқувчилар оммаси яқиндан билмайди. Зотан, бу зот ўз замонида Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари машҳур эди.

Уйғониш даври маърифатпарвар зиёлилари ҳаёт тақозоси билан ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида иш олиб борганлар. Улар айна пайтда педагог-олим, ёзувчи-шоир, журналист-ношир сифатида ва яна бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишган. А.Зоҳирий ҳам бундан мустасно эмас. Олим илмий-маърифий, педагогик, адабий-публицистик фаолияти билан ўзбек халқи маданияти тарихида муносиб ўрин тутади.

Ашурали Зоҳирий 1885 йилда Қўқон шаҳри яқинидаги Ойим қишлоғида туғилди. У бошланғич маълумотни эски мактабда олди. 1897-1914 йиллар давомида Қўқон шаҳридаги Муҳаммад Алихон (Мадалихон) мадрасасида таҳсил кўрди. Бу ерда диний билимлар, тарих, мумтоз адабиётни чуқур ўрганиш билан бирга замоннинг илғор фикрларидан баҳраманд бўлди. Ўз зехни билан араб, форс, турк, озарбайжон, татар ва рус тилларини пухта эгаллади. Мадраса таҳсилини давом эттириш

бараварида Қўқон шаҳридаги 2-рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди (1907-1917)¹⁸.

Ашурали Зоҳирийнинг илмий-педагогик фаолиятининг бошланиши ХХ асрнинг бошларига тўғри келади. Бу давр Туркистонда миллий биқиклик, мусулмон бидъатчилигига қарши кураш, адабий-танқидий, педагогик онгинг ривожланиши билан кўзга ташланади. Туркистон халқининг миллий-маданий ривожига катта хизмат қилган «Ойна» журнали саҳифаларида Қўқонда товуш усулида дарс бераётган йиғирма икки нафар жаҳид зиёлилари номи кўрсатилган¹⁹. Рўйхат бошида Ашурали ибн Муҳаммадзоҳирнинг тургани унинг ўз даврида жаҳид ҳаракатчилигининг етакчиларидан бири бўлганини кўрсатади.


Ашурали Зоҳирий ўзбек миллий педагогикаси ривожига катта ҳисса қўшган. У биринчилардан бўлиб она тилида дарслик ва турли ўқув китоблари яратиб, ёш авлодни, ўз халқини маърифатли қилишга ҳаракат қилган. Маърифатпарварлик соҳасидаги дастлабки иш сифатида С.Оқоев билан ҳамкорликда туркийзабон мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун тузилган «Туркий хрестоматия ёхуд терма китоб» (Қўқон, Шумаков типолитографияси, 1912) дарслигини кўрсатиш мумкин. Ушбу китобдаги кўпгина ҳикоялар рус тилидан таржима қилинган. Бу хайрли ишга китобнинг муҳаррири А. Зоҳирий ҳам ўз хиссасини қўшган²⁰. Она тили жонкуяри, унинг толмас курашчиси бўлган Ашурали Зоҳирий «Она тили» мақоласида шундай деб ёзган эди: «Қачонки ўз тилимизни яхшилаб билмадик-му, бошқа тилни албатта дуруст билмаймиз»²¹. Аммо бу пайтлари мактабларда она тилини, тўғри ёзишни ўргатиш учун зарур дарсликлар йўқ эди. Ашурали Зоҳирий ўзбек тилида биринчи бўлиб «Имло» дарслигини яратди. Бошланғич мактабларнинг тўртинчи синфи учун мўлжалланган бу китоб Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси

¹⁸ Ашурали Зоҳирий. Редакцияга мактуб// Туркистон вилоятининг газети, 1910 й. №82.

¹⁹ Хўқонда усули савтия муаллимлари// Ойна жур., 1914.-№12. -Б. 276.

²⁰ Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1980. А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти 5 жилдлик, 5-жилд, -Б.173.

²¹ Ашурали Зоҳирий. Она тили // Садоий Фарғона, 1914 й., 13-апрель.



томонидан нашрга тайёрланиб, 1916 йилда Қозонда чоп этилди. Абдурауф Фитрат ўзининг «Сарф» китоби сўзбошида она тили ўқитиш тамойиллари, ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини белгилаш, тилнинг тараққиёт йўналишларини аниқлаш ҳақида фикр юритар экан, Ашурали Зоҳирийнинг хизматига муносиб баҳо берган эди.

«Имло» дарслиги ўз мазмун ва мақсадига кўра ўша давр ўзбек ёзув маданиятининг юқори поғонага кўтарди. Эски ёзувда қоидалар тизими бўлмаганлиги учун «Имло»да ана шу нарсаларга эътибор берилди. Унда ўзбек тилининг тўғри ёзув йўллари кўрсатиб берилган. Ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга ушбу китоб ўз даврида болаларни саводли қилишда катта роль ўйнади. Ундаги айрим имло, айниқса, пунктуацион қоидаларнинг ҳозирги адабий тилимизда ҳам ўз аксини топгани, шубҳасиз, Ашурали Зоҳирийнинг етук тилшунослигидан дарак беради.

Ашурали Зоҳирий Октябр ўзгаришидан кейин юз берган Туркистон ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга фаол иштирок этди. Унинг сиёсий қарашлари маслак жиҳатдан Бехбудий, Заки Валидий, Мунаввар қори Убайдулла Асадуллахўжаев, Обид Маҳмудов қарашлари билан мос тушади. Ашурали Зоҳирий шўролар тузуми даврида ҳам миллий-маданий тараққиёт, миллий озодлик, халқ манфаати йўлида ҳаракат қилди мактаб-маориф, матбуот, нашриёт ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

А.Зоҳирий Қўқон шаҳарда очилган Туркистондаги биринчи дорилмуаллимин – ўқитувчилар тайёрлаш курси (1917 йил, сентябрь) ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Ушбу масканда, кейинчалик дорилмуаллимин негизида ташкил этилган Фарғона вилояти таълим тарбия техникумида (1921/22-1926) ўқитувчилик қилди. Бу ўқув юрти ўша пайтда вилоятдаги энг йирик педагогик марказ бўлган. Ушбу даргоҳда Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Усмон Носир сингари ёзувчи-шоирлар таҳсил кўришган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳозирги Қўқон педагогика билим юртига унинг тамал тошини қўйган Ашурали Зоҳирий номи берилди.

Бу даврда Туркистон зиёлилари ўртасида тил-имло масаласида турлича қарашлар, баҳслар боис мактабларда она тили ва адабиёт таълими ёмон аҳволда эди. Мактаб дарсликлари – алифбо ва ўқиш китоблари етишмас, борлари ҳам замон талабига жавоб бермас эди. Ўзбек тилининг қонун-қоидалари юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар яратилмаган, ўзбек тили грамматикасига оид дарсликлар эса умуман йўқ эди. Шу сабабли бу давр матбуотида маориф соҳасидаги бу каби камчиликлар кўп марта танқид қилинган. «Дарсликлар тўғрисида энг оғир ҳолларни кечирамиз», – деб ёзади Зоҳирийнинг маслақдоши ва ҳамкасби Лутфулла Олимий: «...мактаб болалари учун мувофиқ бўлмагон «Ёзув йўллари»дан бошқа имлога махсус китоблар йўқлиги устига ҳали «Сарф», «Наҳв»ларимиз йўқ»²². Худди шундай фикрлар адабиётшунос олим Абдурахмон Саъдий томонидан ҳам билдирилган: «Ўзбеклар ўртасидан ўзбек тилининг қисқача бир сарф-наҳвини ёза олурлиқ бир илмий куч, бир педагог ҳамон юзага чиқмасдан турадимиз?»²³. Ушбу муаллиф бу даврда ўрта мактаблар учун ҳануз бир адабиёт мажмуаси (хрестоматия) яратилмаганлигини ҳам таассуф билан ёзиб ўтади.

Ашурали Зоҳирийнинг ўзи ҳам «...бу олти йиллик инқилоб ичида кўнгил учун олти дона мактаб китоби чиқмади... халқда илмга, мактабга ҳавас бор, аммо бизда уларни қаноатлантирадиган нима нарса бўлса, ўша йўқ»²⁴ деб куюнар экан, бу борада маълум ишлар қилишга ҳаракат қилди. Унинг Чўлпон билан ҳамкорликда «Адабиёт парчалари» дарслик-хрестоматиясини тузиб, 1926 йилда нашр эттириши юқоридаги каби камчиликларни бартараф этишга бир жавоб бўлди²⁵. Мазкур дарсликдаги Навоий, Фаробий, Фузулий таржимаи ҳолига оид мақолалар, «Боболар сўзи» сарлавҳаси остида тўпланган ўзбек халқ мақоллари А.Зоҳирийга тегишли. Ҳозиргача мактаб адабиёт дарсликларидан тушмай келаётган

²² Олимий Л. Қизил матбуотимизнинг ҳозирги ҳоли // Фарғона газ. -1924. -№181.

²³ Саъдий А. Олти йиллик ўзбек қизил матбуоти даврида мактаб адабиётлари // -1924. - №181.

²⁴ Зоҳирий А. Ўтканларга бир қараш. //Фарғона, 1923. -№100.

²⁵ Сулаймон А., Зоҳирий А. Адабиёт парчалари. Т.: 1926.

Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Мажолисун нафоис», «Садди Искандарий» каби асарларидан кўплаб ҳикоятлар, боблардан парчаларни дастлаб мана шу китобда учратамиз.

Бу даврнинг кўзга кўринган тилшуносларидан бири Қаюм Рамазон ҳам мактаблар учун ўзбекча дарсликлар қониқарсиз аҳволда эканлиги, хусусан, тил сабоқликлари ҳалигача яратилмаганлигини, бу ҳол маориф ишларининг бошида турган Республика Ўзбек билим кенгашининг камчилиги эканлигини танқид қилади. Мақола муаллифи Ашурали Зоҳирийнинг ўзбек тилининг «Сарф» ва «Наҳв» китобларини тузгани, Фитрат ва Шокиржон Раҳимий ҳам шундай дарсликлар ёзишаётгани ҳақида кўпдан бери гап юрса-да, бу ишларнинг ҳеч бири рўёбга чиқмаётганидан афсусланади²⁶.

Ҳақиқатан ҳам, Ашурали Зоҳирий ўзбек тили бўйича дарслик ёзган, аниқроғи, синтаксис қисмини тайёрлаган кўринади. Бу маълумот унинг 1937 йилда қайта ҳибсга олингандан сўнг рус тилида ёзган таржимаи ҳолида қайд этилган²⁷. Шокиржон Раҳимий эса ўзбекча сарф китоби тайёрлаганини «Туркистон» саҳифаларида маълум қилган эди²⁸. Турли сабабларга кўра ҳар икки олимнинг ишлари нашр этилмай қолган. Ўзбек тили граматикасини яратиш илк бор Фитрат томонидан амалга оширилди.

Фитратнинг «Сарф» ва «Наҳв» асарларининг нашр этилиши, шу муносабат билан бу борадаги баҳс-мунозаралар «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида босилган²⁹.

Ашурали Зоҳирий зукко тилшунос сифатида ўтмиш алломаларимизнинг тил соҳасидаги илмий меросидан яхши бохабар бўлган. Уларни фақат ўрганиб қолмасдан, бу ноёб

²⁶ Ўқтам (Қаюм Рамазон). Мактабларимиз ва ўзбекча дарслик. // Туркистон газ. 1923. - №210.

²⁷ Ғ.Ғулом номидаги Фарғона вилояти адабиёт музейи, А.Зоҳирийга доир 58-ракамли жилд.

²⁸ Ш.Раҳимий. Тилимизни бир қоида остига олайлик (Ўзбек сарфи тўғрисида)// Туркистон газ. -1923. -№45.

²⁸ Ш.Раҳимий. Тилимизни бир қоида остига олайлик (Ўзбек сарфи тўғрисида)// Туркистон газ. -1923. -№45.

²⁹ Фитрат. Ўзбек тилининг сарфи тўғрисида (Неъмат Ҳақимга жавоб) // Қизил Ўзбекистон. -1925. -№ 146, 147, 150-151; Н.Ҳақим. Ўзбек тили сарфи тўғрисида// Қизил Ўзбекистон. -1925. -№ 120, 122, 124.

асарлардан кенг халқ оммасини баҳраманд этишда катта ишларни амалга оширган. Олимнинг Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарини нашр эттиргани фикримизнинг далили бўла олади. Ушбу китобни ўз муҳаррирлиги остида чиқарган «Юрт» журнали (1917) саҳифаларида кенг тарғиб ва ташвиқ қилди. Журналнинг илк сонлари орқа муқовасида реклама йўсинида берилган матнда шундай жумлаларни ўқиймиз: «Чигатой шоирларидан машҳур амир Низомиддин Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» номидаги ноёб асари Русияда биринчи мартаба таъб этилиб сотилмоққа қўйилди. Бу китоб турк тили билан форсийнинг муҳокама ва муқоясасидан иборат бўлуб, турк тилининг форсийга назаран ниҳоятда бойлигини юз луғатлар билан исбот этмишдур. Турк тилининг унутилгон луғатларини ҳам «сарт» деб аввалда кимларни атагонлигини билгуси келган ҳар бир зот учун муҳим бир асардур. Туркистондаги машҳур кутубхоналарда ҳам ноширнинг ўзида сотилур». Шунингдек, А.Зоҳирий Муҳаммад Юсуф Чингининг «Келурнома» номли чигатойча-форсча луғатини Ўзбекистонда биринчи бўлиб илмий истифодага олиб кирганини қайд этиш лозим. Олим ушбу асар ҳақида «Маориф ва ўқитғувчи» журналида салмоқли мақола чоп этган.

Ўзбек адабий тилини яратишда Ашурали Зоҳирийнинг хизматлари катта. Ашурали Зоҳирийга замондош, бу давр илмий-адабий жамоатчилигининг машҳур кишилари унинг бу соҳадаги хизматларига муносиб баҳо берганлар. Абдурахмон Саъдий ўзбек адабий тилининг майдонга келиши, аввало, маърифатпарвар авлоднинг ўз она тилларида китоблар бостириши ва матбуотни йўлга қўйиши орқали бўлганлигини кўрсатиб шундай ёзган эди: «Уйғониш даврида нашрда шуни (*адабий тилни - Т.Т.*) Бехбудий турғузиб, Ҳожи Муинлар, Ашуралилар уни ишлагучи бўлдилар»³⁰. Бу каби фикрлар билан ҳисоблашмоқ керак.

Ўзбекситон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Она тилим» мақоласи ўз тафаккур кўлами билан

³⁰ Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. Нашрга тайёрловчи Баҳодир Карим // Ватан газ. -1996. - 5 декабрь.

маданий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда тилимизнинг кечаги, бугунги ва эртанги муаммолари гоят теран мушоҳада қилинган. Она тилимизнинг кейинги ривожига доир қимматли фикрлар билдирилган. Эркин Воҳидов мустабид тузум шароитида тилимизни асраб-авайлаган, унга ривож берган зиёлиларимиз хизматларини чуқур миннатдорчилик билан қайд этади: «Ўзбек тилининг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида тутган мавқеи учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган зиёлиларимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз яшаш имкониятларидан дадиллик билан фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилига ҳурмат туйғусини тарбия қилдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари, юзлаб, минглаб русча ва байналминалча сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар. Биргина тилшунослик билан боғлиқ атамалар қанча! ...ўша замон зиёлиларимизнинг ижодий жасорати боис биз бугун шундай бой мулкка эгамиз»³¹.

Ушбу эътирофга биринчилар қатори Ашурали Зоҳирий ҳам сазовор бўлишга ҳақлидир. Маърифатпарвар олим ўз мақола ва рисоалари, қўлланма ва луғатлари билан ўзбек тили илмий терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хусусан, Ашурали Зоҳирийнинг «Тил ва имло масаласи» мақоласида адабий тил ҳақида илгари сурган қарашлари кўп жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тили мисолида ўз ифодасини топган³². Унда адабий тил халқ жонли тили заминига қурилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Имлони халқчиллаштириш – миллий тил табиатига мувофиқлаштириш Ашурали Зоҳирийнинг асосий гоёси бўлган.

Ашурали Зоҳирий тилшунослик мероси орасида энг салмоқли ўрин тутадигани, шубҳасиз, унинг 1927-1928 йилларда нашр этилган «Русча-ўзбекча мукамал луғат»идир. Луғат икки жилддан иборат бўлиб, 34 минг сўзни ўз ичига олган. Бу луғат миллий тилнинг лексик меъёрларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек грамматикасининг айрим назарий

³¹ Воҳидов Э. Она тилим. // Халқ сўзи. 2003 йил 21 октябрь..

³² Зоҳирий А. Тил ва имло масаласи// Қизил Ўзбекистон. -1929. -29 март

масалалари унинг 1920 йиллардаги мақолаларида таҳлил қилинган. Луғатда эса энди сўзларнинг тайёр шакллари уларнинг аниқ мазмуни ва қўлланиши билан берилган. Шу ўринда Ашурали Зоҳирийнинг илмий терминологияни амалий ишлаб чиқишдаги хизматларини қайд этиш лозим. Луғатда грамматик категорияга оид кўплаб мисолларни топамизки, уларга таяниб А.Зоҳирийнинг грамматик категориялар ҳақидаги қарашларини кузатиш мумкин. Албатта, ушбу луғатнинг талай камчиликлари бор. Унда сўзларнинг кўп маънолилиги ажратилмаган. Таржималарда ҳам баъзи ноаниқлик ва хатолар мавжуд (бу ҳақда 3 бобда фикр юритамиз). Шунга бўлса-да, Ашурали Зоҳирий ўзбекчалаштирган ушбу иши ўзбек тилида биринчи мукамал таржима луғат сифатида ўз даврининг амалий ҳамда илмий талабларига жавоб бера олган.

Ашурали Зоҳирий ўз даврининг таниқли тилшунос олими сифатида Тил-имло курултойи (Тошкент, 1921), Ўзбек маданият ва маориф ходимларининг ўлка курултойи (Тошкент, 1922), Туркиёт курултойи (Боку, 1926), лотин алифбони қабул этишга бағишланган Ўрта Осиё илмий анжуманларида (Самарқанд, 1927) фаол иштирок этган.

Ашурали Зоҳирий ўзбек журналистикаси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. У «Садойи Фарғона» (1914), «Халқ газети» (1918-19), «Меҳнат байроғи» (1921), «Фарғона», «Янги Фарғона» (1921-1930) газеталарида адабий ходим бўлим ишлаб, «Хизмат қаҳрамони» бўлган (1923)³³. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида матбуот тилининг ўрни катта эканлигини, унинг «она тилига хизмат» этиши лозимлигини доимо таъкидлаган: «...газета ва журналларнинг дунё аҳволидан ва бошқа тўғрилардан халққа хабар бериб турмоғидан бошқа улуг ва кўзга кўринмайдурғон бир фойдаси бор бўлурки, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукамаллашмоғидир»³⁴. Ўзи хизмат қилган нашрларда ҳар доим шу жиҳатларга катта эътибор қилди.

Ашурали Зоҳирий 1910 йиллардан Туркистон вақтли матбуотида фаол қатнаша бошлаган. «Она тили» («Садойи

³³ Фарғона газ. 1923. -№100.

³⁴ Зоҳирий А. Она тили // Садойи Фарғона, 1914 й., 13 апрель.

Фарғона», 1914 й., 13 апрель), «Мархум Исмоилбек қандай ишлар қилгон?» («Садойи Фарғона», 1914 й., 60-сон), «Хукумат ўзгариши» («Юрт», 1917 й., 1-сон), «Миллий ишлар комиссари Тожхўжа афандининг «Фикҳа жамияти»га берган саволи муносабати ила» («Улуғ Туркистон», 1918 й., 110-сон), «Имло масаласи ҳақида иккинчи турли мулоҳаза» («Иштирокиюн», 1919 й., 19 июнь.), «12-фирқа қурултойида миллатлар масаласи» («Фарғона», 1923 й., 13 май), «Ўтканларга бир қараш» («Фарғона», 1923 й., 100-сон), «Бир йил тўлди» («Фарғона», 1924 й., 199-сон), «Олти ойлик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш» («Фарғона», 1924 й., 21 июнь), «Ўзбеклар» («Фарғона», 1926 й., 346-сон), «Туркиёт қурултойи тўғрисида» («Фарғона», 1926 й., 384-сон), «Келурнома» («Маориф ва ўқитғучи», 1927 й., 9-10 сонлар), «Тил ва имло масаласи» («Қизил Ўзбекистон», 1929 й., 29 март) каби кўплаб мақолалар ёзган. Уларда замоннинг энг долзарб масалалари: она тили муҳофазаси, маданий-дунёвий маърифат, янгича таълим-тарбия, миллий уйғониш, ҳуррият, тараққиёт, миллий давлатчилик ғоялари, шунингдек, олимнинг тилшунослик, адабий-танқидий қарашлари акс этган.

Ашурали Зоҳирийнинг вафоти санасига (1937) кўз ташлаган киши унинг ҳам тақдири Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон сингари юзлаб зиёлиларимиз қисматидек кечгани, у ҳам мустабид тузум қурбони бўлганини англайди. У дастлаб 1930 йил 31 декабрда қамоққа олиниб, 10 йилга ҳукм қилинди. Москва-Волга канали қурилишида яхши ишлаб, муддатидан олдин 1934 йилнинг ноябрида қайтган. Аммо 1937 йилда такрор ҳибсга олиниб, отилган.

Ашурали Зоҳирийнинг биз тўплаган ва ушбу диссертациямизда тадқиқ этган лингвистик мероси унинг XX аср миллий уйғониш даври ўзбек тилшунослик илмининг кўзга кўринган вакили эканлигидан далолат беради. Олимнинг тилшунослик мероси ўзбек тили тарихи, адабий тил тараққиёти масалаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу бобда қайд этилган далил ва фикрларга таяниб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ашурали Зоҳирий миллий уйғониш даврининг кўзга кўринган маърифатпарвар зиёлиси ва истиқлол курашчидир. У ўзидаги бор истеъдод ва иқтидорини миллий мустақиллик йўлига бахшида этган. Халқни маърифат йўли билан тарбиялашда муҳим бўлган миллий мактаб-маорифни ташкил қилишда, матбаачилик, журналистика ва яна бошқа соҳаларда фидокорона хизмат қилган.

2. Ашурали Зоҳирийнинг серқирра фаолияти, илмий-ижодий мероси ҳақида бир рисола ва қатор мақолалар эълон қилинган бўлса-да, аммо уларнинг кўпчилигида фактик хатолар кўп учрайди. Баъзи тадқиқотчилар асл манбалардан фойдаланишда қатор хатоларга йўл қўйганлар. Айрим сўз ва ибораларни нотўғри талқин қилганлар. Шу сабабли бу ишларга танқидий ёндашиш, уларни тўғри кўрсатиш ва изоҳлаш зарур.

3. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик фаолиятида имло масаласи етакчи ўрин тутди. Бу ҳақдаги фикрлари, айниқса, тиниш белгиларининг қўлланилишига доир қарашлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

4. Ашурали Зоҳирий она тили – миллий ўзбек тили жонкуяри, ҳимоячиси, етук тилшунос олим сифатида муносиб ном қолдирган.

5. Ашурали Зоҳирий ўзбек тили ривожига муносиб ҳисса қўшиб, имлони миллий тил табиатига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берган. Ўз даври табиатидан келиб чиқиб, ўзбек адабий тили меъёрларини белгилашга ҳаракат қилган.

6. Ашурали Зоҳирий етук луғатшунос сифатида ўзбек тили луғатшунослигига муносиб улуш қўшган.

2 БОБ. АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

2.1. Ашурали Зоҳирийнинг имло дарслиги

Маълумки, татар маърифатчилари чор Россиясига тобе бўлган бошқа халқларга қараганда европача фикрнинг илғор ютуқлари ва умумжаҳон демократик ғояларини эртароқ эгалладилар. Шу сабабли улар Россиядаги қардош туркийзабон халқлар маданиятини ривожлантиришга катта таъсир қилганлар. Бу таъсир Исмоил Гаспиринский номи билан боғлиқ. Зотан, у «шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаб, «усули жадид» номи билан» тарихга кирган «усули савтияни» бошлаб берди. Бошқача айтганда, XX аср Шарқининг машҳур, энг тараққийпарвар ҳаракатчилиги – жадидчиликка асос солди»³⁵.

И.Гаспиринскийнинг турк-татар дунёсидаги хизматлари Туркистон маърифатчиларининг доимо диққат марказида бўлди. У ҳақда Маҳмудхўжа Бехбудий, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон ва бошқалар кўп ёзишган³⁶.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида гоҳида шундай вазиятлар юзага келадики, бундай пайтда айрим тилларнинг ижтимоий функцияси фавқулодда кенгайди. 20-аср бошларида Туркистонда миллий тил соҳасида мана шундай шарт-шароит юз берди. Аслида бу давр чор Россияси сарҳадларидаги бошқа халқлар тилларида, алифбо ва имлосида ҳам чуқур ўзгаришларни вужудга келтирди. XX аср бошида Кавказда Шох Тахтинский томонидан чиқарилган «Шарқий Рус» (1902) газетаси бутун туркий халқлар ичида биринчи бўлиб ҳарфларни ўзгартириш масаласини кун тартибига қўйди³⁷. Ёзувни ислоҳ қилиш Қозон ва Уфа татарлари орасида қизгин баҳсларни

³⁵ Қосимов Б. Исмоилбей Гаспирали. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. -80 б.

³⁶ Бехбудий. Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат //Нашрга тайёрловчи: Ш.Турдиев// Ўзбекисон адабиёти санъати. -1993. -21 май; А.Зоҳирий. Марҳум Исмоилбек қандай ишлар қилгон. //Садойи Фарғона. -1914. -№ 60.

³⁷ Фотих Сайфи Қозонли. Татарлар орасида янги алиф тарихи. - Қозон: Янги алиф жамияти босмаҳонаси, 1928. -Б. 7.

келтириб чиқарди. Бу ҳаракат Туркистон халқларига ҳам таъсир килди.

Маълумки, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви узоқ тарихий даврни босиб ўтди. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳам қарийб 1300 йил шу ёзувдан фойдаланиб келди. Утган вақт мобайнида маърифатпарварлар араб ҳарфларини ўзбек тили қонуниятларига маълум даражада мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Аммо XX асрнинг бошларига қадар араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувининг имло қоидалари йўқ эди, унга алоқадор бўлган масалалар ўрганилмади. Бу ёзувнинг имло қоидалари яратилмади³⁸.

Бу фикрларни тўлиғича бошқа туркий халқларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Фақат 19 асрнинг сўнгида татарлар орасида ёзувни тузатиш ҳаракати жонланди. Бу интилиш татар халқи маданияти тарихида ёрқин из қолдирган Қаюм Носирий (1825-1902) номи билан боғлиқ. Атоқли тилшунос татар тили қоидаларини яратишда энг биринчи қийинчилик араб алифбоси билан боғлиқ эканлигини унли товушлар мисолида кўрсатиб берди. Аввало, у татар тилида нечта унли товуш борлигини текширди. Уларнинг сонини 10 та деб белгилаб, бу товушлар учун «алиф», «вов» «йо» ёнига янгидан ҳарфлар олиш зарурлигини уқтирди. Олим ҳарф олмай туриб, татар тилида тўғри ёзиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Қ.Носирий 10 та унли товушга ҳарф белгилашда, Қуръондаги белгилардан фойдаланди, **ع - و - ل** га ҳар хил аломатлар қўйиш орқали уларни ундош ҳарфлардан ажратади³⁹. Шундай қилиб, Қ.Носирий 1895 йилда Қозонда босилган «Анмумузаж» асарида турк дунёсида биринчи бўлиб унлилар сонини 10 та деб белгилади, араб алифбосини ислоҳ этиш йўлини бошлаб берди⁴⁰. Лекин унинг бу ғоялари ўзи ҳаётлигида амалга ошмади, расмий равишда қабул этилмади⁴¹.

³⁸ Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси// Ўзбек тили ва адабиёти ж. -1990. -№4. -Б. 36.

³⁹ Фотиҳ Сайфи Қозонли. Тотарлар орасида «Янги алиф» тарихи. -Қозон: Янги алиф жамияти босмаҳонаси. -1928. -Б .

⁴⁰ Иброҳим Тохирий. Ёзувлар тарихи. -Сам-Тош.: Ўзнашр, -1929. -Б.110.

⁴¹ Абдурахмон Саъдий. Кишилиқ дунёсида тил, адабиёт, ёзув ҳам уларнинг тарихий ўсувлари. -Қозон: Тотаристон давлат нашриёти, 1926.

Татар тили ёзувини ислоҳ қилиш, ҳарф-имлони тузатиш ҳаракатлари кейинчалик Ҳоди Мақсудий, Имод Нўғайбақ, Ибод Олпоров, Шокир Тоҳиров, Абдуманнон Раҳмонқулов, Олимжон Иброҳимов, Фотиҳ Сайфи Қозонли ва бошқа татар маърифатпарварлари ишларида давом эттирилди.

Татар олимлари, ёзувчи ва маърифатпарварларининг қизгин баҳс-мунозаралари, жанжалли тортишувлари «қозонида қайнаган» имло масаласи узоқ ислоҳ жараёнини бошидан кечирди. У XIX аср охири – XX асрнинг 20-йилларида Уфа ва Қозонда Тил ва имло масаласига бағишлаб ўтказилган турли курултой, анжуман ва илмий кенгашларларда кўп бор қизгин муқокама қилинди. Айтиш керакки, татар маданияти тарихида алифбо-имлони тузатиш йўлида кечган ҳаракатлар, турли йўналишлар, анжуманларда қабул қилинган қарорлар ўзбек маърифатпарварлари фаолиятида чуқур из қолдирди. Шу боис, 20-йиллар тил-имло масалаларини ўрганишда татар зиёлилари ишларига эътибор бериш зарур. Чунки бу, юқорида айтганимиздек, миллий зиёлиларимиз олиб борган араб ёзувига асосланган ўзбек алифбо ва имлосини ислоҳ этиш жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Фитрат таъбири билан айтганда, XIX асрнинг сўнгиларида бизда ҳам «янгилашмак (тажаддуд) фикри ўйғонди. Янги мактаблар очмоқ, янги китоблар ёзмоқ, газитлар чиқармоқ истадик: очдик, ёздик, бироқ хануз тил, имло масалаларига очик белгили бир йўл бера олмагон эдик. Бутун турк дунёси учун "бир ялпи тил" қабул этмак хаёлллари билан овора бўлдик. Тилимизни шунга тўғри юрғузмоқ учун унумсиз тиришдик. Бу хаёлларнинг ишға ошмағонин билгандан кейин ўз тилимизни, ўз имломизни тушуна бошладик. Бу йўлда биринчи одимни кўқонлиқ Ашурали Зоҳирий отди. «Имло» битикчасини ёзиб чиқарди. Ундан сўнгра Тошкантида «Чигатой гурунги» очилди. «Гурунг» тил, имло масалалари билан теранрак машғул бўлди»⁴².

Фитратнинг Гаспиринский томонидан ўртага ташланган барча туркий халқлар учун «умумий ва адабий бир лисон»

⁴² Фитрат. Сарф. - Сам.-Тош.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927. -Б 4.

говяенга муносабатини таҳлил этишдан ҳозирча сақланайликда, унинг бошқа бир фикрига эътибор берайлик. Фитрат Ашурали Зоҳирийни ўзбек тили ва имлоси устида иш олиб борган илк тадқиқотчи сифатида эътироф этмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан, Ашурали Зоҳирийнинг Туркистон бошланғич мактабларининг 4-синфлари учун мўлжалланган «Имло» дарелиги 1916 йилда Қозонда нашр этилган. Уни нашрга Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси тайёрлаган. Шу ўринда Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим ҳожи (Фахриддинов)нинг 1913 йилда Тошкентда чоп этилган «Туркча қоида» (2, 3, 4-синфлар учун) китобини ҳам қайд этиш жоиз⁴³. Ҳар ҳолда, Фитрат «ўз тилимиз, ўз имломиз»га доир биринчи иш сифатида «Имло»ни тилга олиши унинг Зоҳирийга, олимнинг хизматларига ҳурматидан дарак беради.

Ашурали Зоҳирийнинг линвистик мероси ичида «Имло» рисоласи алоҳида ўрин тутади. Бу рисолада у биринчи марта сўз ва унинг маъноли қисмларини қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, ёзувда унли товушларнинг ифодаланиши каби масалалар устида тўхталади. Албатта, ўз даври учун ижобий саналган ушбу қоидаларда мунозарли ўринлар ҳам мавжуд. Ундаги имло қоидалари кўп ўтмай ёзувни ислоҳ этиш жараёни бошлангач нашр юзини кўрган «Чиғатой гурунги» аъзоларининг «Битим йўллари» ва Элбекнинг «Ёзув йўллари»даги имло қоидаларидан фарқ қилади. Бундан қатъи назар мазкур асар ўз даврида саводсизликни битиришда дастлабки иш бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Ашурали Зоҳирий сўз бошида туркий (ўзбек) тилнинг узоқ давр араб ва форс тиллари тазйиқи остида қолиб келганидан, сўнги пайтда эса унинг бутунлай «арабий имло тартибида ёзиладирғон, ўндан бир калимасини ҳам киши англамайдурғон бир даражага етиб қолғонлиғидан» қайғурар экан, шундай ёзади: «Бунинг билан кундан-кун, йилдан-йил ўткан сари тилимиз оқмай қолғон сувдак музламоққа бошлади. Ҳатто баъзи кишиларимиз арабийга хейли иқтидорли бўлса, ўз тилимизнинг энг кераклик қоидаларини ҳам билмайдурғон бўлдилар. Ҳамда шул вақтгача мактаблар учун ўз тилимизда

⁴³ Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим ҳожи (Фахриддинов). Туркча қоида. -Т.: 1913.

бирор дона «Имло» рисоласи кўринмади. Бизнинг ҳозирги (эски) имломизда қоида деган нарсаси асло риоя этилмаганлигини ҳар ким ўзича қандай ёзмақни хоҳласа, ўшандай ёза берган; бу адабиётимизнинг кенгаймасликига сад бўлб, ёшларимизнинг қийналишидан бошқа, ажнабий миллатларнинг қошида тилимизнинг масхара қилдируб, маданий тилларга баҳо қўйганда, қиммати ҳеч бўлишига сабаб бўлдиқ. Шунга биноан бул «Имло» рисоласини ёздим»⁴⁴. Муаллиф бу китоб ўз даврининг таълим усулига мувофиқ ёзилганлигини қайд этган. Шу билан бирга А.Зоҳирий ўз рисоласини мукамал, ҳамма талабларга жавоб бера олади, деб даъво қилмайди: «Ман бул «Имло» рисоласи билан имломизни тамом йўлга қўйдим ёки тилимизнинг бўлган-биткон имло қоидалари шул демайман! Балки бул рисолача имломиз ҳақида музлган дарёдан бир сув олғич очқондек, ёки қор босқон йўлга бир чизиқ тортуб кеткондеккинадур. Биз мунчалиқ қилдик, мундан кейин бошқалар тарафидан эҳтимол яхшироқи чиқарилса»⁴⁵.

Ҳақиқатан, бундан сўнг шўролар ҳокимияти шароитида фаолият кўрсатган Фитрат бошлиқ «Чигатой гурунги» уюшмаси тил-имло масалалари билан жиддий шуғулланди ва улкан ишларни амалга оширди (биз бу ҳақда кейинги параграфда фикр юритамиз).

«Имло» рисоласи уч қисмдан иборат:

I қисм: «Туркий сўзларнинг қоидалари»;

II қисм: «Арабча сўз ва киши исмларида риояси лозим қоидалар»;

III қисм: «Хатлар орасида риояси лозим ишорат ва вақф аломатлари».

I. «Туркий сўзларнинг қоидалари»

Ушбу қисм 26-§ дан иборат бўлиб, унда қуйидагилар тўғрисида баҳс юритилади: 1. Арабча ва туркий (ўзбекча) сўзлардаги ҳарфлар ҳақида (1-§); 2. Қўшилиб ёзиладиган

⁴⁴ Зоҳирий А. Имло. -Қозон: «Умид» типо-литографияси, 1916. -Б. 3.

⁴⁵ Ўша манба, ўша жой.

харфлар (хуруфи муттасила), ўзидан кейингисига кўшилмай ёзиладиган харфлар (хуруфи мунфасила) имлоси ҳақида (2–6-§§); 3. Товуш ва сўз, товуш ва харф ҳақида (3–4-§§); 4. Харфлар талаффузини бошқарадиган белгилар (яъни ҳаракатлар) ва унли харфлар (хуруф имло ёки ҳаракаи харфия) ҳақида (7-§); 5. Кўшимча ва сўзларда унли харфлар (хуруфи имло)нинг ёзилиши ҳақида (8–11-§§); 6. Сўз охирида алиф ёки ҳойэ расмия (°) нинг ёзилиши ҳақида (12-13, 15-16-§§); 7. Унли «э» ва «э» харфлари имлоси ҳақида (17-18-19, 21-§§); 8. Ташдид ҳақида (22-§); 9. Кўшимчалар имлоси ҳақида (23-§); 10. «э» харфи имлоси ҳақида (24-§); 11. Уч турли коф ҳақида (25-§); 12. «ك» «كان» одатлари бош харфи имлоси ҳақида (14, 26-§§); 13. Ажратиб ёзиладиган сўзлар ҳақида (5, 20-§§).

Таъкидлаш керакки, дарслик бошланғич мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлгани учун имло қоидалари ихчам ва тушунарли баён қилинган. Болалар билимини мустаҳкамлаш учун ҳар бир параграф бўйича савол ва топшириқлар берилган.

Бу ерда «Имлонинг» I ва II қисмидаги барча параграфларни бирма-бир таҳлил қилиш ва бу тўғрида батафсил сўз юритишни лозим топмадик. Негаки, муаллиф ўзи эътироф этганидек, бу дарслик ўзбек тили тўғри ёзуви йўлида илк тажриба бўлганидан унда мунозарали ва хато ўринлар мавжуд. Бунга асосий сабаб, аввало, XX аср бошларида Туркистон шароитида майдонга келган лингвистик асарларнинг татар тилшунослигига эргашиб, араб грамматикаси анъаналарида яратилганлиги бўлса, иккинчидан, бу даврнинг илм-фан ривожини даражаси билан боғлиқдир. Бир неча алифбо ва ўзбек тили китоблари муаллифи Шокиржон Раҳимий ёзув қоидалари борасидаги ишлар ҳақида сўнграқ шундай ёзган эди: «Бу чокқача бу тўғрида бўлгон ҳаракат ҳаммаси ё тотар, ёхуд араб ва рус грамматикаларига эргашиш ва буларга тақлид қилишдан иборат эди. Бундан илгари, ҳатто истибдод чоғларида мактабларда тилимизнинг грамматикаси шу йўлда ўрганилди ва шу йўлда тузилди. Хўқандда ўртоқ Ашуралӣ Зоҳирӣ томонидан тузилиб босилгон «Имло» рисоласи, Тошкентда Муҳаммадрасул Расулийнинг

«Раҳбари форсий»си, Муҳаммадамин ибн Фаҳриддиннинг «Турк тили қоидалари», рус ёзувчиларидан Наливкин ва бошқаларнинг сарфи ҳаммаси шу йўлда қоида китоблари эди»⁴⁶. Шунинг учун «Имло»нинг I ва II қисмининг ўзига хос томонларини кўрсатиш билан чекланамиз.

«Имло»да ундош ҳарфларнинг ифодаланиши

А.Зоҳирий араб алифбосида, умуман, арабча сўзларда 28 ҳарф борлигини қайд этади. Бу ҳарфлардан олтитаси ، ض ، ظ ، ذ ، ح ، ث ، ع туркий сўзларда қўлланмаслиги, уларнинг ўрнига ўзбекча (туркий) сўзлар учун گ ، ك ، ز ، ج ، ب ҳарфлари орттирилганлигини кўрсатади. У туркий сўзларда қўлланадиган ҳарфлар сонини 27 та деб белгилайди. Илмий адабиётларда одатда 8 та ҳарф араб тилига хос товушларни ифодалашини, шу сабабли булар араб тилидан ўзлашма сўзлардагина қўлланишини айтилади⁴⁷. А.Зоҳирий «Имло»да араб тилига хос ҳарфларни кўрсатганда, негадир ص ҳарфларини келтирмайди. Китоб матнида айрим туркча сўзларни шу ҳарфлар билан ёзиб кўрсатади: طوله (тўла) ، طاغين (тагин) ، صائمق (сотмоқ) ، أط (от) ، صو (сув) ، صوقماق (суқмоқ) ، بولوط (булут) ، وطويغو (туйғу). Унинг бундай йўл тутишига сабаб араб тилидаги товушларни ифодаловчи махсус 8 та: ع ، ذ ، ث ، ح ، ظ ، ض ، ط ، ص ҳарфлардан ص ҳарфлари кейинги даврларда туркий тилдаги сўзларда ҳам ишлатилган. Хусусан, татарлар ط ва ص ҳарфларини ўз тилларида «қалин сўзлар»да, яъни қаттиқ ўзакли ёки тил орқа (орқа қатор) унлилар бўлган сўзларда қўллаганлар: طاق (тоғ) ، طاغ (тоқ) ، صامان (сомон) ، صوز (сўз) ، صاموار (сомовор) . 19-асрнинг охирларида Қозонда нашр қилинган «Тарихи шажараи турк» китобида ҳам ط ва ص билан ёзилган туркча сўзлар кўп учрайди: «...آندن صونك بارص بلنده آطلانب ...»⁴⁸. 1917 йил Феврал ўзгаришидан сўнг бўлиб ўтган Бутун Россия татар ўқитувчиларининг 2-қурултойида ҳам ط ва ص ҳарфлари туркий

⁴⁶ Раҳимий Ш. Тилимизни бир қонда остига олайлик// Туркистон газ. -1923. -7 январь.

⁴⁷ Зоҳирий А. Имло. Қозон: Умид типо-лиитографияси, 1916.-38 б.

⁴⁸ Иброҳим Тохирий. Ёзувлар тарихи. -Сам.-Тош.: Ўзнашр, 1929. -110 б.

⁴⁹ Абулғози Баҳодирхон. Тарихи шажарайи турк. - Қозон: 1891. -Б 21.

«қалин сўзларда» ёзилиши таъкидланган⁵⁰. Умуман, бу ҳолни ўша вақтларда Туркияда чоп этилган китобларда ҳам кўриш мумкин. Бунга фақат эски ўзбек алифбоси ва имлосини ислоҳ этиш жараёнида барҳам берилди. Фитрат «Чигатой гурунги»нинг янги имлосида туркий сўзларда ط، ص، ظ ҳарфларининг ёзилмаслигини аниқ ёзади: «Товуш ҳарфлари (ундошлар - Т.Т.) йигирма тўрт турлидир. ط، ص، ظ ҳарфлари ёт ҳарфлар сирасига юборилдилар. Усмонлилар ёки татарлар каби бу ҳарфларнинг биртасини ё учаласини туркча қалин сўзлар учун тевишли топилмади»⁵¹. Қисқаси, 1921 йил Тил ва имло курултойида ўзбек тилига хос бўлмаган саккиз араб ҳарфи алифбодан чиқарилди.

«Имлода» унлиларнинг ифодаланиши

Маълумки, араб тилида б та унли бўлиб, ا (алиф), و (вов), ي (йо) чўзик, *фатҳа, касра, дамма* қисқа унлиларни ифодалайди. *Фатҳа, касра, дамма* ҳаракатларининг форсча исми *зер, забар, пеш* бўлса, «Имло»да улар ўзбекча атама билан *ост, уст, ўтур* деб номланган. Бу атамалар татар тилшуносларидан ўтган. Ашурали Зоҳирий ҳаракатлар арабча сўзларда аломатсиз айтилса-да (яъни ҳарфсиз ўқилса-да), туркий сўзларда унли товушларнинг ёзилишини уқтирган. Улар «хуруфи имло» ёки «ҳаракаи ҳарфия» деб номланган. Олим ўзбек тилида унли товушларни куйидагича кўрсатади: «Хуруфи имло» тўртдир: و، ا، ه، ح. Остка ўкумоқ учун (ح)، устка ўкумоқ учун (ه)، устка бир оз чўзуб ўкумоқ учун (ا)، ўтурга ўкумоқ учун (و) ёзилурлар. Чунончи: صادق، براو، يەنە، يەنە، كليليب،

Эски ёзувда унли товушларни ифода этиш учун асосий учта белгидан фойдаланилган: ا (алиф), و (вов), ي (йо). А.Зоҳирий китоб сўзбошида «ҳойэ расмия» (ه)ни имлога киритганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу билан «Имло»да унлилар учун олинган ҳарфлар сонини тўрттага етказди.

⁵⁰ Абдурахмон Саъдий. Кишилиқ дунёсида тил, адабиёт, ёзув ҳам оларнинг тарихий ўсувлари. -Қозон: Татаристон давлат нашриёти босмаси, 1926.

⁵¹ Фитрат. Имло масаласи. «Иштирокиюн» газ., 1919 йил, 27 август.

Маълумки, ҳойи ҳавваз арабча ва форсча сўзларда ундош товушларни, форсча сўзларда қисқа э (е) унлисини ифодалаш учун қўлланади. Эски ўзбек ёзуви тарихига бағишланган тадқиқотларда ҳойи ҳавваз бу вазифалардан ташқари ўзбекча сўзларда унли товушни ифодалаш учун ишлатилганлиги, бу жиҳатдан у алиф билан вазифадош бўлганлиги кўрсатилади⁵². Ҳойи ҳаввазнинг қўлланиши кейинги даврларда кенгайиб борган. XIV аср ёдгорлиги «Муҳаббатнома»да бир қатор сўзлар бир ўринда алиф билан *بیرلا*، *ازرا*، *ایخرا* шаклида, бошқа ўринда ҳойи ҳавваз билан *ازره*، *بیرله*، *ایخره* тарзида ёзилган. XV асрга келиб туркий сўзларда унли товушни ифодаловчи восита сифатида ҳойи ҳаввазнинг қўлланиши янада кенгайган. Унга тўлиқ мақомдаги унли товуш белгиси 1899 йилнинг майида Уфада тил, имло ва маориф масалаларига бағишланган кенгаш мажлисида берилди. Имлога ҳойи расмия, яъни, *ه-ا* (**а**) киритилди⁵³. Бошлаб Ҳоди Мақсудий ўзи тузган «Муаллими аввал» алифбосида, сўнг «Юлдуз» газетасида ишлата бошлади⁵⁴. Бундан ташқари татар маърифатпарвари татар алифбосига яна бир унли – «ўтурли вов», яъни *ۇ* (**у**) киритдилар. Гарчи, А.Зоҳирий булардан яхши хабардор бўлса-да, «Имло»да бу унли йўқ. Демак, «Имло»да кўрсатилган тўрт унли – «хуруфи имло»: *ۋ* (**о**), *ه* (**а**), *ۇ* (**у**, **ў**), *ه* (**и**, **э**) кўрсатилган.

Арабча сўзлар имлоси

Ўзлашган сўзлар оғзаки нутқда қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар ёзма адабиётда ўзгаришсиз ёзилган, яъни арабча ва форсча сўзлар шу тилнинг ўзида қандай ёзилган бўлса, ўзбек тилида ҳам шундай ёзилган⁵⁵. Бу анъанага ўтган асрнинг бошларида ҳам барча туркий халқлар риоя қилганлар.

«Имло» дарслигининг иккинчи қисми арабча сўз ва киши исmlарининг тўғри ёзиш қоидаларига бағишланган. Ашурали

⁵² Шукуров Ш. Ҳойи ҳавваз ва унинг вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1991. - №3. - Б.20-4; Маҳмудов Қ. Кенг унлиларнинг ёзма манбаларда ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1990. - №5. - Б. 25-28.

⁵³ Абдурахмон Саъдий. Кишилиқ дунёсида тил, адабиёт, ёзув ҳам оларнинг тарихий ўсувлари. - Қозон: Татаристон давлат нашриёти босмаси, 1926.

⁵⁴ Иброҳим Тоҳирий. Ёзувлар тарихи. Ўзнашр: - Сам.-Тош., 1929. - 110 б.

⁵⁵ Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси // Ўзбек тили ва адабиёти ж., 1990. - №4. - Б.36-37.

Зоҳирий ўз даврининг фарзанди сифатида ўзбек тилида бўлмаган арабча товушларни англаувчи ҳарфлардан ҳали воз кечолмас эди. Туркий тилда сўзлашувчи халқлар, айниқса, Волгабўйи татарлари ёзувларида имло ислоҳоти бошланганда, айрим илғор фикрли тилшунослар араб тилига хос бўлган ҳарфларни ўз алифболаридан чиқариб ташлаш ҳақида фикр билдирганлар. Аммо бунга ҳали жамиятнинг барча зиёли қатлами тайёр эмас эди. Аёнки, дастлабки пайтларда Туркистон зиёлилари ҳам алифбо-имло масаласида татар имлочилари йўлидан боришган, улардан ўрнак олишган. Шу сабабли Ашурали Зоҳирий ҳам «Имло» китобида ўзбек тили учун ёт бўлган арабча ҳарфларни қолдирган. Заҳматкаш олим Й.Абдуллаев ёзганидек, «Муаллиф (*Ашурали Зоҳирий – Т.Т*) араб алифбосидаги ўзбек тилида бўлмаган товушларни кўрсатувчи ҳарфларни тўғри ёзишдан туғилган қийинчиликларни яхши тушунган, бироқ ўзбек тили тўғри ёзуви қоидаларини яратар экан, юқорида кўрсатилган ҳарфлардан ва соф арабча имло қоидаларидан воз кеча олмади. Шунинг учун «Имло»га алоҳида қисм киритди»⁵⁶.

Олимнинг юқоридаги фикрларини тасдиқлаб айтиш мумкинки, бу даврда тилимизда арабча сўзлар талайгина эди. Уларни ўз аслидек ёзиш мажбурияти туфайли дарсликларда арабча сўзлар имлоси ўргатилган.

Ашурали Зоҳирий дарсликнинг 27-§да арабча сўзлар имлосининг қийинлиги ҳақида шундай ёзади:

«1) араб ҳарфида ҳаракаи ҳарфия бўлмай, балки ҳаракаларнинг сўз орасида бўлмоғи; 2) арабчада идғом бўлмоғидур; 3) танвинга ўхшаш баъзи ҳарфларнинг талаффузда бўлса ҳам, ёзувда бўлмасликидур;

4) арабчада ذ، ح، ث، ع، ظ، ض туркий ҳарфлари ниҳоятда оғир махражли ҳарфлар бўлмоқидур; 5) арабчада сўзларнинг эшитилгонча ёзилмағонлиғидур, бундай бўлиши ёзишда ниҳоятда қийинлик қиладур».

⁵⁶ Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамота в узбекской школе. -Т.: Ўқитувчи, 1966. -Б. 147-149.

Олим кейинги параграфларда арабча сўзларни тўғри ёзиш қоидаларини бирма-бир баён қилган. Масалан 28-§да охирида **الله** сўзи иштирок этган (*Лутфулла, Абдулла, Раҳматулла* ва ш.к.) исмларда ундан олдин «**вов**» эшитилса ҳам ёзилмаслиги; 29-§да киши исмлари охирида «**دين**» шакли бўлса, ундан олдин алифлом ёзилса-да, аммо у ўқилмаслигини кўрсатади. 30-§да эса арабча сўз бирикмаларининг иккинчи қисмида *лом* билдириб ўқилса ва ундан кейин қамария ҳарфларидан бири келса, «**ل**»дан олдин «**ا**» ёзилиши зарурлиги ўқтирилган: *اصول* эмас *اصول جديد*. Шунингдек, 32-§да арабча сўзларнинг биринчи бўғини алиф билан ифода этилган чўзик **а** билан тугаган бўлса, иккинчи бўғинда **и** товуши бўлсаю ундан сўнг биргина ҳарф бўлса, **и** товуши учун ҳарф ёзилмаслиги қайд этилган: *شاكير* эмас *شاكير* каби. Шундай қилиб, саккизта параграфда арабчадан ўзлашган сўзларнинг имлоси кўрсатиб берилган. Шуни таъкидлаш керакки, Ашурали Зоҳирийнинг юқорида тилга олган айрим қоидалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Дарсликнинг сўнгги қисмида Ашурали Зоҳирий тилимизда ниҳоятда кўп арабча ва форсча сўзлар борлигини, аммо уларни тилдан чиқариб ташлаб, ўрнига эски туркий сўзларни топиш қийинлигини, муқобил сўзлар топилганда ҳам, уларни кишиларга англатиш яна ҳам мушкул эканлигини қайд этади. Бу ўзлашмалар худди ўзимизнинг сўзлардек бўлиб қолгани учун уларни савтий имло билан, яъни эшитилганча ёзиш мумкин эмаслигини баён қилади. Шунинг учун айрим арабий, форсий сўзларнинг қандай ёзилишини дарсликда кўрсатиб ўтади.

«Имло»да имло тамойиллари

«Имло» дарслигини ўрганиш шуни кўрсатадики, асосан уч тамойилга асосланган: тарихий-анъанавий; морфологик; фонетик.

Ашурали Зоҳирий лотин алифбосига ўтилиши муносабати билан кейинроқ эълон қилган мақоласида тарихий-анъанавий тамойил ҳақида шундай фикр билдирган эди: «Бизда инкилобгача тарихий-анъанавий ҳам чет сўзларни ёзмоқ асоси қўлланғон. Яъни: ўзбакча сўзларда эски (Навоий ва ундан

илгариги) китоблардаги имло нусхаси маҳкам ушланиб, чет (арабча, форсийча) сўзлар уларда қандоқ ёзилган бўлса, бизда ҳам ўзгартмасдан ёзиш асос тутилган»⁵⁷. Муаллиф кўрсатган мана шу тарихий-анъанавий тамойил «Имло» рисоласида сақланган. Буни юқорида арабча сўзлар имлосига бағишланган дарсликнинг иккинчи қисми мисолида кўриб ўтдик.

Эски имлони қоидалаштириш йўлида яратилган ушбу дарсликда, табиийки, тўғри ёзувнинг морфологик ва фонетик тамойиллари ҳам асосга олинган. Улар «Имло»нинг «Туркий сўзларнинг қоидалари» қисмида қўлланган. Баъзиларини кўрсатиш билан чекланамиз.

Рисолада фонетик тамойилга оид икки параграф бор. Уларда сўзларнинг ёзилиши талаффузга асосланган. Жумладан 22-§да шундай қоида берилган:

«Туркий сўзларда бир ҳарф икки бор айтилса (ташдидлик бўлса), иккови ҳам ёзилур. Чунончи: *كاته، قاتتغ، سمسغ، مهله، كهله* (катта, қаттик, сассик, малла, калла). Бунларни: *كته، مهله* – *كته، سسغ، مله* нусхаларида ёзмок хатодур. Туркий сўзлар учун муҳим бўлган бу қоида катта аҳамиятга эга. Тарихий фонетика учун муҳим бўлган бу ҳодиса афсус ўзбек тили тарихида ҳанузга қадар ўрганилмай келинаётир.

25-§да *к, г, нг* товушларига оид қоидалар берилган. Чунончи: «Коф (ك) уч турлик товуш билан айтилгонлигидан тилимизда уч хил коф истеъмол қилинур:

1- «коф арабий»: *كيدى* (келди), *كول* (кул), *كوراش* (кураш) калималаридаги кофлардур;

2- «коф форсий»: *امكان* (эмган) *كيلاس* (гилос) *كوران* (гаврон) калималаридаги кофлар.

3- «коф буруний»: *اتانگ* (отанг), *انكلاديم* (англадим) калималаридаги кофлардур

Бунларнинг бир-биридан фарқлари: «коф арабий» «ك» (к) суратида; «коф форсий» «گ» (г) суратида; «коф буруний» «گ» (нг) суратида ёзилур (Кўб кишилар бул 3 турлик кофни ажрата олмай, ҳамма жойда бир турлик «ك» (коф арабий)ни ёзиб,

⁵⁷ Зоҳирий А.. Тил ва имло масаласи // Қизил Ўзбекистон. -1929. -29 март.

ажратиб ўқишни бўлса ўқиғучининг зеҳнига ҳавола қиладурлар)».

Бу ерда олим кофи арабий калимаси билан **к** ҳарфини, кофи форсий атамаси билан **г** ҳарфини кўзда тутган. А.Зоҳирий **нг** ҳарфини «кофи буруний» термини билан кўрсатган.

Бу қоидалар эски ўзбек тили орфографияси тарихи бўйича муҳим маълумот беради. Шу жиҳатдан олимнинг бу фикри диққатга сазовор.

«Имло»нинг морфологик тамойилларга бағишланган параграфлари

Китобнинг 24-§ида А.Зоҳирий имлонинг морфологик тамойиллари ҳақида ўз қарашларини баён этади. Маълумки, бу тамойилга кўра сўз ва қўшимчалар уларнинг талаффузига қараб эмас, балки маълум қоидалар асосида, яғна шаклда ёзилади, масалан: *юрпти* эмас, *юрибди*; *қочти* эмас *қочди* ва ш.к. А.Зоҳирий буларга шундай қоида беради:

«**б, т, ч, с, ш, қ, к** ҳарфларидан кейин гафурушда «т» эшитилса ҳам, аммо ёзилишда «д» ёзилур». Олим *ботдим*, *қочди*, *босди*, *кўришдим*, *бирикти*, *ёқди* сўзларини *боттим*, *қочти*, *бости*, *кўриштим*, *бирикти*, *ёқти* шаклида ёзилишини хато деб кўрсатади. Бу қоида ўз замонида ҳам ҳозирда ҳам сўзларни тўғри ёзилишида катта роль ўйнаган.

А.Зоҳирий «Бизнинг ҳозирги (эски) имломизда қоида деган нарсаси асло риоя этмағонлигидан ҳар ким ўзича қандоқ ёзмокни хоҳласа, ўшандай ёза берган», деб куюнар экан, бундай нуқсонларни тугатиш учун ўз рисоласида Туркистон мактаблари учун тўғри ёзиш қоидаларини яратишга ҳаракат қилди. Янгича, ўзига хос равишда қоидалар ишлаб чиқди. Уларнинг баъзилари ўз даври учун ҳам, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, олим 16-§да феълнинг бўлишсизлик шаклини ҳосил қилувчи **-ма** қўшимчасини ҳамма ўринда бир хил мим ва алиф шаклида ёзишни қоидалаштиради: *ألما* (олма) ، *قايتما*، *قيلما*، *بييرما* . Аммо отлар таркибида учрайдиган **-ма** ҳарфларини ҳар доим мим ва ҳойи расмия билан ёзилиши лозимлигини кўрсатади: *المه*، *قاتلامه*، *كيمه* сингари.

«Имло»нинг 11, 12, 13, 23, 26-параграфларида баён килинган айрим морфологик принциплар ҳанузгача қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

2.2. Ашурали Зоҳирий ва ўзбек пунктуацияси

А.Зоҳирийнинг «Имло»си ўзбек орфографияси бўйича илк дарелик китоб бўлиши билан бирга ўзбек пунктуацияси бўйича ҳам дастлабки қўлланмалардан бири, айтиш мумкинки, ўша даврда яхшиси ҳисобланади. Китобнинг учинчи қисми тиниш белгиларининг қўлланишига бағишланган бўлиб, унга шундай сарлавҳа қўйилган: «Хатлар орасида риояси лозим ишорат ва вақф аломатлари». Муаллиф ушбу бўлимда ишорат ва аломатларни ёзувда қўлланиш ва қўйилиш ўринларини маълум тартибда баён этган.

А.Зоҳирийнинг ўзбек пунктуациясига оид назарий қарашларини таҳлил этишдан олдин бу давр ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг қўлланиш тарихи ва дарсликларда уларнинг махсус қоидалаштирилиши, шунингдек, бу борадаги мавжуд тадқиқотлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Маълумки, ўзбек пунктуацияси тарихи узоқ ўтмишга ва ўзига хос қўлланиш хусусиятларига эга. Араб алифбоси асосидаги ўзбекча қўлёзмаларнинг эски намуналарида ҳам, Туркистонда литографик босмаҳоналар пайдо бўлмасдан олдин турли замонларда, турли жойларда нашр қилинган ўзбекча босма матнларда ҳам таниш белгилари қўлланиб келган. Улар кўп ҳолларда шакли ва вазифаси жиҳатидан ҳозирги тиниш белгиларидан фарқ қилган. Бу масалалар ўзбек пунктуацияси тарихига бағишланган илмий асарларда ўз аксини топган⁵⁸.

Ўзбек матбуотида, китоб нашрида тиниш белгиларининг қўлланиши масалалари устида махсус тадқиқот олиб борган Ҳ.Ғозиевнинг фикрича, Туркистонда нашр этилган ўзбекча

⁵⁸ Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуацияси тарихи. / Тўплам: Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. Тошкент-Наманган: ЎзССР ФА нашриёти, 1959.-Б.71-192; К.Назаров. «Туркистон вилоятининг газети»нинг пунктуацион хусусиятлари масаласига доир //Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Т.: 1979. ТошДУ илмий асарлари 443 чиқиш. - Б.3-11; К.Назаров. Ўзбек тили пунктуацияси. -Т: Ўқитувчи, 1976. -124 б.

матнларда тиниш белгилари дастлаб «Туркистон вилоятининг газетаси»да учрайди. Муаллиф ушбу газетада 1873 йилдан XX аср бошигача тиниш белгиларидан қавс, тире, кўп нукта ва кўштирноқ онда-сонда бўлса-да қўлланганлигини қайд этади. Уларнинг ҳар бирини қайси санадан бошлаб ишлатилганини кўрсатади. Бу белгилар XIX асрнинг охиригача шу газетада онда-сонда учраб турганлиги, айниқса, кўштирноқ жуда кам қўлланганлиги маълум қилинади⁵⁹.

Ўзбек пунктуацияси бўйича махсус илмий тадқиқот олиб борган К.Назаров «Туркистон вилоятининг газети»да тиниш белгиларининг қўлланиши ҳақидаги Ҳ.Ғозиевнинг айрим фикрларида «фактик жиҳатдан хато ва нотўғри, бир-бирига зид ва асоссиз тезислар баён қилинган»лигини кўрсатиб ўтади⁶⁰.

Тиниш белгилардан бештаси: сўроқ, ундов, вергул, икки нукта ва нуктали вергул аломатлари мазкур газетада 1901 йилдан бошлаб қўлланганлиги ҳар иккала олим томонидан эътироф этилган.

Ўзбекча босма матнларда тиниш белгилари тизимининг мукаммаллаша бориши XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон зиёлиларининг қардош, қўшни халқлар билан маданий-адабий алоқаларининг кучая бориши билан боғлиқ. Россия ичкарасида бўлган бир мунча мутаракқий туркий халқлар: Волгабўйи ва Қрим татарлари ва озарбайжон газеталарининг Туркистонда тарқалиши, русча адабиётлардан қилинган таржималар ўзбек пунктуацияси ривожига таъсир кўрсатди.

Ҳозирда ишлатилаётган тиниш белгилари (айримларининг у пайтдаги вазифавий қўлланиш ўзгачалиги эътибори билан) 1873-1901 йиллар давомида Туркистон ўлкасида нашр этилган босма матнларда секин-аста қўллана бориши билан юзага келган⁶¹. Китоб ва газеталарда тиниш белгиларидан

⁵⁹ Ғозиев Ҳ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Т.: Фан, 1969 й. -Б.13.

⁶⁰ Назаров К. «Туркистон вилоятининг газети»нинг пунктуацион хусусиятлари масаласига доир. //Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Т.: 1979. ТошДУ илмий асарлари, 443 чиқиш. -Б.9

⁶¹ Ғозиев Ҳ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Т.: Фан, 1969 й. -Б.14.

фойдаланишда русча китоблардаги пунктация анъаналарига риоя қилинган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, XX аср бошларидаёқ ўзбек пунктацияси деярли тўлиқ шаклланган. Вунда ўша даврдаги тарихий-маданий ва ижтимоий-сиёсий шароит муҳим рол ўйнаган⁶².

Тиниш белгиларини ишлатиш дастлаб тилшуносликка оид бўлмаган асарларда ўзининг жуда содда ифодасини топган. Бу ҳаракат Туркистон жадидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан боғлиқ. Унинг мактаб ўқувчилари учун Тошкентда 1906 йилда нашр этилган «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий» («Умумий жўғрофиядан сайланма китоб») дарслигида ҳозирги тиниш белгиларидан айримлари учрайди. Дарсликда баъзи тиниш белгилари изоҳлар берилган:

1. «Шул нуқтага бир оз туриладир. = аввалги калима ила охириги калимани бир нимарсалигини аломати. () бир алоҳида калима исм эканлигини аломати».

2. «(?) аломати савол, (!) аломати таажжуб» каби.

Бехбудийнинг 1908 йилда Самарқандда нашр этилган «Китобатул-атфол» («Болалар мактуби») дарслигида аломати савол (?), аломати нидо (!), аломати таажжуб (!), аломати муътариза (< >) каби тиниш белгилари кўрсатилган. Китобда уларга изоҳ берилмаган бўлса-да, форсча ва туркийча калималарда ишлатилган. Масалан: «*Онажон! Мехрибон опамни уйига борганингизга ўн кун бўлди*» каби.

«Китобатул-атфол»нинг 1914 йилги 2-нашрида тиниш белгилари («румуз»)дан ўнтасини учратамиз.

Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим ҳожи (Фахриддинов)нинг 1913 йилда Тошкентда чоп этилган «Туркча қоида» асарини Ҳ.Ғозиев ўзбек тили тарихида биринчи бўлиб тиниш белгилари қоидалари берилган асар, муаллифни эса шу ҳаракатнинг бошловчиси сифатида баҳолайди⁶³. Тадқиқодчи бу даврда нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда тиниш белгиларининг қоидалаштирилиши тўғрисида фикр юритар

⁶² Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. -Т.:Ўқитувчи, 1976. -Б.33.

⁶³ Ғозиев Ҳ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Т.: Фан, 1969. -Б.46.

экан, Бехбудий «Китобатул-атфол»ининг 2-нашрини (1914) ҳамда Ашурали Зоҳирийнинг «Имло» (1916) рисоласини негадир тилга олмайди. Ваҳоланки, кейинги асар ўзида пунктация қоидалари бир қадар мукамалроқ берилганлиги билан ажралиб туради. Қуйида мазкур муаллифларнинг қайд қилинган асарларидаги барча тиниш белгиларининг қиёсини келтирамыз.

т/ р	Ҳозирги ёзувимиз тиниш белгилари	Бехбудий. «Китобатул- атфол», 1914 йил (2-нашри)	М.М.Фахрид динов. «Туркча қоида», 1913йил.	А.Зоҳирий. «Имло», 1916 йил
1.	Нукта .	Сўзни охири ёки вақфи том аломати .	Йўқ	Ишорати нукта .
2.	Сўрок белгиси ?	Аломати савол ?	Йўқ	Ишорати савол ?
3.	Ундов белгиси !	Аломати нидо, хитоб ва таажжуб !	Нидо аломати !	Ишорати хитоб ва таажжуб !
4.	Нуктали вергул ;	Йўқ	Нукта ила замма ‘	Ишорати нукта ва вақф ‘
5.	Кўп нукта ...	Нотамом сўзлар, киноя, мубҳам ва махзуф сўзлар аломати ...	Йўқ	Ишорати кўб нукталар
6.	Вергул ,	Озгина турмоқ учун ‘	Замма ‘	Ишорати вақф ‘
7.	Икки нукта :	Баён ва тафсил учун :	Йўқ	Ишорати остин- устун нукта :

8.	Тире —	Аломати муродафот, яъни иккиси бир поғанада =	Йўқ	Ишорати масовий =
9.	Қавс ()	Аломати муътариза ()	Искофка ()	Ишорати қавсин ёки тафсир ()
10.	Қўштирноқ « »	Йўқ	Танвинлар « »	Ишорати накл « »
11.				Ишорати чизик -
12.				Ишорати тазкиб (!)
13.				Ишорати мажхул (?)

Профессор К. Назаров «Имло қўлланмаси» мақоласида А.Зоҳирийнинг «Имло» китоби тиниш белгиларига бағишланган бу даврдаги ишлар орасида ўз мундарижаси ва изчиллиги билан анча устунлигини кўрсатиб ўтади⁶⁴.

«Туркча қоида» ва «Имло» китобларининг пунктация тизими бир-биридан фарқ қилади. «Туркча қоида»да 9 та тиниш белгисининг номи айтилиб, улардан 7 таси мустақил тиниш белгилари сифатида алоҳида сарлавҳалар билан берилган. Китобда нуқта ва нуқтали вергуллар «Нуқта» сарлавҳаси остида изоҳланган. Тире эса тиниш белгиси сифатида кўрсатилмаган.

Кейинроқ яратилган тилшуносликка оид адабиётларда ҳам тиниш белгилари тўғрисида маълумотлар берилган. Абдурахмон Саъдийнинг «Турк тилларининг қонун ва қоидаларини ўрганиш ва тузишда асослар» номли мақоласида

⁶⁴ Назаров К. Имло қўлланмаси // Совет мактаби ж. -1977. №6. -Б.74-76.

«тиниш белгилари» (знаки препинание) ибораси учрайди⁶⁵. «Тиниш белгилари» атамасини ўзбекча лингвистик адабиётлар ичида ҳозирча илк бор шу мақолада учратдик. Фитратнинг «Наҳв» асарида 10 та тиниш белгиси келтирилади. Олим буларни «туриш белгилари» деб атайди⁶⁶. А.Зоҳирий ҳам бу даврларда ёзган мақоласида тиниш белгиларини «туриш аломатлари» деб юритган⁶⁷.

«Имло» бошланғич мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлишига қарамай, Туркистонда пунктация қоидаларига бағишланган китоблар орасида энг мукаммали ҳисобланади. Пунктуацион тизимни таърифлашда А.Зоҳирий фикр баён қилишнинг оҳанг томонига эътибор беради. Олим ўқувчиларни тиниш белгилари моҳияти билан таништирар экан, шундай ёзади:

«Хатларни дуруст ўқумоқ ва ёзмоқ ҳам сўзни баъзи ерда тўхтатмоқ; довушни баъзи ерда баландлатуб ва баъзи ерда пастлатуброқ чиқармоқнинг сомеъларга таъсир ва тавҳим тўғрисида кўб муносабати бордур. Шунинг учун хатлар орасида онларга доир бир хил ишоратлар қўйиладур. Онларни: «ишорат ва вақф аломатлари» дейилур»⁶⁸.

«Имло» дарслигида тиниш белгиларининг қўлланиши қуйидагича изоҳланган:

1. Ўн учта ишорат ва аломат муайян тартибда берилган: бу тартиб нуқта ишорати билан бошланиб, мажхул (?) ишорати билан тугалланган. Ҳар бир тиниш белгиси саналганда: а) аввал унинг нечанчи ишорат эканлиги; б) сўнг бурчак хилидаги қўштирноқ ичида унинг график шакли; в) кейин қавс ичида унинг номи кўрсатилган.

2. Ишоратнинг қўйилиш қоидалари изоҳлар билан баён этилган.

3. Қоидалар учун мисоллар, намуналар берилган.

⁶⁵ Абдурахмон Саъдий. Турк тилларининг қонун ва қоидаларини ўрганиш ва тузишда асослар // Инкилоб ж. -1922. №1. -Б

⁶⁶ Фитрат. Наҳв. Самарқанд-Тошкент, 1930.

⁶⁷ А.Зоҳирий. Муаллим Мажийнининг «Самоучитель узбекского языка» деган китоби тўғрисида// Янги Фарғона г., 1927, 1-январь.

⁶⁸ А.Зоҳирий. Имло. -Қозон: 1916.

4. Тиниш белгиларининг маълум бир қисми кўрсатилгач, қоидаларни мустаҳкамлаш учун машқлар (топшириқлар) бериб борилган.

Маълумки, ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг қўлланиш доираси, ишлатилиши, вазифаси кенгайиб борган. Ҳозирги ўзбек тили пунктацион қоидалари меъёрлашган, тиниш белгилари логик-грамматик, стилистик, дифферинсация, қоришиқ ва анъанавий-традицион тамойиллар асосида ишлатилади⁶⁹.

Табиийки, тиниш белгилари қўлланишининг илк босқичларида мавжуд пунктуацион қоидалар ҳозиргига қараганда бирмунча содда бўлган. Бинобарин, «Имло»да тиниш белгиларининг содда қоидалаштирилиб, изоҳланиши, ўзига хослиги дарсликнинг бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланганлиги ва ўз даври ёзув ривожига билан боғлиқ.

Қуйида «Имло» китобида баён қилган ўн уч ишора ва аломатларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз («Имло»даги пунктацион тизим анъанасини сақлаш мақсадида муаллифнинг тиниш белгиларини баён қилиш тартибини ўзича бериб борамиз).

1) ишорати « . » (нуқта) жумла тамом бўлганда қўйулур.

Чунончи: *Олло(х) таоло тўғрилиқни дўст тутар. Хат ёзмоқ ярим илмдур. Газета оламдан хабардор қилур.*

Ҳозирги ўзбек тилида нуқтанинг ишлатилиш ўрни, вазифаси анча кенгайган. Нуқтанинг асосий вазифаси хабар маъносини англатувчи муайян бир фикрнинг (гапнинг) тугалланганлигини кўрсатишдир. А.Зоҳирий фикрини шундай ифодалайди: «Қайси ерда нуқта қўйилган бўлса, онда жумла тамом бўлур».

Нуқтага берилган изоҳ ва келтирилган мисоллардан англашиладики, А.Зоҳирий нуқтани хабар маъносини ифодалайдиган дарак гаплар учун ишлатилишини кўрсатган.

2) ишорати « ? » (савол) сўролган жумланинг охирига қўйилур. Яъни: бул ишорат ўшал жумла билан бир нарса

⁶⁹ Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси, -Т.: Университет, 1996 й. -Б.7-11.

сўролғонини билдирур. Чунончи: *Аҳволингиз қандай? Кеча қайда эдунгиз? Ўқуб бўлдингми?*

А.Зоҳирийнинг сўроқ (савол) аломатига берган изоҳ ва мисолларидан кўринадики, муаллиф ушбу белгининг соф сўроқ маъносини англатувчи гаплар охирига қўйилишини кўрсатмоқда. Агар биринчи ва иккинчи гапларда *қандай? қайда?* сўзлари сўроқ маъноси учун ишлатилган бўлса, учинчи гап таркибида эса сўроқни билдирувчи *-ми* грамматик воситаси иштирок этган. Бу таърифлар ҳозирги ўзбек тилида сўроқ белгисининг қўлланиш қоидаларига деярли мос келади.

3) ишорати « ! » (хитоб ҳам таажжуб). Бир одамга қараб сўз айтканда, ёки бир нарсага таажжуб қилгонда қўйилур. **Чунончи:** *Абдулла бой! Шовқун солманглар! Салласи мунча катта! Ишининг асли мунда!*

Мазкур белги пунктуацияга оид ўша давр адабиётларида турлича: ёлғиз, қўшалок ёки бир неча ном билан аталса-да, мазмун жиҳатдан бир-бирига яқинлигини кўриш мумкин. Чунончи, ундов белгиси Бехбудийнинг «Китобатул-атфол» дарслигининг биринчи нашрида «аломати нидо», иккинчи нашрида «аломати нидо, таажжуб ва хитоб», М.Фахриддиновнинг «Туркча қоида» асарида «нидо аломати» тарзида ифодаланган. «Имло»да бу белги қўшалок ном билан аталган: «хитоб ҳам таажжуб». Бу билан Зоҳирий бу белгининг икки хил (мураккаб) вазифа бажаришини уқтириб ўтган. Масалан, юқорида келтирилган «*Шовқун солманглар!*» гапида ундов белгиси «хитоб» (буйруқ) маъноси учун ишлатилган бўлса, «*Салласи мунча катта!*», «*Ишининг асли мунда!*» гапларида бу ишора «таажжуб» (ундов) маъноси учун қўлланган.

А.Зоҳирий ундов белгиси ундов ва буйруқ гаплар охирида қўйилишидан ташқари яна куйидаги ҳолатда ҳам ишлатилишини кўрсатади:

«Агарда хитоб қилинғон сўзнинг олдида мухотабнинг ўзи ҳам ёзилса, ул суратда мухотабнинг охирига, ҳам айтилғон сўз охирига ишорат қўйилур: Чунончи: Эй болалар! Тинч ўтурингиз! Ориф! Ёзуб тур! Умид! Буни кўр!».

Бади қилинаётган ушбу назарий қоидадаги «хитоб қилинган сўзни буйруқ гап, «мухотаб», яъни хитоб қилинаётган шахс, шунтувчи сўзини ундалма атамаси маъносида тушунмоқ керак. «Имло»да ўқувчиларга амалий машғулот учун топшириқлар берилганда, сўроқ гаплар таркибида келган ундалмалардан сўнг ҳам ундов белгиси қўйилганини учратамиз. Масалан: *Ўртоқ! Шерикларимиз ичида қандай шогирдни домла мақтабдурлар? Эй эринчоқ! Кеча нима учун келмадинг?*

Хулоса қилиш мумкинки, юқоридаги *Ориф! Ёзуб тур! Умид! Буни кўр!* каби мисоллар вокатив гапга ўхшаса-да, ундов гаплар бўлиб, унинг таркибида келган ундалмалардан сўнг ҳам ундов белгиси қўйилиши қоидалаштирилган.

Ҳозирги пунктация қоидаларига кўра, гапларда ундалмалар авосан вергул билан ажратилади. Гап бошида келиб, хис-ҳаяжон билан айтилган ундалмалардан сўнг ундов белгиси қўйилади⁷⁰. Бундай гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади. Масалан: *Эй, ўртоқ Сулаймонов! Гап кўп!*⁷¹. «Имло»да ундалмалар қандай мазмундаги гап таркибида келишига қарамай, улардан сўнг ундов белгиси қўйилган.

4) ишорати « ‘ » (вақф) одамлар исми, ёки нарсалар исми бир муносабат билан сўз орасида келсалар, бир биридан шул ишорат билан ажратилур. Ҳамда узун сўзлар ичида бир саволга жавоб бўлғудак жумлалар бир биридан шул ишорат билан айрилурлар. Чунончи: *Ориф, Йўлдош, Абдуллажон ва Мирза Аҳмад келдилар. Мен айткон эдим, ул ўзи келмайдур.*

А.Зоҳирийнинг вергул белгиси тўғрисидаги қарашларини кўриб чиқишдан олдин **вақф** атамаси маъносини аниқлаб олсак. **Вақф** сўзи арабча бўлиб, ўқиш ва ёзишда **туриш**, **тўхташ** деган маънони билдиради. Муаллифнинг «Русча-ўзбекча мукамал луғат»ида (1927) «препинание» сўзи «тўхтатиш, вақф» деб, «знаки препинания» бирикмаси эса «ёзувда тўхтатиш ва жумлаларни бўлиш аломати» тарзида таржима қилинган ҳамда бунга нуқта (.), икки нуқта (:), вергул (‘), сўроқ (?),

⁷⁰ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002. -Б.115.

⁷¹ Аскарлова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М. Она тили. 8-9-синф. -Т.:Ўқитувчи, 1997. - Б.114.

ундов (!) ва нуқтали вергул (:) белгилари мисол қилиб кўрсатилган⁷². «Вақф аломатлари» атамаси тиниш белгилари, яъни «ёзувда тўхтатиш ва жумлаларни бўлиш» хусусиятига эга бўлган ишоралар маъносида берилган. «Имло»да «вақф ишораси» «вергул белгиси» маъносида ишлатилган.

Энди муаллифнинг вергул белгиси ҳақидаги фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи галда уюшиқ бўлақлар орасида вергулнинг қўлланиши баён қилинганини кўрамиз. Олим гапда боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасига ёзувда вергул қўйилишини, уюшиқ бўлақ бириктирув боғловчиси ёрдамида боғланган-да, бу белгининг қўйилмаслигини ўзига хос баён қилиб, мисол орқали тушунтиради: «*Ориф, Йўлдош, Абдуллажон ва Мирза Аҳмад келдилар*».

Муаллиф ёзувда вергул белгиси қўлланган бўлса, гапни ўқиганда ундан сўнг қисқа тўхтаб олиш лозимлигини уқтиради: «**Агар вақф ишорати қўйилган бўлса, онда оз тўхтаб олинур**».

А.Зоҳирий вергулни содда гап таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам қўлланишини кўрсатади. Гарчи «Имло»да ўқувчиларга қўшма гапларни тузилиш жиҳатидан таҳлил қилиб ўргатиш мақсад қилиб олинмаган бўлса-да, имло ва пунктуация қоидаларини ўргатиш орқали болалар синтаксисга оид дастлабки маълумотларни оладилар. Хусусан, боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига вергул қўйилиши иккинчи мисолда ўз ифодасини топган: «*Мен айткон эдим, ул ўзи келмайду*р».

«Имло»да А.Зоҳирий вергулни анча кенг вазифада қўллаган. Масалан:

«Дуруст, турк адабиёти «уйғур» исми билан тараққий топуб эди. Аммо, исломият қабулидан сўнг араб адабиёти, қола берса форс адабиёти билан оралашуб, турк тили ўзининг

⁷² Зоҳирий А. Русча-ўзбекча мукамал лугат. Икки жилдлик. -Сам.-Тош.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927-1928. 456-б.

софлигини йўқота борғонига ўхшаш, ёзилишидаги қулайлигини ва ифодадаги мазият ва қуддусиятини ҳам йўқотуб, охирида араби имло тартибида ёзиладургон, ўндан бир калимасини ҳам киши онгламайдургон бир даражага етиб қолгон эди» (2-бет).

Китобда **ёки** айирув боғловчисидан олдин, **аммо** зиддлов боғловчиси, **учун** кўмакчисидан кейин вергул қўйилган. Бу ҳол ўша давр ёзуви анъаналари билан боғлиқ.

5) ишорати « : » (остин устин нуқта) бир неча исмларнинг ва нарсаларнинг айтилишидан аввал қўйилур.

Чунончи: *Мактаб асбоблари: жавон, тахта, парта ва курсидурлар. Бозорда дўконлар кўб бўлур. Онда савдогарлар ҳар хил моллар: чой, қанд, собун, чит, мовут, гугурд сотадурлар.*

Кўрнадики, икки нуқта фақат умумлаштирувчи сўзлар (*мактаб асбоблари, ҳар хил моллар*)дан кейин қўйилиши айтилган. Аммо умумлаштирувчи сўз ёки уюшиқ бўлак атамалари ишлатилмаган. Бундан ташқари рисолада матнида **чунончи, ахтор, изоҳ, муаллифи, нашири** каби сўзлардан сўнг икки нуқта қўйилган.

6) ишорати « » (нақл) ҳар қачон бошқа одамнинг сўзини айтиладургон, нақл қилинадургон бўлса, ул вақтда манқул

(*нақл қилинган - Т.Т.*) сўзнинг аввал ва охирига шул ишоратни қўйуб, они бошқа сўзлардан ажратилур. **Чунончи:** *Домламиз мактабқа кируб: «Ассалому алайкум!» деди. Шогирдлар ҳам ўринларидан баробар туруб: «Ва алайкум ассалом!» дедилар.*

«Ишорати нақл» ҳозирги кўштирноқ белгисига тўғри келади. Асосий график шакли: «» . Ушбу белгининг номланиши унинг вазифаси мазмунидан келиб чиққан. Рисолада ўзгаларнинг кўчирма гапи, «нақл қилинадургон» нутқи кўштирноққа олиниши қоидалаштирилган. А.Зоҳирий кўчирма гап ва муаллиф гапини ажратиб кўрсатмаган. Уларнинг гапда турли ўринларда келиши, улар орасига тиниш белгилари қўйиш ҳақида фикр билдирмаган. Аммо ўқувчиларга мавзуни мустақамлаш учун берилган қуйидаги матнда кўчирма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳозирги ҳолатдан деярли фарқ қилмайди:

Тубанда ёзилгон сўзларнинг ишоратларига зеҳн солуб ўқунгиз. Бир киши бозорга пичан юклаб кела ёткан эди. Йўлда онинг бир бой ошинаси учраб: - «Ассалому алайкум!» деди. - «Ва алайкум ассалом!» - «Нима юклаб келаяпсан?» - «Ўтун!» - «Қандай ўтун! Мана бу пичанку!» - «Агар ўзинг кўргон бўлсанг, нимага сўрадинг?»».

Кўчирилган гап муаллиф гапининг ўртасида келганда, муаллиф гапидан сўнг икки нукта қўйилган. Кўчирма гап кўштирноқ ичида берилган ва яна муаллиф гапи ёзилган: *Йўлда онинг бир бой ошинаси учраб: - «Ассалому алайкум!» деди.*

Ҳозирги ёзувимизга кўра ушбу гапда тиниш белгилари қуйидагича қўйилади: *Йўлда онинг бир бой ошинаси учраб: «Ассалому алайкум!» - деди.*

Кўринадики, ҳар икки гапда ҳам муаллиф гапидан сўнг икки нукта қўйилган, фақат биринчисида кўчирма гапдан олдин, ҳамсуҳбатлар ўртасида диалог – савол-жавоб кечгани учун чизиқ қўйилган бўлса, иккинчисида, ҳозирги пунктуация қоида­сига кўра, кўчирма гапдан сўнг муаллиф гапи тире билан ажратилган. Кейинги ўринларда кўчирилган гаплар ҳамсуҳбатларнинг диалоги тарзида ифодалангани учун муаллиф гапи қўлланмаган.

А.Зоҳирий кўчирма гапнинг кўштирноқ ичида ёзилиши зарурлигини уқтириш билан бирга, ўзга гапининг лексик-грамматик хусусиятларини ҳам сақлаб қолишни назарда тутди. Яъни кўчирилган гап сўроқ ёки ҳис-ҳаяжон мазмунидаги гап бўлса, унинг белгилари (сўроқ, ундов) кўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилган.

«Имло» матнида кўштирноқнинг ишлатилиш кўла­ми қоидада кўрсатилганидан кенг. Кўштирноқ фақат кўчирма гапларда эмас, бошқа вазифаларда ҳам қўлланган:

– асар номлари кўштирноқ ичига олинган: «Имло», «Туркий сарф», «Иншо»;

– мақоллар кўштирноқ ичида берилган: «форсий шакар аст, туркий сарба­ст»;

– имлоси тушунтири­лаётган айрим сўзлар, грамматик шакллар, ҳарфларни ажратиб кўрсатиш мақса­дида кўштирноққа

олинган. Масалан: «منه» «мана»; «كر» «лар», «مك» «мак», «ماء» «моқ»; «أ» «а».

– лингвистик атамалар қўштирноққа олинган: «ҳаракати қарфия»;

– шартли белгилар қўштирноққа олинган ва ҳоказо.

7) **Ишорат « – » (чизик) савол билан жавоб орасига тартилур. Чунончи:** *Китоб қайда? – Мана китоб. Ҳорма дўстим! – Бор бўл!*

«Имло»да чизик ишораси ўша давр ёзувида ўзига хос тарзда қўлланиб, вазифасига кўра ҳозирги пунктуацион белгиларнинг бирортасига ҳам мос келмайди. Бу ишорага Бехбудийнинг «Китобатул-атфол» дарслигида (1914) «икки сўзни фарқ қилатурғон аломат» деб қисқача изоҳ берилган, аммо мисоллар келтирилмаган. Шу боис унинг ишлатилиш ўрни, вазифаси мавҳумроқ қолган.

«Имло» матнида чизикдан фарқли равишда чизикча белгиси (-) ҳам ишлатилган. Масалан, жуфт сўзлар, баъзи бирикмалар орасига чизикча қўйилган: *савол-жавоблар, секин-секин* (3-бет), *дол-нун, коф-қоф* (9-бет); *кундан-кун, йилдан-йил* (3-бет) каби. Аммо муаллиф бу белги ҳақида фикр билдирмаган.

8) **ишорати « () » (қавсайн ёки тафсир ишорати) бир сўзнинг маъносини сўз орасинда баён қилғонда, ёки сўз орасинда бирор мазмунни эска тушуруб кетмоқчи бўлғонда, икки четига қўйилур. Чунончи:** *Арз (ер) юмалоқдур. Жоҳил (нодон) кишиларнинг суҳбати ақлни камайтурур.*

Навоий асарлари луғатида «қавсайн» сўзи «қавслар, ёйлар» деб изоҳланган. «тафсир» сўзига эса «шарҳ, изоҳ, бирор текстнинг маъносини ечиш» деб изоҳ берилган⁷³. Демак, бу белги шакли ва вазифасига кўра номланган.

А.Зоҳирий қавс белгисини икки вазифада ишлатилишини кўрсатади:

1. Гап орасида бирор сўзнинг маъноси бошқа маънодош сўз билан тақрор кўрсатилганда, шу сўз қавс ичида берилган: *арз (ер), жоҳил (нодон)* каби.

⁷³ Навоий асарлари луғати. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. - Б.276.

Таъкидлаш жоизки, асримизнинг биринчи чорагида ўзбек вақтли матбуоти ва китобларида қавс белгиси кенг ишлатилган. Бу ўша давр ўзбек адабий тилига янги атамаларнинг кириб келиши билан боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли тилимизга кўплаб ўзлашаётган русча ва европача атамаларнинг маъноси қавс ичида ўзбекча, кўпинча эса тилимиздаги арабча-форсча сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида берилиши кўп учрайди. Хусусан, Зоҳирий ва Беҳбудийнинг октябрь ўзгаришигача матбуотда эълон қилинган мақолалари ва китобларида ҳам бу ҳол учрайди (муаллифларга тегишли мисолар нуқтали вергул билан ажратилган): *жалования (маош)*; *валаснуйи управители (ноҳия мудир)*, *тилгиروف (мухбири ҳавойи)*.

Баъзи атамаларнинг қандай маънода ишлатилгани қавс ичида русча таржимаси билан кўрсатилган: *майда қарзхона (мелкий кредит ва кооператсия)*, *ҳар боб (универсал)*; *қибланома (компас)*, *адабиёт (литература)*, *муסיқа (музыка)*, *дорлайтом (приют)*,

Мақтаб дарсликларида айрим арабча сўз ва атамаларнинг ўзбекча муқобили қавс ичида ёзилган. Масалан: *амр (буйруқ)*; *курравий (юмалоқ)*, *фано (йўқ)*, *қаҳқашон (сомон йўли)*, *асотири аввали (эски афсоналар)*. Аксинча, соф туркийча сўзларнинг маънолари қавс ичида арабча-форсча муқобиллари билан изоҳланган: *сўз (калом)*, *...бирдан (дафъатан маъносида)*, *довуш (садо)* ва ш.к.

Юқорида келтирилган барча мисоллар қавс ишорасининг «бир сўзнинг маъносини сўз орасинда баён қилғонда» ишлатилишига оид.

Дарҳақиқат, қавс белгисининг бу вазифада қўлланиши ўтган асрнинг 20-йиллар ўрталарида ҳам фаол бўлган. Масалан:

Дарахтлар орасига томи майса кўкатлардан ётилгон олачиқлар (капалар) тикилган...Бу тўғрида яна битта асл (органични) мисол келтирай⁷⁴.

2. Қавс белгисининг иккинчи вазифасини А.Зоҳирий шундай баён қилади: «...ёки сўз орасинда бирор мазмунни

⁷⁴ Чўлпон. Тағўр ва тағўршунослик//Маориф ва ўқитғувчи. -1925. №11-12. -Б.

эска тушуруб кетмоқчи бўлгонда икки четига қўйилур». Муаллифнинг бу фикрлари киритма конструкцияларга оид. «Имло»да бу қоидага мисол келтирилмаганига сабаб, бизнингча, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган. Зеро, «Имло» матнида, шунингдек, А.Зоҳирийнинг бошқа мақолаларида, умуман, бу давр ёзма нутқида киритма конструкцияларни ажратишда қавс ишлатилган. Масалан:

«...бундан 34 йил муқаддам (бутун турк-тотор оламини қоронгулиқ ўраб олгон вақтда) тузган програми истиқболда тасвир этган ишларининг лойиҳаси эди»⁷⁵.

Яна бир мисол:

«Ҳаммасидан зарарлиги булдирки: янги дарс ўқимоқга бошлагон, ўз она тилини ҳам дурустлаб билмайдургон бир шогирдга дарс бергонларида, порсича таржима билан (аввал турки сарф, турки наҳв ўқутмоқни анда қўёйлиқ), ҳеч бўлмаганда ўшал арабча сарф, наҳвни туркий тилга татбиқ қилиб, яъни унинг кераклик ўрунларига тилидан мисоллар кўрсатиб айтиб берсалар...»⁷⁶.

9) ишорат «=» (масовий) икки сўзнинг: ўнг тарафдагиси билан сўл тарафдагисининг бирдай эканлигини билдирур. Чунончи: *Бир сажин = икки газ, икки ўн беш = бир ўттуз.*

«Имло»да ушбу масовий белгисидан ташқари яна икки ишора: такзиб (12-ишорат) ва мажҳул (13-ишорат) ўша давр ёзувида «тиниш белгиси» сифатида қўлланган. Юқорида келтирилган мисолларга қараганда, масовий ҳозирги тире ишораси ўрнида ишлатилган: *Икки ўн беш = бир ўттиз.*

А.Зоҳирийнинг ўзи муҳаррирлик қилган «Юрт» журналидаги бир мақоласида ҳам чизик ва масофий белгилари ишлатилган бўлиб, улар «Имло»да баён қилинган вазифаларда қўлланган: *Буни кимлар қилди? - Халқ вакиллари = F.Дума қилди⁷⁷.*

«Китобатул-атфол»да (1914) бу белги гарчи бошқача номланган бўлса-да, худди шу мазмунда изоҳ берилган:

⁷⁵Зоҳирий А. Машхур Гаспиринский қандай ишлар қилгон// Садои Фарғона. -1914. -№60.

⁷⁶ Зоҳирий А. Она тили // Садои Фарғона. -1914. -13 апрель. -№3.

⁷⁷Зоҳирий А. Хукумат ўзгариши // Юрт. -1917. -№1. -Б.6.

«Аломати муродафот, яъни иккиси бир поғонада = ». «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий»да эса бу белги маънодош сўзлар ва сўз бирикмалари орасига қўйилган: «...уч юзга яқин сайёралар ва буларни ичига биз устига турган Еримиз Офтобни атрофига ҳар бири ўзига тегишли доира = айланасига айланиб юрадурлар!» (200-бет).

Ёки: «*Тафтиш қилмоқга = терговга бермоқга...*» (207 бет).

Кўринадики, Ашурали Зоҳирий қайд этган «масофий» ва Бехбудий қўллаган «муродафот» белгилари бир хил вазифада ишлатилган.

10) ишорат « ؛ » (нуқта ва вақф) жумла тамом бўлгон бўлса ҳам, лекин кейинги жумла билан аввалги жумла орасинда маъно муносабати бўлса, икки жумла ўртасига қўйилур. Яъни: икки жумла орасинда маъно муносабати борликидан «вақф» ишорати, бир эътибор билан жумла тамом бўлгонликидан «нуқта» қўйилур. Чунончи: *Бизнинг шаҳарда бир мунча адад мадрасалар бордур; жадид мактаблари ҳам оз эмас.*

Бу белги устма-уст жойлашган нуқтали вергул (:) тарзида сўроқ (?) ва вергул (‘) сингари араб алифбоси асосидаги ёзувимизга мосланган ҳолда қўлланган. «Туркча қоида»да (1913) ҳам ушбу ишора бор. У «нуқта ила замма» деб номланган, ammo «Китобатул- атфол»да (1908, 1914) учратмадик.

Фитрат эса нуқтали вергул белгисини “бир тиниш” деб атаган. У ушбу белгининг қўлланиши ва хусусиятига мос ҳолда ўзбекча номлаган. А.Зоҳирийнинг “нуқта ва вақф” бўйича баён қилган қоидасига мазмунан яқин: “Бунда келгач, ўкугучи тўхталмайдур; бироқ гапдаги сўзларнинг муносабатлари бузилмаслиги учун бир нафас толиш (бир тиниш) вақти туриб ўтадир”⁷⁸.

«Имло»да нуқтали вергул юзасидан айтилган назарий тезислар ҳозирги ёзувимизда ушбу белгининг қўлланишига доир берилган қоидалардан бир оз фарқ қилади. Ҳозирги лингвистик адабиётларга кўра боғловчисиз қўшма гап

⁷⁸ Абдурауф Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Нахв. биринчи китоб. Самарканд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. –Б.37

таркибидаги гаплар маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаса, улар орасига нуқтали вергул қўйилади⁷⁹. А.Зоҳирий фикрича, биринчи гап тугаган бўлса ҳам, кейинги гап билан аввалги гап ўртасида маъно муносабати бўлса, бу гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади. Масалан: *Бизнинг шаҳарда бир мунча адад мадрасалар бордур; жадид мактаблари ҳам оз эмас.*

Мисолдан англашиладики, муаллиф боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасида семантик алоқадорлик бўлганда, нуқтали вергул қўйилишини қоидалаштирган. Ҳозирги пунктуацион қоидада бундай ҳолатда нуқтали вергул ўрнига вергул ишлатилади.

«Имло» рисоласида нуқтали вергул қўлланган ўринларга эътибор берсак, муаллифнинг бу борадаги назарий қарашларини тўлиқроқ англаймиз:

«Арабча сўзларда 28 ҳарф истеъмол қилинур; бу 28 ҳарфдан олти ҳарф: ذ، ح، ث، ع، ظ، ض туркча сўзларда истеъмол этилмай, онларнинг бадлига: گ، ک، ز، ج، ب ҳарфлари ортдирилур; шунинг учун туркча сўзларда бори 27 ҳарф бордур» (5-бет).

Ёки: «Арабча сўзларнинг эшитилгонча ёзилмагонлигидур; бундай бўлиши ёзишда ниҳоятда қийинлик қилур» (24-бет).

11) ишорати «.....» (кўб нуқталар) сўзнинг тамом бўлгонини билдирур. Ёки айтилиши нодуруст калималарнинг ўрнига қўйилур. Чунончи: Онларнинг замондан хабарлари йўқ, истиқболни ўйламайдурлар..... Бул шогирд шерикини деди.

Шуниси эътиборлики, кўп нуқта учун «беш нуқта» (.....) асосий график шакл қилиб олинган. Шу сабабли бўлса керак, бу ишора «кўп нуқталар» деб номланган.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида кўп нуқтанинг (ўз таркибига кўра қаторасига қўйилган уч нуқтанинг) қўлланиш ўрни ва вазифаси мураккабдир⁸⁰.

«Имло»да кўп нуқтанинг қўлланиш ўрни гап охирида ва гап ўртасида бўлиши кўрсатилиши билан бирга, вазифасига кўра

⁷⁹ Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. -Т.: Университет, 1996. -Б.22.

⁸⁰ Қаранг: К.Назаров. Ўзбек тили пунктуацияси, Тошкент, «Университет», 1996 й., 24-бет.

ҳам икки ҳолатда ишлатилиши айtilган. Келтирилган биринчи мисолда гап тамом бўлган бўлса-да, гапнинг мазмунан тугалланмаганлигини кўп нуқта кўйиш орқали ифодалаган.

Иккинчи мисолдаги гапда «нодуруст» маънодаги сўзлар ўрнига кўп нуқта кўйилиши лозимлиги ихчам, содда ва тушунарли баён қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирги ёзувимизда ҳам кўп нуқта айна шу ҳолатларда ишлатилади.

12) ишорати « (!) » (такзиб) айtilгон бир сўзга ишонмагонликни билдирадур. Чунончи: *Бизнинг эшон Ғойибдан хабар берадур (!) Мулла кишининг салласи катта бўладур (!)*

«Навоий асарлари луғати»да **такзиб** сўзига «бировнинг сўзини ёлғонга чиқариш» деб изоҳ берилган⁸¹. Кўринадики, бу белги вазифасига кўра шундай номланган. Такзиб белгисининг бажарган вазифаси ва қўлланиш ўрни ундов (хитоб ва таажжуб) белгисидан бошқача. Шунинг учун ҳам бу белги «Имло»да алоҳида тиниш белгиси сифатида – кавсли ундов (!) шаклида берилган.

13) ишорати « (?) » (мажхул) эшитилгон бир исмнинг ёки бир калиманинг маъносига ва қандай киши эконлига тушуна олмаса, «бу, ким экан?» ёки «бунинг маъноси нима экан? Билолмадик» деганига ишоратдур. Чунончи: *Бул китобни менга, Эрназар (?) деган киши берибдур. Мулло Худойберганни кўшалок (?) дейдурлар.*

Бу белгининг номланиши вазифаси билан боғлиқ. Мажхул ишорати ҳам такзиб сингари алоҳида тиниш белгиси сифатида кўрсатилган: кавс ичида сўроқ (?), чунки унинг вазифаси ва қўлланиш ўрни сўроқ белгисидан фарқ қилади. Дарҳақиқат, такзиб ва мажхул ишоралари ўша давр нашрларида, хусусан, илмий мақола ва тақризларда ишлатилган. Айниқса, мажхул белгиси кўпроқ қўлланганини кўрамиз. Бу белги XX асрнинг 20-йилларда ҳам кенг истеъмолда бўлган. Чўлпоннинг «Туркистон» газетасининг 1923 йил 11 апрель сонидида чоп этилган «Тилимизнинг ишланиши» мақоласи бунга яққол мисол бўла олади. Муаллиф «Бухоро ахбори» газетасининг «тил ва

⁸¹ Навоий асарлари луғати. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

шева камчилиги»ни, «тилга эътибор бермаслик хатоси»ни холис танқид қилади. Газетадаги хабар ва мақолаларни текширар экан, улардаги кўпол ва маъноси тушунарсиз сўзлардан сўнг худди шу мажхул ишорасини ишлатади. Масалан:

«Сан дўконачи (?), бўлсанг Тинч савдо (?) қилишқа тиласангдур (?) деҳқон бўлсанг, меҳнат билан йиғнаган (?) Қалланг ҳам кўй, дава; хўкиз (?) ва бошқа молларингнинг ўғрилар томонидан зўрлиқ билан олинмоқини (?) устамайсангдур (?)».

Гарчи бу белги ҳозирги ёзувимизда алоҳида тиниш белгиси сифатида мавжуд бўлмаса-да, ҳозирда ҳам айнан «Имло»да кўрсатилган шакл ва маънода қўлланилади. «Тақриз ёки иқтибосларда бирон сўз ёки жумла ноаниқлик, гумон ва англашилмовчиликни билдирса, бундай сўз ва жумладан сўнг сўроқ белгиси қавсга ўралган ҳолда қўйилади. Масалан: *«Онанинг бокира сийнасида (?) гавдаланган...»*, *кампир ўзининг содда тафаккурт, ўтмиш онги (?) билан, тилидаги ўзбекча жозоба (?) билан эсда қолади»⁸².*

Демак, бу белги ўзидан олдинги қисмнинг (сўз, сўз бирикмаси ёки гапнинг) нотўғри эканлигини, ноаниқлигини, гализлигини билдиради.

Хуллас, Ашурали Зоҳирийнинг «Имло» китоби ўз даврининг катта ютуғи бўлиб, бу билан олим ўзбек тили пунктуацияси ривожига катта ҳисса қўшди. У бу дарсликда тиниш белгиларининг қўлланиш ўринларини маълум бир изчилликда қоидалар асосида изоҳлаб кўрсатиб ўтган. Ашурали Зоҳирийнинг пунктуацион тизими ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгиларининг ишлатилишидан катта фарқ қилмайди. Олимнинг пунктуациясига доир қарашлари ўзбек пунктуацияси тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

2.3. Ашурали Зоҳирий ва ёзув ислоҳоти

Кейинги йилларда чоп этилган ўзбек тилидаги илмий тадқиқотларда XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасида миллий зиёлийларнинг араб алифбосини ислоҳ этиш ҳаракатларига баҳо берилганда, кўпроқ бир ёқлама ёндашув

⁸² Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. -Т.:Ўқитувчи, 1976. -Б.61.

кўзга ташланади. Туркистон зиёлилари ўртасида шу туфайли юзага келган зиддиятларни баҳолашда ҳозирда турлича қарашлар мавжуд. Кўп ҳолларда бу юзадангина ўрганилиб, эски имлочи ва янги имлочилар ўртасидаги кураш, нари борса, ўзбекпарастларнинг панисломист ва пантуркистларга қарши кураши сифатида талқин қилинади.

Шўролар даврида миллий буржуазия зиёлилари, «тўдачилар» сифати билан бадном қилиб келинган Мунаввар Қори, Ашурали Зоҳирий ва уларга ҳамфикр миллиятчилар билан «Чигатой гурунги» аъзолари ўртасида алифбо, имло, адабий тил масалаларида келиб чиққан зиддият, курашларни аввало бу даврдаги конкрет тарихий шароитдан, бу икки гуруҳнинг Туркистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга не чоғли иштироки, воқеликка муносабатлари, тутган позицияларидан келиб чиқиб изоҳлаш зарур.

Шунингдек, тарихга оид айрим тадқиқотларда ёзув ўзгариши тўғрисида гап кетганда, араб алифбосидан латин алифбосига ўтилиши салбий баҳоланади. Бундай ишларда латинлаштириш тадбири расмий ташкилотларнинг қатъий кўрсатмаси, тазйиқи остида кечганлиги, бу ҳол «миллий ўзига хосликни бўғишга, халқнинг бой тарихий ўтмишидан, маданиятидан, илмий-адабий меросидан ажраб қолишига олиб келгани», аслида бу ислом динига қарши бир кураш, ташвиқот бўлгани айтилади. Араб ёзувидан латинга ўтишнинг салбий оқибатини англаган кўпгина маърифатпарварлар, хусусан, Ашурали Зоҳирий, Ғози Олим Юнусов, Қайум Рамазон сингари тилшунос олимлар, бошқа атоқли зиёлилар Ўзбекистондаги бу жараёнга қарши турганликлари, бироқ расмий тазйиқ устун чиққанини ёзадилар⁸³.

Бу фикрларнинг айримлари тўғри бўлгани ҳолда, кўпчилиги тарихий далиллардан, архив ҳужжатлардан беҳабарлик натижаси, тарихий воқеаларнинг юзаки таҳлилидир. Аслида аҳвол қандай бўлган? Ҳақиқатдан ҳам ўша вақтда латин

⁸³ Қаранг: XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. –Т.: Фан, 1994. –Б.257-264; Юлдашева М. Ўзбекистон миллий маданияти: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фан. номзоди ... дисс. автореферати. –Т. 2003. –Б.14.

алифбосига ўтиш куч ва мажбурият, тазйиқ остида кечганми? Юқорида номлари зикр этилган зотлар, умуман, ўлкада кўзга кўринган илм-маданият арбоблари бунга қарши турганларми ёки замона зайлига қараб иш тутганларми? Ё бўлмаса, ёзув ўзгаришини миллат равнақиға хизмат қиладиган ислоҳот, ҳаётий зарурат, деб қараганларми? Шу сингари саволларға тўғри жавоб бериш учун араб алифбосини ислоҳ этиш жараёни қандай кечганлиғи, лотин алифбосига ўтиш сабаби ва тадбирлари ҳақида фикр юритишға тўғри келади.

Маълумки, халқимиз 1929 йилгача араб алифбосидан фойдаланиб келди. Эски араб алифбосидағи ёзувда ягона имло тизими бўлмаганлиғи, ўзбек тили нутқ товушлари, хусусан, унлилар учун олинган ҳарфлар микдорининг етишмаслиғи ва уларни ифодалашдағи келишмовчилик, шунингдек, эски алифбода араб тили товуш хусусиятиға хос бўлган ҳарфларнинг туркий халқлар алифбоси учун ортиқча ва қийинлиғи туфайли давр ўртаға ташлаган янги талабларни қондирмас эди. Шу сабабли тараққиётнинг даслабки босқичларидаёқ араб алифбосини ислоҳ қилишға уруниш бўлган. Уфа ва Қозон татарлари орасида 19 асрнинг охирларида бошланган алифбо ва имлони ислоҳ этиш ҳаракати 1917 йил инқилобий ўзгаришларидан кейин Россияға тобе туркий халқлар ўртасида янада кучайди. Айниқса, РСФСР таркибидағи халқларнинг эски ёзувларини ислоҳ этиш ҳақидағи РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 18 октябрда чиқарган қарори бунга кенг имконият берди⁸⁴.

Туркистонда бу ҳаракат Тошкентда «Чигатой гурунги» аъзолари ташаббуси билан юзаға чикди. «Янги имлочилар» номини олган бу жамият аъзолари эски имлони ислоҳ этишға бел боғладилар. Бу давр матбуотида эълон қилинган ушбу маълумот «Чигатой гурунги»нинг нима мақсадда тузилганидан хабар беради:

«Тошкентда «Ёш Бухороликларнинг муфазол аъзоларидан - Фитрат афанди ила ўзбек ёшлари тарафиндан «Чигатой

⁸⁴ Иброҳимов С. Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши// Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. - №2. -Б.48.

гурунги» ном янги бир жамият тузилган. Миллий ишлар комиссарияти тарафидан тасдиқ этилиб, ишга киришган. Бу жамиятнинг мақсади: Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни жамеъ қилиб, туркий тилини ихё қилув ҳақида матерёл ҳозирламак, луғат ва адабиёт дунёсини бойитмоқдир. Бик вақтли ҳам ўринли таъсис этилган бу жамиятни самим қалбдан табриқ қиламиз...»⁸⁵.

Аниқланишимизча, «Чигатой гурунги» 1918 йилнинг охирларида ташкил қилинган ва Фитрат раҳбарлигида иш олиб борган. Бу маданий-маърифий, адабий-бадий ташкилот 1919 йилнинг бошида Миллий ишлар комиссарлиги томонидан расман тасдиқ қилинган. «Чигатой гурунги» маданий меросимизни тўплаш, ўрганиш ва улардан халқни баҳраманд этиш, ўзбек адабий тили, миллий ёзув ва адабиётимизни яратиш ва юксалтириш масалалари билан шуғулланган. Жамият аъзоларидан Қаюм Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Шорасул Зуннун, Олтой ва Боту имло масалалари билан махсус шуғулланувчи «Чигатой гурунги»нинг «Имло тўдаси»да иш олиб борганлар. Янги имлочилар ўзлари ислоҳ этган имлони газета саҳифаларида эълон қилиб, тарғиб қила бошладилар. Икки ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курслари очиб, янги имлони ўргата бошладилар. «Чигатой гурунги» «имло тўдаси»нинг ўқитувчилар учун имло қўлланмаси бўлган «Битим йўллари» номли битикчаси 1919 йилда Маориф комиссарлиги рухсати билан чоп этилди. Кўпчилик ёш зиёлилар, ўқитувчилар «Чигатой гурунги» имлосини ёқладилар ва уларга эргашдилар.

Шу ўринда бир масалага ойдинлик киритиш лозим бўлади. Фитратнинг Қ.Рамазон ва Ш.Раҳимийлар билан биргаликда «Она тили» номли дарслик ёзганликлари тўғрисидаги хато фикр ҳозирги матбуот саҳифаларида тез-тез учрашидан ташқари илмий ва ўқув адабиётларида ҳам факт сифатида ўрин олиб келмоқда⁸⁶. Дарслик китобининг яратилган даври 1919 йил санаси билан кўрсатилади. Аслида бундай китоб умуман бўлмаган.

⁸⁵ Иштирокион газ. // -1919. -4 февраль.

⁸⁶ Қаранг: XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т.:1999. -Б.12

Ш.Турдиев ва Б.Қориевнинг «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси (1918-1941)» номли китобининг 1919 йил даврий матбуотига тегишли қисмида шундай маълумотга дуч келамиз:

«Биринчи она тили курси. (Ш.Раҳимий, Қ.Рамазон ва Фитрат томонидан тузилган дарслик тўғрисида), «Иштирокиюн», 11 май»⁸⁷. Чамаси, мана шу янглиш маълумот баъзи адабиётшуносларимизни чалғитган кўринади. «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 11 май сонини топиб текширганимизда, бу ерда гап дарслик китоби ҳақида эмас, балки ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчилар тайёрлаш икки ойлик курси тўғрисида эканлиги маълум бўлди. Элбек томонидан газетага берилган ушбу эълон куйидаги сатрлардан иборат:

«Она тили курси

Ўқитувчиларимизга она тилининг ўргату билан она тили қондалари ва адабий руҳдан тубли маълумот бергали «Чигатой гурунги» томонидан Хадрадаги «Намуна» мактаби биносида икки ойлик курс очилур. Сабоқлар текин берилур. Очилиш куни 16 май, шанба кунидир. Сабоқ чоги соат учдан бешгача бўлур. Ўқитувчилари: Шоқиржон Раҳимий, Абдулқайом Рамазоний, Абдурауф Фитрат афандилар эрурлар. Бу курсга кирмакчи бўлгонларнинг ўқитувчи бўлишлари ё ўқитувчилик қилмоқчи бўлишлари керакдир.

Гурунг ёзгучиси: Маширқ Юнус (Элбек)»⁸⁸.

Демак, Фитрат, Қ.Рамазон ва Ш.Раҳимийларнинг «Она тили» дарслиги ёзганликлари ҳақидаги фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Мунаввар қори ва Ашурали Зоҳирий ўз тарафдорлари билан янги имлога қарши бўлдилар. Туркий халқлар учун ўрта бир имло, ягона ёзув фикрини ёқлаган бу зотларнинг позицияси Туркистонда кечаётган маданий, сиёсий воқеалар жараёни билан боғлиқ эди. Айни чоғда янги имлочилар илгари сурган

⁸⁷ Турдиев Ш., Қориев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси (1918-1941). -Т.: Фан, 1967.

⁸⁸ Иштирокиюн, 1919 йил 11 май.

алифбо-имло тамойилларида айрим камчиликлар мавжуд эдики, буни вақтида Ашурали Зоҳирий, ҳатто бир муддат «Чигатой гурунги»га аъзо бўлган Шорасул Зуннун матбуотда кўрсатиб ўтганди⁸⁹. Маориф комиссарлиги қўллаган «Чигатой гурунги» аъзолари ташаббуси билан Тошкентда 1921 йилнинг бошида Тил ва имло қурилтойи бўлди. Қурултойда эски алифбо-имло савод чиқаришга, мактаб-маориф ривожига, маданий тараққиётга тўсқинлик қилаётгани сабабли расмий ислоҳ этилиб, «Чигатой гурунги»нинг имло асослари қабул қилинди. Кўпчилик зиёлилар, ўқитувчилар «Чигатой гурунги» имлосини ёқлаб, уларни қўллаб-қувватладилар. Қурултойда имло масаласида зиёлилар ўртасида фикрий ажралиш бўлди. Бу борада зиддият янги имло масаласи ўртага чиққан 1919 йилдан пайдо бўлган эди. Араб ёзувини ислоҳ қилиш ҳаракати асли Қозон тотарлари орасида бошланган бўлиб, Туркистоннинг маркази Тошкентда эса «Чигатой гурунги» томонидан ўзбек тилига мослаб ўртага қўйилди.

«Чигатой гурунги»чилар адабий тил ва ёзув масаласида асосан ўзбек миллати манфаати нуктаи назаридан иш кўрдилар. Тўғрироғи, улар янги ўзбек миллий адабиёти ва адабий тили, илм-маданиятини яратишни мақсад қилдилар. Янги адабиёт ва адабий тилни чигатой адабиётининг чин вориси билиб, уни Навоий давридагидек бурунги мавқеига, шон-шавкатига қайтишини, бошқа туркий тиллар учун ҳам ўрнатилган адабиёт, намуна адабий тил ҳолига кўтаришни истадилар. Фақат буни янги тарихий шароитда, ўзбек миллати номи билан боғлиқ равишда вужудга чиқармоқчи бўлдилар. «Чигатой гурунги»нинг мақсади Фитратнинг ушбу сўзларида янада яққол кўринади: «Чигатой адабиёти турли шева турк адабиёти орасида энг юксак, энг муҳим ўринни тутқондур. Бошқа шевадаги турк адабиёти бунга ушқоқлиқлари, бунинг шогирдликлари билан мақтаниб туралар. Чигатой адабиёти турк адабиёти орасида юксак, юқори, олий бўлгонлигин қабул этмак мутлақо лозимдир... Адабиётимизнинг турк адабиётлари

⁸⁹ Ашурали Зоҳирий. Имло масаласи ҳақида иккинчи турли мулоҳаза // Иштирокион. - 1919. -19 июнь; Элчи (Ш.Зуннун) // Иштирокион. -1920. -26 сентябрь.

орасида энг юқори ўринда турғонидан, тилимизнингда турк тиллари орасида юқори мавқе тутқонини чиқаргон каби бўлдим»⁹⁰.

«Чигатой гурунги» аъзолари ёзувларидаги *ўзбек, турк-ўзбек, чигатой* атамалари айнан бир тушунчада – ҳозирги *ўзбек* атамаси маъносида ишлатилган. Улар «бутун турк уруғларининг тили бир турли бўлсин ва ёзишлари ҳам бир қоида остида ёзилсин» каби масалаларни имконсиз деб билганидан ёлғиз ўзбекларнинг «ўзига тегишли бўлган шеvasида ва ўзига тегишли саналган имлосида ўқиб, ёзишлари ҳамда шул имло ва тилни ялпи шул халқнинг ўзига қабул этдириш» фикри билан ни кўрдилар. Гурунг аъзоларидан Элбек бу ҳақда шундай ёзади: «1921 йилги Тил-имло курултойига «Туркистонда бўлган турк уруғларидан ёлғиз ўзбекларнигина чақирдик ҳам бу курултойни «Ўзбек курултойи» деб атадик»⁹¹.

Мунаввар қори, Муса Бегиев, Ашурали Зоҳирий ва уларга маслакдош миллатпарварлар Туркистон озодлиги учун кураш кетаётган бир шароитда миллий-маданий жабҳада ёлғиз ўзбек миллати номи билан йўл тutilса, курашнинг душман фойдасига ҳал бўлиши мумкинлигини таъкидлар эдилар. Шунинг учун ҳам улар Ўрта Осиёдаги туркий халқлар учун умумий бир тил, ягона ёзув ва адабиёт яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўйдилар⁹². Бунда улар ўрта турк адабий тили учун фонетик томондан чигатой (қарлуқ-чигил), луғат жиҳатдан ўзбек уруғлари ва қозоқ шевалари асос бўлишини кўзда тутдилар. Аслида бу гоё Ашурали Зоҳирийнинг яқин дўсти ва маслакдоши, Туркистон истиқлолчилиқ ҳаракати раҳбарларидан бири йирик олим ва сиёсат арбоби Заки Валидий томонидан илгари сурилиб, қувватланаётган эди. Бу умумий тил асосида туркий халқларнинг умум адабиётини яратиш кўзда тutilган. З.Валидийнинг фикрича, «миллий қийматлар ва дostonлар ҳам фақат қозоқ ва уруғли ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ

⁹⁰ 1921 йил январда бўлгон Биринчи ўлка ўзбек тил ва имло курултойининг чиқаргон қарорлари. -Т.: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. -Б.36.

⁹¹ Элбек. Имло ва тил курултойининг чақирилиши олдиан // Иштирокиюн. 1920, 27 ноябрь.

⁹² Мунаввар қори. Хотираларим /Нашрга тайёрловчи С.Холбоев. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.55.

гурухлари бўйича яхши муҳофаза этилганлигидан келажакда миллий адабиётнинг ҳам бу гурухлар атрофида вужудга келажаги, кент турки, тотор ва бошқирд қабилаларининг уларга қўшилувлари ўз-ўзидан англашилади»⁹³. Бу ўзига хос пантуркистик ғоя Туркистон худидидан четга чиқмаган, уни бутун туркий дунёга нисбатан амалга ошириш хомхаёл эканини бу фикр тарафдорлари яхши билишган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё туркий халқлари (ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқалар)нинг умумий тил ва ёзув бирлиги бу халқларнинг бирдамлигини мустақкамлайди ва бундай ягона ҳаракат билан Туркистон мустақиллигига тезроқ эришиш мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Бу вақтда Заки Валидий, Мунавварқори, Ашурали Зоҳирий сингари ғоявий раҳнамолар истиқлолчи кучлар билан Туркистон Миллий Бирлиги тузиб, миллий озодлик кураши олиб бораётган эдилар⁹⁴. Шу жиҳатдан тил ва ёзув масаласи бу даврда ижтимоий-маданий соҳада муҳим сиёсий аҳамият касб этмоқда эди.

1922 йил февраль ойида Тошкентда чақирилган Ўзбек маданияти ва ходимларининг ўлка қурултоғи ҳам тил-имло масаласи туфайли икки тараф гуруҳ ўртасидаги баҳс ва жанжаллар билан ўтди (Ўзбек ўғли, 1922). Миллий тараққиёт омили бўлган мактаб-маориф, матбуот-нашр ишларида турлилик, парокандалик юзага келди. Бунинг салбий оқибатини англаган зиёлилар ўртадаги низога барҳам беришга ва бирлашишга қарор қилдилар. Тошкентдаги ўзбек маориф ва маданият ходимлари бутун ўлкадаги маорифпарвар кучларга қарата «Ерлик халқ маорифида муттаҳид фурунт» шиори билан чиқдилар. Бунда Мунаввар қори, Маннон Рамз, Заҳириддин Аълам, Элбек, Шаҳид Эҳсон Аҳмадиев, Салимхон Тиллахонов, Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий, Мажид Қодир ва бошқалар фаол иштирок этдилар «Муттаҳид фронт»нинг ўрталикда қабул қилинган имло асослари матбуотда эълон қилинди⁹⁵. Улар ўзбек маорифини кўтариш, илмий хизматни йўлга қўйиш, ўртадаги

⁹³ Zeki Velidi Togan. Bugünkü Türkili (Türkistan ve yakın tarihi). Istanbul: Enderun kitabevi, 1929. -575 б.

⁹⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи, -Т.: Шарқ, 2000. 305-312-б.

⁹⁵ Ерлик халқ маорифида муттаҳид фронт //Туркистон г. 1923, 1 январь.

фикр айирмалигини йўқотиб, самимият барпо қилиш учун «Нашри маориф» жамиятини туздилар. Бироқ орадан кўп ўтмай бу бирлашув барҳам топди, зиёлилар ўртасидаги ёзув масаласидаги келишмовчилик давом этди. 1923 йилнинг октябрида Бухорода Ўрта Осиё ўзбекларининг Тил ва имло ўлка анжумани чақирилди. Унда яна алифбони ислоҳ қилиш, имло асосларини ишлаб чиқиш масалалари кўрилди. Конференция қарори Туркистон Жумхурияти Маориф комиссарлигининг 1923 йил 18 октябрдаги 48-сонли буйруғи билан тасдиқланган⁹⁶. Таъкидлаш керакки, бу йиғинда келгусида алифбони лотинлаштириш фикри мақулланди. Бу ишнинг амалий томонлари муҳокама қилинди. Туркий дунёда кўзгалаётган лотинга ўтиш ҳаракати, шунингдек, зиёлилар ўртасидаги ноаҳиллик сабаб Бухоро анжуманидан сўнг ҳам ёзувда бошбошдоқлик давом этди.

Кейинроқ шўролар тузуми мустақкам оёққа туриб, ўзбек адабиёти ва адабий тилини, миллий маданиятини пролетарлаштириш, советча «байналминаллаштириш» жараёни бошлангач, жадид зиёлиларининг ҳар икки гуруҳига «буржуа миллатчилари» тамғаси босилди. Ҳатто А.К.Боровковдек йирик тилшунос олим ҳам ҳукумрон мафкура ноғарасига ўйнашга мажбур бўлди. У кейинчалик шундай ёзади: «Умум турк» тили ва «чиғатой» тилини ўзбек халқига тикиштириш Туркистонда миллий буржуазиянинг маданий ҳукмронлигини таъминлаш, буржуа маданиятини социалистик маданиятга қарши қўйиш учун зарур эди»⁹⁷.

Хуллас, араб алифбоси бу даврларда бир неча бор ислоҳ этилганига қарамасдан, 1929 йилгача, яъни ўзбек халқи лотин алифбосига ўтгунга қадар ёзув бирлигига эришиб бўлмади. Кўринадики, араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилишининг сабаблари кўп эди. Биринчидан, араб алифбосининг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили учун кўп жиҳатдан яроқсизлиги, озарбайжон ва татар мутаффақкир ҳамда зиёлилари ишларида,

⁹⁶ Ўқтам (Қаюм Рамазон). Ўрта Осиё ўзбекларининг тил ва имло конференцияси //Туркистон газ. -1923. -31 октябрь.

⁹⁷ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в персод 1905-1917. -Т.: 1941.

Туркистон ўлкасида эса «Чигатой гурунги» бошлаб берган араб ёзувини ислоҳ этиш тадбирларида ўз исботини топди. Бу алифбо 1921 йилдан бошлаб ўзбеклар орасида уч бор ислоҳ қилинишига қарамай, уни тузатиб, бу соҳада ягона фикрга келиб бўлмади. Шу сабабли, туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар ҳам ўз тиллари учун анча содда ва анча қулай бўлган лотин алифбосини қабул қилдилар.

Иккинчидан, мустабид тузумнинг тил-ёзув сиёсатида ўз манфаатлари бўлган, албатта. Бу давр тадқиқига бағишланган асарларда чор Россияси, сўнгра кизил империя ўз қўл остидаги ўлкаларни руслаштириш сиёсатини аввало тил ва ёзув масаласи бўйича олиб борганлиги таъкидланади⁹⁸. Айниқса, Заки Валидий ўз асарларида бу ҳақда алоҳида қайд этган⁹⁹. Исломи дини сингари араб ёзуви маълум даражада мусулмон дунёси, хусусан, мусулмон туркийлар бирлигига ёрдам берар эди. Алифбони ўзгартириш уларни ажратиш ташлаш учун қўл келар эди. Шунинг учун ҳам руслар туркий халқларнинг араб алифбосидан лотин алифбосига ўтишларини жон деб қўллаб-қувватладилар ва рағбатлантирдилар.

Араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш ғояси дастлаб 19-асрнинг иккинчи ярмидаёқ озарбайжонлик мутафаккир Мирза Фатали Охундов томонидан илгари сурилган эди. 1922 йилдан бошлаб Озарбайжонда лотин алифбосини жорий этишга доир тадбирлар амалга оширила бошланди. Кўп ўтмай бу ташаббус туркий тилда сўзлашувчи халқлар ўртасида кенг ёйилди.

1926 йилнинг 26 февраль – 3 март кунлари Бокуда Биринчи Бутинитифоқ Туркология қурултойи бўлди. Туркиёт қурултойида Ўзбекистондан Раҳим Инъомов, Ашурали Зоҳирий, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Ғози Юнус, Б.Раҳмоний А.Абдуҷабборовлар вакил бўлиб бордилар. Фитрат бу анжуманга йирик шарқшунос олим сифатида «алоҳида чақирув билан» таклиф этилди¹⁰⁰. Қурултойда туркий халқларнинг лотин

⁹⁸ Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. -Б.20.

⁹⁹ Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. -Т.: Адолат, 1997, -Б. 87.

¹⁰⁰ Ашурали Зоҳирий. Туркология қурултойи атрофида// Фарғона газ. -1926. -№374.

алифбосига ўтишлари ҳақида қарор қабул қилинди. 1926 йилда ЎзССР МИКнинг IV сессияси Янги алфавит марказий комитетини тузиш тўғрисида қарор чиқарди¹⁰¹. 1929 йилнинг май ойида Самарқандда бўлиб ўтган Тил ва имло анжуманида лотин алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Ғози Олим, Қаям Рамазон, Элбек, Абдулла Алавий, Шокиржон Раҳимий сингари машҳур олим ва ёзувчилар, кўзга кўринган маданият ходимлари, миллий интеллигалар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва имлосини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этиш ишига катта ҳисса қўшдилар¹⁰².

Лотинлаштириш ҳақида гап кетганда, бу жараён СССР бўйича қизғин тус олганини айтиб ўтиш керак. Рус ёзувини лотин алифбосига ўтказишга тайёргарлик лотинлаштириш компаниясининг энг авж нуқтаси бўлди. Бу ҳаракатнинг фаол тарафдорларидан бири ўша вақтдаги СССР Маориф комиссари Анатолий Василевич Луначарский эди. 1929 йилда РСФСР Маориф халқ комиссарияти рус алифбосини лотинлаштиришни масаласини кўриб чиқиш учун комиссия тузди. Комиссиянинг 1930 йил 14 январдаги қарорида шундай ёзилган: «Эътироф этилсинки, рус алифбосини лотинлаштиришни рус ёзуви ва матбуотини СССРдаги барча халқлар учун ягона бўлган байналминал алифбога ўтиш - умумжаҳон байналминал алифбо яратишнинг биринчи босқичи деб тушунилсин. Русларнинг яқин вақт ичида лотин графикаси асосидаги байналминал алифбога ўтилиши муқаррардир»¹⁰³. Бироқ рус алифбосини лотин ёзувиге ўтказиш ҳаракати қаршиликка учраб, инкор этилди. Марказ бошқарув тизгинини қўлига тезроқ ва батамом олиши учун, шўролар иттифоқидаги барча халқлар ёзувининг ягона шаклда бўлишидан манфаатдор эди. Туркий халқларнинг араб алифбосидан лотин алифбосига ўтишлари уларни кейинчалик рус графикасига ўтказиш учун бир кўприк вазифасини ўташи лозим эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Кўп

¹⁰¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М-Л: изд.во АН СССР, 1960. -Б. 57.

¹⁰² Қаранг: Маориф ва ўқутувчи ж. -1926, -№3. -Б.5; -1927. -№7-8. -Б.45, 60.

¹⁰³ Ведрин А. //Совет мактаби ж. -1991. -№4. -Б.5.

ўтмай лотинлаштириш жараёни тамоман тескари ҳаракатга айланди. Мустабид Сталин ҳукумати мустаҳкамланиб, партия яккаҳоқимлиги ўрнатилгач, шўролар салтанатида энди ёзувни бир буйруқ билан рус-кирилл алифбосига ўтказишнинг ижроси сўзсиз эди.

2.4. Ашурали Зоҳирий адабий тил, атама ва имло ҳақида

Маълумки, XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек тилшунослиги изланиш, шаклланиш, ривожланиш босқичида эди. Бу даврда адабий тил масалаларини ҳал этишда турлича ёндашувлар кузатилади. Шу жиҳатдан Ашурали Зоҳирийнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 29 март сонидан эълон қилинган «Тил ва имло масаласи» мақоласи шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Мақолада адабий тил, имло, атама, сингармонизм ва ўзбек тилининг бошқа масалалари тўғрисида баҳс юритилган. Тилшунос олим адабий тил ва жонли сўзлашув тили, улар ўртасидаги муносабат, адабий тил услублари, тилнинг жамиятдаги ўрни, атамалар ва имло муаммолари ҳақида диққатга сазовор фикрларни баён қилган.

А.Зоҳирий ўзбек тилинг уч услубга бўлади:

1. Жонли тил.
2. Адабий тил.
3. Илмий тил.

Улар ҳақида тўхталар экан, тилимизнинг ўзига хос томонларини очиб беришга ҳаракат қилади. Гарчи адабий тилдан илмий тилни ажратса-да, булар орасида катта фарқ йўқлигини кўрсатади. Ҳар иккисининг зиди бўлган жонли тилни ўзгарувчан, адабий тилни эса барқарор эканлигини таъкидлайди. Олим адабий тил билан жонли тилни яқинлаштириш ва адабий тилни омма учун тушунарли тил бўлиши лозимлигини уқтиради. Ўтимишда адабий тил ва халқ тили ўртасида катта айирма бўлганлиги ҳақида шундай ёзади: «Ҳақиқатан, шундоқ бўлғони ҳолда, 15 асрдан инқилобгача бўлган даврда халқнинг сўзлаштурғон тили адиблар томонидан кўпол тил, кўча тили саналиб, адабий тилни унга яқинлаштириш – камчилик, халқ тилида ёзишлиқ – кўполлик, деб эътиқод

этилган. Арабча, форсча луғатларни тикиштириш билан қаноатланмасдан, ҳатто таркибларни ҳам арабча, форсча қилгонлар». Олим адабий тилни жонли тилдан узоқлаштиришга интилаётганларга қарши туради, адабий тилни имкон қадар арабча ва форсча иборалардан, бегона тил унсурларидан ҳоли бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтади. «Биздан маданийрак халқларнинг тил ва адабиёти – халқ тили ва адабиёти асосига қурулгон ва мева берган. Бир замонда, янги маданият (пролетар маданияти) қурмоқа бошлагон бизлар учун адабий тил асоси мутлақо жонли тил (халқ адабиёти) бўлиши керак», – дейиш билан адабий тилни халқ тилига яқин қилиш ғоясини илгари суради. Бу ўз навбатида ўзбек тили софлиги учун бошланган қурашнинг давоми десак, хато бўлмайди.

А.Зоҳирийнинг кўп шеваги ўзбек тилида адабий тил учун таянч диалектни белгилаб олиш борасидаги фикрлари диққатга сазовор. Олим «адабий тил бирлигида бошвоқсизлик ва бир ёқадан бош чиқармаслик»ка барҳам бериш учун «албатта ўзбек шеваларидан бирини асос қилиб олиш керак»лигини уқтирар қан, бу масалада тўғри йўлда турган. У адабий тилга Фарғона шевасини асос қилиб олиш таклифини илгари суради. 1929 йилда Самарқандда бўлиб ўтган Тил, имло ва истилоҳ конференциясида ҳам ушбу фикрни қизғин ҳиоя қилади. Ушбу анжуманда Элбек ҳам адабий тил учун Фарғона шевасини асосга олишни ёқлаган¹⁰⁴. Ўтган асрнинг 20-йиллари баён қилинган бу қарашларнинг қанчалик тўғри эканлигини ҳаёт тасдиқлади. Бу, ўз навбатида, тилимизда ягона орфографик талабнинг юзага келшиши учун замин бўлди ва ўзбек адабий тилининг тараққиётида муҳим роль ўйнади. Ҳозирги адабий тил морфологик жиҳатдан Фарғона шевасига мосланганлиги олимнинг фикри тўғри экалигини кўрсатади.

А.Зоҳирий атамалар масаласида тўхталар экан, тил софлигига алоҳида эътибор беради. Адабий тилни имкон қадар бегона атамалардан ҳоли қилишни, агар бундай сўзлар ўз тилимизда бўлмасагина, аввало қардош туркий тиллардан, сўнг бошқа тиллардан сўз олиш кераклигини уқтириб ўтади. Ўзбек

¹⁰⁴ Тил-имло масаласида қишлоқ/Қизил Ўзбекистон газ. -1929, -№115.

тилининг ўз ички имкониятларидан келиб чиқмасдан тилга заруратсиз ёки зўрма-зўракилик билан бошқа тиллардан атамалар олишни қоралаб шундай ёзади: «Агар ажнабий сўзлар олинавурса, тилда софлик бита-бита, сал йилнинг ичида бошқа сўзлар у тилни қоплаб, танимаслиқ ҳолга келтиради ва ютади». Аммо ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон» тахририятининг ушбу мақола олдидан берилган кичкина тақризида муаллиф фикрлари, хусусан, атамалар тўғрисидаги «софлик сақлаш назарияси» танқид қилиниб, «бу назариядан бизга ёт назариянинг ҳидлари келиб туради», деб баҳо берилган. Ашурали Зоҳирий мақоласи «Тил, атама ва имло баҳслари» рукни остида босилган бўлиб, газета тахририяти тилшуносларни мубоҳасага чорлаган. Сирасини айтганда, Ашурали Зоҳирийни «халқ душмани», «миллатчи» сифатида қораланиши шу кезларда бошланган эди. Ваҳоланки, унинг адабий тил масаласидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Юқоридаги фикрлардан англашиладики, олим атамалар тизимини яратишда имкон қадар ўзбек тилининг ўз ички имкониятларидан фойдаланиш фикрини илгари сурган. Олим халқ тилига «ўзлашиб кетган форсийча» (обдаста, кафгир, гўшт, сабзи, дарвиш, камбағал...), «оммалашиб кетган арабча» (мактаб, китоб, қалам, меҳнат, ҳукумат...) ҳамда сиёсий ва фалсафий соҳага оид русча-байналминал (динамо, вольт, радио, метр...) сўзларни ўз ҳолича қолдиришни тавсия қилади. Аммо у европа тилларидан ўтган баъзи бир атамаларни миллий тилда ифодалашни, уларни ўз сўзларимиз билан алмаштиришни ёқлаб чиқади. Масалан, *астрономия* сўзи ўрнига *юлдуз билиги*, *гидрология* ўрнига *сув билиги*, *ботаника* ўрнига *ўсимлик билиги*, *агроном* ўрнига *экин билгич* каби сўзларни қўллаш лозимлигини уқтиради. Таъкидлаш керакки, бу даврда Туркияда миллий тил, ёзув, имло, терминология, адабий тил соҳасида Туркия Республикасининг асосчиси – Мустафо Камол Отатурк раҳнамолигида жиддий ислохотлар кечаётган эди. Бу ислохотлар, бу маданий сиёсат турк тилини миллий тил асосида тараққий эттириш, унинг бегона тиллар бўйунтуруғидан халос қилиш ва

модернизациялашни кўзда тутарди. Кўп ўтмай ташкил топган Турк Тили Жамияти (Dil Kurumu, 1932) томонидан амалга оширилган ўзгаришлар турк тилининг кейинги ривожланиш истиқболини белгилади. Ашурали Зоҳирий томонидан истилоҳлар масаласида илгари сурилган фикрлар ҳам Туркия жумҳуриятида, шўролар иттифоқидаги Озарбайжон каби туркий республикаларда олиб борилаётган миллий тил ениёсатига уйғун эди. Аммо, шўролар мамлакатида, реал воқеликда миллий тилларга жадал ўзлашаётган ва кўпчиликка тушунарли бўлиб қолган *паравоз, агроном, география* каби атамаларни юқорида қайд этилган каби ўз сўзларимиз билан алмаштириш имконсиз, маълум маънода тилнинг табиий ривожига ҳам тўғри келмас эди.

А.Зоҳирий атамаларни тўғри ишлаб чиқиш юзасидан куйидаги таклифларни илгари суради:

1) Маориф комиссарлиги хузуридаги Илмий марказ қошида махсус атама комиссияси тузиш;

2) халқ жонли тили луғатини тузиш (Владимир Далнинг луғатига ўхшаш).

Тузилажак атама комиссияси ва унга қарашли ходимлар саноати ривож топган туманлар ҳамда қишлоқларга тез-тез чиқиб, халқ тилидан сўзлар ахтариши, шунингдек, иттифоқдаги турк-татар республикаларининг худди шундай комиссиялари билан алоқада бўлиб, ўзаро материал ва тажриба алмашувлари кераклигини кўрсатади. Олимнинг бундай фикрлари ўша давр учун илғор қарашлар эди. У янги ўзбек адабиётини яратишга ёрдам берадиган халқ жонли тили луғатини тузиш учун қишлоқ муаллимлари, талабалар ҳамда онгли ишчиларни жалб қилиш масаласини ўртага ташлайдики, бу фикр ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу таклифларда ўзбек тилшунослигининг тўғри ривожланиш йўллари белгиланган эди.

1929 йилги тил анжуманида ўзбек тилининг бундан кейинги равнақини кўзлаб кўпгина яхши қарорлар қатори Маориф комиссарлиги ёнида алоҳида тил, имло, истилоҳ

қўмитаси тузилсин, деган қарор қабул қилинган эди¹⁰⁵. Аммо руслаштириш сиёсати тилларнинг табиий тараққиётига ғов бўлиб, ўзининг салбий асоратини қолдирди. 1930 йиллардан бошлаб ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган сўзларимиз, атамаларимиз эскирган сўзлар деган тамғалар остида сиқиб чиқарилди. Улар ўрнига русча-европача сўзлар киритила бошланди. А.Зоҳирийлар орзуси юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг рўёбга чиқди. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши муносабати билан шоир ва ёзувчиларимиз, олим ва журналистларимиз, зиёлиларимиз саъйи ҳаракатлари туфайли русча-байналминал ўзлашмалар ўрнига ўзбекча муқобиллар топила бошланди. Мустабид тузум даврида қатоғон қилинган, истемолдан чиқариб юборилган сўзлар тикланди. Вазирлар Маҳкамаси қошида ўз вақтида Атамашунослик қўмитаси тузилди. Атамалар, жой номларини тартибга солиш ва бошқа жуда кўп юмушлар тилимиз табиатига, миллий-тарихий хусусиятларимизга мувофик, ўзбек тилининг кейинги равнақини, ўзбек халқининг қонуний манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини кўзлаб бажарила бошлади.

А.Зоҳирий ўз мақоласида имло масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг ёзишича, рус тили имлоси 5 асосқа қурулгон: 1) савтий (фонетический), 2) шаклий (морфологический), 3) тарихий-анъанавий, 4) чет сўзларини ёзмок асоси, 5) айрилма асоси». Олим ўзбек имлосини «савтий (фунетика)» ва «шаклий-сарфий формолугия (морфолугия)» асосида қуриш таклифини илгари суради. Дарҳақиқат, ўзбек тили имло қоидалари ушбу тамойилларга асосланган. Аммо Ашурали Зоҳирийнинг имло тўғрисида илгари сурган фикрларида марфологик тамойил, яъни «имлода сарфий бирликни мақкам ушлаш» етакчилик қилади. Олим сўзларни қандай эшитсак, шундай ёзмасдан маълум бир қоидалар асосида ёзиш лозимлигини алоҳида уқтиради. Масалан, -д билан бошланадиган қўшимчалар -т эшитилса ҳам, аслига мувофик д

¹⁰⁵ Тил-имло конференцияси материаллари (1929 йил май ойида Самарқандда бутун Ўзбекистон миқёсида тўпланган ўзбек тил-имлочилари ва адiblари конференциясининг тўла ҳисоби). -Т.: 1931. -90 б.

ёшлигини таъкидлайди. Шу билан бир қаторда *-ни* ва *-нинг* кўшимчалари ҳам турлича талаффуз қилинса-да ёки *-н* товуши ўрнида *-д*, *-т* товушлари талаффуз қилинса ҳам (масалан, *сичқонди уйи*, *итди боласи*, *гулди уруги*, *гапди нўсткаласи*, *ўтди ўчирди*, *читди олди*, *эшикди очди каби*), аслига кўра *-ни* ва *-нинг* (*сичқоннинг уйи*, *итнинг боласи*, *гулнинг уруги*, *гапнинг нўсткаласи*, *ўтни ўчирди*, *читни олди*, *эшикни очди*) ёзиш лозимлигини кўрсатади. Бу ҳолат ҳозирги ўзбек тили имло асосларини ўша даврдаёқ тўғри белгиланганлигидан далолат беради.

А.Зоҳирий ўзбек тилида унлилар ҳақида тўхталар экан, уларнинг сонини тўққизта деб белгилайди. Бунда олим «соф ўзбек тилида сингармунизм борлиги»га асосланган. Унинг фикрича, «сингармунизм билан чўзгининг тўққизталиғи бир-бирига қаттиқ боғланган». А.Зоҳирий унлилар масаласида ўзбек шеваларида маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган 9 та унли фонема борлигини назарда тутган. У унлилар миқдорини 6 та деб қаровчиларга қарши чиқиб, «уни қисқартириш кераклиги тўғрисида сўз очишлиқ мантиқсизлик ва тўққизта бўлишининг асосини тушунмасликдир» деб таъкидлайди. Шу билан бир қаторда унлилар сонини 9 тадан кўп деб қаровчиларни ҳам танқид қилади. Уларнинг ўз фикрларини исботлаб бера олмаганлигини ёзади. А.Зоҳирий унлилар сони 9 та деган фикрда қатъий туради: «Демак, ҳозирги 9 чўзги шу топдаги илмий асосга қурилгон, уни ортирмаймиз ҳам, камайтирмаймиз ҳам». Бундай қатъийлик А.Зоҳирийнинг фонетикани чуқур англаганлигини кўрсатади.

Олим ўзбек тилида сингармонизм ҳодисаси борлигини шундай таъкидлайди: «Бизда сингармунизм юз фоиз бўлгусидур. Тилимизга аралашгон ажнабий сўзларни ҳам ўз қоидамиз (сингармунизмга) бўйин товлайдурғонлари ўрнига ўз тилимиздан сўзлар топишга ҳаракат қиламиз».

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, А.Зоҳирий ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини яратишда ўз даври тил тарақиқети хусусиятларидан келиб чиққан.

А.Зоҳирийнинг ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи бўлиб бош ҳарфлар имлосини кўтариб чиқиши, уларни амалиётга тадбиқ этиши имлога қўшган катта хизматидир. У араб алифбосида бош ҳарфлар имлоси йўқлигини таъкидлаб: «эски араб алифбосида бош ҳарфларнинг йўқлиги - хусни, яхшилиги эмас, балки унинг камчилиги эди», деган фикрни билдиради. Латин алифбосига ўтилар экан, ёзувда бош ҳарфларни олиш зарурлигини илгари суради. Бош ҳарфларни қабул қилиш алифбе ўрганиш ва ўргатишда ҳамда босмаҳонада ҳарф терувчиларга ортикча қийинчилик туғдиради, деб ҳисобловчиларнинг даъвоси асосизлигини кўрсатиб беради. Бунга европаликларнинг ёзувларида бош ҳарфлар қўлланишини далил сифатида келтиради.

А.Зоҳирий куйидаги ўринларда бош ҳарфлар ишлатилишини кўрсатади:

1) жумла бошида; 2) махсус исмларда; 3) жуғрофий ўринлар исмида, 4) алоҳида ҳурмат кўрсатадурғон мазмунлар ҳам соғлиқни сақлаш, кимё ва риёзиёт фанларининг формулаларида.

Бу фикрлар ҳозирги ёзувимизда бош ҳарфлар имлосига анча яқин.

Олим бош ҳарфларнинг жумла бошида келишини шундай изоҳлайди: «а) мутоала вақтида нуқтадан бошқа ҳарфларнинг охири аниқ кўриниб турадур; б) ҳарф терилган вақтда, эҳтимол нуқта терилмай қолар ёки терилган бўлса ҳам эзилган нуқта қўйилган бўлиб, эзилгонда чиқмай қолур. Бош ҳарф бўлса, мана шундай ҳоллар бўлгонда ҳам жумланинг тамом бўлғони билиниб турар. Агар бош ҳарф бўлмаса, шундоқ ҳолда, икки-уч жумланинг бир-бирига қўшилиб кетиш эҳтимоли бор».

А.Зоҳирийнинг бош ҳарфларнинг махсус исмларда қўлланиши ҳақидаги фикрлари ҳозирги атоқли отларда бош ҳарфларнинг ишлатилишига мос келади. Исмларда бош ҳарфларнинг аҳамиятини ушбу мисоллар орқали кўрсатади: «Янги қишлоқ аҳли арзга келди», «Бозор келди» каби ўринларда махсус исмлар бош ҳарф билан эзилганда, жой номи (Янги қишлоқ) ва киши исмларини (Бозор) янги бино қилинган қишлоқ ва кун номини билдирувчи бозор тушунчаларидан

аяратиш имконини беришини уқтиради. Бу билан А.Зоҳирий бош ҳарфлар имлосининг ёзма нутқда маъно фарқлаш томонини, шунингдек, таълим-тарбиявий, амалий аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтади. Унинг бу борадаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

Бош ҳарфлар имлосидаги бошқа ҳолатларни ҳам шу тарзда бирма-бир кўрсатиб, далилаб беради. Булар олимнинг 20-йиллар тилшунослигига қўшган ҳиссаси салмоқли эканлигини кўрсатади.

А.Зоҳирийнинг ушбу мақоласи 1929 йил 15-23 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Тил-истилоҳ ва имло анжумани олдидан ёзилган. Конференция олдидан ўзбек тилшуносларининг тил ва ёзув муаммоларига бағишланган кўплаб мақолалари матбуотда мубоҳаса рукнида эълон қилинган¹⁰⁶. Аммо уларнинг ҳеч бирида бош ҳарфларни қабул қилиш масаласи кўтарилмаган. А.Зоҳирийдан бошқа киши бу масалани жиддий ўртага қўймади. Фақат Шокиржон Раҳимийгина қатъий бўлмаса-да, бунга мойиллигини, ҳали эрта бўлса-да, келгусида бош ҳарфларнинг қабул қилиниши муқаррарлигини, шунинг учун бу борадаги ишларни бошлаш лозимлигини билдириб ўтган¹⁰⁷.

Самарқанд Тил-истилоҳ ва имло анжуманида (1929 йил) бош ҳарфларни қабул қилиш масаласида жиддий тортишувлар бўлган. Бу масалада икки хил ёндашув юзага келган. Биринчи ёндашув тарафдорлари Ориф Айюб, Қайюм Рамазон ва Сатторовлар бош ҳарфларни янги алифбога киритмаслик лозим, деган фикрни ёқлаганлар¹⁰⁸. Уларнинг фикрича, бош ҳарфларни қабул қилиш, яъни бир товушга икки хил: кичик ҳам катта шакл алифбода ҳарфлар миқдорини орттиради. Бу эса таълим-тарбияда ҳам, матбаачилиқда ҳам, иқтисодда ҳам қийинчиликларни юзага келтиради.

¹⁰⁶ Фитрат. Имло конференцияси муносабати билан.//Маориф ва ўқитғучи ж. -1928. -№3 - Б.6-7; Отажон Ҳошим. Яна тил-имло масаласи тўғрисида// Қизил Ўзбекистон газ. -1928. -15 фев.; Боту. Тил ва имломиз тўғрисида бир-неча сўз// Қизил Ўзбекистон. -1928. -20 фев.; Ёқуб Омон. Тил, атама ва имло баҳслари// Қизил Ўзбекистон. -1929. -25 март.

¹⁰⁷ Ш.Раҳимий. Имло масаласида бир икки-сўз//Қизил Ўзбекистон. -1929. -12 май.

¹⁰⁸ Қаранг: Жомонов Р. Бош ҳарфлар имлоси тарихига оид// Тил ва адабиёт ж. -1998. -№5. -Б. 19-24.

Иккинчи гуруҳ олимлар янги алифбо ва имлога бош ҳарфларни киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Айниқса, Фитрат бу қарашни қаттиқ ҳимоя қилади. Бош ҳарфларнинг ёзув амалиётидаги катта аҳамиятини чуқур англаган олим шундай фикрларни ёзади: «Бизда бош ҳарф олинсинми, олинмасинми?— деган жанжал кўпдан давом қиладир... Мен сўрар эдимки, кўнференсия бош ҳарф олинмасин деган жойига масалани шундай қўйиши керакки, бош ҳарфларни Оврупада бўлгон шаклларга деб олайиқ, ёки бош ҳарфларни майда ҳарфларнинг шакли билан бир хил қилиб олайиқ. Бундай шаклни қилиб олгандан сўнг таълим-тарбияга ҳеч зарар келтирмайдир»¹⁰⁹.

Шу ўринда айтиш керакки, 1926 йил 26 феврал — 3 март ойларида Бокуда ўткан Биринчи туркология курултойида бош ҳарфлар масаласи ҳам кўриб чиқилган. Уни қабул қилиш-қилмаслик ҳар қайси жумҳуриятнинг ихтиёрига топширилган. Ушбу курултойдан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистондан бошқа барча туркий халқлар ўз ёзувларига бош ҳарф олган эдилар. 1926 йил 19-21 май кунлари Самарқандда Ўзбекистон янги ўзбек алифбочиларининг биринчи ўлка кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу илмий кенгаш янги ўзбек алифбоси учун лотин алифбосининг кичик шаклини (ҳарфларини) олишга қарор қилган эди¹¹⁰. Қардош халқлар орасидаги ўзаро алоқаларни кўзлаб туркий халқлар алифболарини бирлаштириш (унификациялаш)га катта эътибор берилди. Бош ҳарфларни қабул қилиш ёзувда тўғри йўл тутиш билан бирга юқоридаги мақсадларга ҳам хизмат қилар эди. Шу сабабли анжуманда ушбу масала ижобий ҳал бўлди: «Янги турк алифбеси марказий кўмитасининг учинчи пленумида бош ҳарфларни бирлашкан (унификатсия) алифбенинг энг катта унсури қабул қилинганлигини назарда олиб тил-имло кўнференсияси бош ҳарфларни қабул қиладир»¹¹¹ деган қарор чиқарилди.

Шундай қилиб, А.Зоҳирий қизғин ёклаган бош ҳарфлар масаласи расмий тусда ҳал қилинди. «Бироқ бу пайтда бош

¹⁰⁹ Тил-имло кўнференсияси материаллари. Тошкент: Ўздавнашр, -1932. -Б.122.

¹¹⁰ Иноғомов Р. Янги алифбо тўғрисида. -Самарқанд: -1926.-Б.

¹¹¹ Тил-имло кўнференсияси материаллари. Тошкент: Ўздавнашр, -1932. -Б.126.

харфларнинг қайси ҳолатларда қўлланиши аниқланмаган, унинг тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилмаган эди. Ниҳоят, 1934 йилда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон жумҳурият I имло ва терминология курултойида бош ҳарфларнинг қўлланиш масаласи бўйича биринчи аниқ кўрсатма берилди»¹¹².

А. Зоҳирий ўзининг тилшунослик фаолияти давомида ўзбек адабий тилини жонли халқ сўзлашув тилига яқинлаштириш асосида ривожлантириш, уни оммага тушунарли бўлишини таъминлаш учун курашди.

¹¹² Жомонов Р. Бош ҳарфлар имлоси тарихига оид// Тил ва адабиёт журнали -1998. -№5. -Б.19-24.

3 БОБ. АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ЛУҒАТШУНОС

3.1. «Русча-ўзбекча мукаммал луғат»нинг юзага келиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистонда шўро ҳукумати барпо этилиши билан рус тилининг мавқеи орта борди. Бир томондан, олий ўқув юртлари, турли ташкилотлар, идора ва вазирликларда иш рус тилида олиб борилиши, иккинчи ёқдан, фан ва техниканинг ўсиши, маданиятнинг юксалиши маҳаллий халқни рус тилини ўрганишга мажбур қила бошлади. Ёш авлод рус тилисиз узоққа бориб бўлмасликни тез тушундилар. Улар рус тилини турли йўллар билан мактабларда, тўғарақларда, махсус курсларда, ўргана бошладилар.

Рус тилини ўрганиш замон, ҳаёт талабига айланди. Шу муносабат билан Туркистон Маориф комиссарлиги ҳузуридаги Илмий марказ рус тили бўйича дарслик ва луғатлар чиқаришни режалаштирди. Аммо дарслик ёзиш, луғат тузиш муаммо бўлиб қолди. Чунки ўша даврда малакали илмий ходимлар, рус тилини пухта, мукаммал билувчи маҳаллий мутахассислар жуда кам эди. Рус тили флектив тиллар гуруҳига кирувчи мураккаб тил бўлганлиги сабабли, ундаги жинс, урғу, тусланиш, кўплик шакллари сўз шаклини тўғри аниқлаб олишда нафақат ўқувчи, балки олимларда ҳам маълум қийинчиликлар туғдирарди.

Маориф комиссарлигидаги мутасадди кишилар ишнинг мураккаблигини кўргач, Илмий марказга буйруқ билан луғат чиқариш тўғрисида кўрсатма беради. Илмий марказ бу топшириқ асосида 1925 йили русча-ўзбекча луғат тузишни режалаштирди. Республиканинг ўша пайтдаги бош илмий журнали бўлган «Маориф ва ўқитғучи» саҳифаларида бу ҳақда «Илмий марказда китоб буюрилғон» сарлавҳа остида ушбу хабар босилган:

«Илмий марказ томонидан русча-ўзбекча луғат тузиш буюрилғон. Бу луғатни тузиш камисиясига Ғози Олим, Аҳмад ўғли, Раҳматулла ўғли ва Рибинков белгиланди.

Луғатни тузиш муддати 1 ноябрғачадир. Бундан бошқа илмий хидмат ўзбекча-русча луғат тузмакчидир. Бу икки

луғатга асос қилиниб илмий истилоҳ ва таъбирлар тайин қилинадир»¹¹³.

Аммо луғат тузиш учун жавобгар шахслар нима сабабдандир маориф комиссарлиги ишончини оқламадилар. Ҳар ҳолда мўлжалдаги иш амалга ошмай қолди.

Аслида, таржима луғатларини яратиш иши шўро ҳокимиятининг илк йилларидаёқ кун тартибига кўйилган эди. «Чигатой гурунги» жамиятининг ташкил этилганлиги муносабати билан бу вақтда матбуотда ёзилган бир мақолада бу тўғрида шундай маълумот учрайди: «...Бир замон Миллий ишлар камиссарлиги тарафиндан туркча-русча ҳам русча-туркча луғатлар нашр этарга қарор қилинуб, бунинг учун муҳимгина бир миқдорда ақча ҳам тайин этилган эди. Шу ишни ҳам ушбу жамият майдонга кетирса керак»¹¹⁴. «Чигатой гурунги» жамиятининг ҳукумат томонидан беркитилиши, кейинчалик ўлкада миллий чегараланиш сиёсатининг ўтказилиши ва бошқа сабаблар боис бу юмуш амалга ошмади.

Русча-ўзбекча луғат тақдирини кўпдан бери бундай натижасиз яқунланаётганини кўрган комиссарликдаги масъул ходимлар бу ишга ўша пайтда рус тили билимдонларидан бири, маърифатпарвар Ашурали Зоҳирийни жалб қилдилар. Олим бундай катта ва сермашаққат ишни тезроқ руёбга чиқариш йўллариини излади. У 1920 йил Қозоннинг «Аср» босмаҳонасида иккинчи қайта нашр этилган ва туркий халқлар томонидан ижобий баҳо олган Султон Раҳмонқули ва Абдураҳмон Карамнинг «Русча-татарча мукамал луғат» (бундан кейинги ўринларда РТМЛ шаклида ишлатилади) сўзлигидан ижодий фойдаланишга, аниқроғи, луғатнинг ўнг тарафидаги татарча сўзларни ўзбек тилига ўгиришга қарор қилди. Ушбу луғат туркий тиллар ичида дастлабки икки тилли луғатлардан бири бўлиб, кўпчилик маърифатпарварлар назарига тушган эди. Бу фикр маориф комиссарлиги томонидан ҳам маъқулланади.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Нима учун маориф комиссарлигидаги масъул ходимлар бу ишни Ашурали

¹¹³ Маориф ва ўқитгучи ж. -1925. -№4, -Б.75.

¹¹⁴ Иштирокион газ. -1919. -4 февраль.

Зоҳирийга ишониб топширдилар? Ашурали Зоҳирий рус тилини қай даражада билар эди? Олим таржимаи ҳолига, шахсига оид маълумотлар¹¹⁵, шунингдек, ўша давр газета хабарлари¹¹⁶ билан танишиш шуни кўрсатадики, унинг тил ўрганиш қобилияти кучли бўлган. Ёшлигида Мадалихон мадрасасида араб ва форс тилларини пухта ўзлаштирган. Туркий тиллардан озарбайжон, турк, қозоқ, қирғиз, татар тилларини яхши билган. Узоқ вақтдан бери Фарғона музофотида яшаб келувчи русий забон аҳоли билан доим мулоқотда бўлиб, ўзининг саъй-ҳаракати орқасида рус тилини пухта ўрганган. Рус тилини яхши билгани учун Кўкон шаҳридаги рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Туркий халқларнинг сиёсий йўлбошчиларидан бири, кадрдон дўсти Закий Валидий Тўғон орқали «Садои Туркистон»нинг русча нашри «Голос Туркистана» газетаси муҳаррири Вадим Чайкин ва бошқа рус зиёлилари билан яқин мулоқатда бўлган¹¹⁷. Буларнинг ҳаммаси Ашурали Зоҳирий ҳаётига, дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга рус тилини чуқур эгаллашига замин тайёрлади. А.Зоҳирийнинг ўз кўли билан рус тилида ёзган таржимаи ҳоли, турли ариза ва қоғозлари унинг рус тилини жуда яхши билганлигига далил бўла олади¹¹⁸. 1925 йили академик В.В. Бартольднинг машҳур илмий монографияси «Туркистонни суғориш тарихи» асарини ўзбек тилига таржима қилгани ҳам А.Зоҳирийнинг бу даврда рус тили соҳасида юқори билим ва малакага эга эканлигини кўрсатади¹¹⁹. Шу сабабли русча-ўзбекча лугат тузиш иши Маориф комиссарлигидаги масъул ходимлар томонидан унга ишониб топширилди.

Олимнинг туркий тиллар, айниқса, татар тилини яхши билиши лугат ишини тезлатиш имконини берди. А.Зоҳирий астойдил ҳаракат қилиб, қисқа муддат ичида лугатнинг биринчи жилдини тайёрлашга муваффақ бўлди. «Русча-ўзбекча

¹¹⁵ Ғ.Ғулом номидаги Фарғона вилояти адабиёт музейи, А.Зоҳирийга доир 58-ракамли жилд.

¹¹⁶ Фарғона газ. -1923. -4 сентябрь.

¹¹⁷ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. -Т.: Адолат, 1997. -Б.41.

¹¹⁸ Ғ.Ғулом номидаги Фарғона вилояти адабиёт музейи, А.Зоҳирийга доир 58-ракамли жилд.

¹¹⁹ Бартольд В.В. Туркистонни суғориш тарихи. -1925. -271 б.

«Мукаммал луғат»нинг (бундан кейинги ўринларда РЎМЛ шавлида ишлатилади) биринчи жилди А-О ҳарфларини ўз ичига олиб, 352 бетни ташкил этади. Луғат китоби 1927 йилнинг сунгги чорагида Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан Самарканд-Тошкент нашр манзили остида босилиб чиқди.

Луғатнинг чиқишини ҳамма хурсандлик билан кутиб олди. Нақли матбуотда бу ҳақда яхши хабарлар босилди. Хусусан, «Маориф ва ўқитғучи»нинг 1927 йил 7-8 сонида Мутолаачи тақаллусли муаллифнинг ушбу луғат халқимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлганлигини қайд этувчи кўйидаги хабари эълон қилинган:

«Русча - ўзбекча мукаммал луғат

Бу луғат 352 катта саҳифага эга бўлуб, Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан босдирилгон. Ҳозирда луғатнинг фақат О ҳарфигача бўлгон қисми босилгон ва бу қисмнинг баҳоси 2 сўм 40 тийиндур.

Луғат С.Раҳмонқули ва А. Карамларнинг машҳур «Рус-татор луғати» деган луғатларининг ўзбек шеvasига ўзгартилгани бўлуб, атоқли тил билармонларимиздан Ашурали Зоҳирий домуллонинг луғатга муносиб сўзлар ва чиройли таъбирлар топиб кўйиш йўлида қилгон ижтиҳоди ҳақиқатан жуда каттадир. Бу луғат рус адабиётидан фойдаланмоқчи бўлгон ўртоқлар учун жуда зарурдир. Шунинг учун луғатдан фойдаланишни ёки ўқиғучиларимизга, айниқса, муаллимларимизга тавсия қиламиз. Китобнинг иккинчи қисми тездан чиқади».

Луғат тўла нашр этилгач, бундай хабарлар бошқа газеталарда ҳам босилди. Жумладан, «Шундай бир замонда тилга бой бўлгон русча-ўзбекча луғат китобининг майдонга чиқиши чўллаган дарахтларга сув бергандай бўлди», дея баҳо беради Ҳазратий исмли киши Москвадан туриб¹²⁰. Муаллиф бу кичик мақоласида луғатнинг ютуқлари билан бирга унинг камчиликлари тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирган. Хусусан, русча сўзларнинг урғуси ва жинс (род) кўрсаткичлари кўйилмаганлигини қайд этади.

¹²⁰ Ҳазратий. Русча-ўзбекча мукаммал луғат// Қизил Ўзбекистон газ. -1927. -14 ноябрь.

Хатто машҳур З.Валидий хорижда экан, ўзининг «Бугунги турк эли. Туркистон ва яқин тарихи» китобида ушбу воқеани юқори баҳолаган эди. Унда олим «Русча-ўзбекча мукаммал луғат» ўзбеклар илмий фаолиятининг сўнги икки йил давомидаги энг муҳим ишларидан бири бўлганлигини қайд этган¹²¹.

Ҳақиқатан, Ашурали Зоҳирийнинг бу хизмати ўтган асрнинг 20-йиллар маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ёшлар, илм-маърифат кишилари, зиёлилар луғат воситасида дунё, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиб, ўз билимларини ошира бордилар. У олий ўқув юрти талабаларининг зарур ўқув қўлланмасига айланди. Луғат воситасида талабалар нафақат илм-фаннинг мураккаб сирларини ўрганишни, айтиш чоғда, рус адабиёти дурдоналари, рус тилининг битмас-туганмас бойлигидан баҳраманд бўла бошладилар. Ушбу луғатни ислоҳ қилинган алифбода нашр этилиши китобдан фойдаланувчиларга кўп қулайлик яратди.

Олим ушбу луғат зўр ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келганлигини китоб сўз бошисида шундай ифодалайди: «Шўролар Иттифоқида яшагучи – ўрисдан бошқа ҳар бир қавмнинг она тили устига ўрисча билмаги зарурларнинг зарури. Бу ҳаммамизга маълум. Буни бизга ҳаётнинг ўзи ҳамма вақт айтиб турибдур».

А.Зоҳирий китоб титулида (сарварағида) ушбу луғат Султон Раҳмонкули ва Абдураҳмон Карамлар томонидан тузилганлигини, сўзлик А.Кулиев ва А. Мамлеев тарафидан тўлдирилганлигини қайд этган. Ўзининг хизматини эса камтарлик билан куйидаги жумлада кўрсатади: «Тузатиб, тўлатиб босилгон иккинчи нашрдан ўзбакчалашдиргучи Ашурали Зоҳирий».

Аслида луғатни нашрга тайёрлаш осонлик билан кечмади. Олим кўп қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, рус халқигагина хос, бошқа халқларда учрамайдиган сўз ва иборалар маънолари ундан кўп изланишларни талаб қилди.

¹²¹ Zeki Velidi Togan. Bugünkü Türkili (Türkistan ve yakın tarihi). Istanbul: Enderun kitabevi, 1929. -575 б.

Чунончи, зольник - кул суви, мазанка - шувалган иморат, гардика - дераза пардаси, гарус - жундан ишланган ит, вызивельница - таъбир этгучи хотин-қиз, кузька - экин сувараги, чуйка - мовутдан тикилган рус камзули ва бошқалар шулар жумласидандир.

Луғатни нашрга тайёрлаш жараёнида у рус зиёлилари, ўқитувчилари билан доимо мулоқотда бўлди, билмаган, тушунмаганларини сўраб-суриштирди, улардан маслаҳатлар олди. Айниқса, рус ибораларининг маъносини тўғри изоҳлашда рус олимлари, оддий кишилар унга катта ёрдам бердилар.

РЎМЛнинг титул варағидаги маълумотлар А.Зоҳирий ушбу луғатни нашрга тайёрлаш жараёнида русча сўзликка қуйидаги ўзгартириш киритганлигини кўрсатади:

1. Олим русча сўзларни рус адабий тилининг янги алифбо ва имлосида берган, яъни РТМЛдаги «і» ўрнида «и», «ъ» ўрнида «е» ҳарфини ишлатади, «ъ» белгисини эса луғатдан бутунлай тушириб қолдиради. Шуларга мувофиқ русча сўзларнинг алифбо тартибига ўзгартириш киритади.

2. Истеъмолдан чиққан, эскирган бир қанча русча сўзларни РЎМЛдан тушириб қолдиради.

3. РЎМЛда русча сўзларнинг урғуси деярли қўйилмаган, юмшатиш белгиси билан тугаган сўзларнинг жинс кўрсаткичи кўрсатилмаган.

РТМЛ ва РЎМЛдаги луғат мақолаларни қиёслаш шуни кўрсатадики, А.Зоҳирий луғатни нашрга тайёрлаш жараёнида қуйидаги ишларни амалга оширган:

1. РТМЛдаги сўз ва бирикмаларни асосан сўзма-сўз таржима қилган.

2. Луғат мақолаларига жиддий ўзгартиришлар киритган. Улар қуйидагилардан иборат:

а) луғат мақолалардаги ўзбек ўқувчиси учун зарур бўлмаган айрим сўз ва бирикмаларни тушириб қолдирган;

б) луғат мақолаларига янги сўзлар қўшиб, сўз маъносини яхшироқ очиб беришган ҳаракат қилган;

в) луғат мақола таркибидаги нотаниш сўзлар ўрнида тушунарли сўзлар ишлатган;

г) РТМЛда хато ўгирилган сўз ва бирикмаларини тузатиб таржима қилган.

3. Иборалар таржимаси асосан ўзбекча ифода этилган.

4. А.Зоҳирий биринчи марта луғатга халқ жонли сўзлашув тилидан жуда кўп сўз ва бирикмаларни олиб кирган. Бу луғатнинг аҳамиятини янада оширган, уни халққа яқинлаштирган.

5. Луғатда айрим камчиликлар учрайди:

а) баъзи сўз ва иборалар нотўғри таржима қилинган;

б) айрим сўз маънолари ажратиб кўрсатилмаган.

Куйида булар ҳақида батафсил фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

3.2. Сўзма-сўз ўгирилган сўз ва бирикмалар

А.Зоҳирий халқимизни тезроқ маърифатдан баҳраманд қилиш мақсадида луғатдаги жуда кўп татарча сўз ва ибораларни ўзбекчага сўзма-сўз ағдаради. Тўғри, татар ва ўзбек тилларининг бир умумий туркий тил оиласига кириши, бир-бирига яқин эканлиги унинг ишини енгиллаштирган. Бу иш юзаки қараганда, мураккаб эмасдек кўринади, аммо у луғатшуноздан кенг қамровли билим ва илмий-ижодий ёндашувни талаб қилади. Акс ҳолда ноаниқлик, хато рўй бериши мумкин. Луғатшунос РЎМЛда татар таржимонлари каби сўзма-сўз таржима усулидан кенг фойдаланган. Кўпгина русча сўзлар таржимаси русча-татарча луғатдаги билан бир хил. Чунончи, РТМЛда *безсовестный* сўзи *виждонсиз*, *уятсиз*, *инсофсиз* деб берилган бўлса, олим ҳам уни ўзбек тилига айнан ўгирганган: *безсовестный*– *виждонсиз*, *уятсиз*, *инсофсиз*.

РТМЛда *бедуинъ* сўзи *бадавий*, *араб* деб таржима қилинган. Ашурали Зоҳирий бу сўз ўзбекларга тушунарли бўлгани учун таржимани шу ҳолда қолдирган: *бедуин* – *бадавий*, *араб*.

С.Раҳмонқулов ва А.Карам *богатырь* сўзини татар тилига *баҳодир*, *ботур*, *пахлавон* тарзида ўгирганлар. Ашурали Зоҳирий ҳам айнан бу сўзлардан фойдаланган: *богатыр* – *баҳодир*, *ботур*, *пахлавон*.

РТМЛда картина сўзи қандай таржима қилинган бўлса, РЎМЛда ҳам бу сўз шундай ўгирилган: *сурат, расм, лавҳа, манзара, кўриниш*.

Бундай мисоларни ҳамма ҳарфлар бўйича кўрсатиш мумкин. Баъзи ҳарфлардан намуналар келтирамиз:

Русча сўз	РТМЛда	РЎМЛда
	«З» ҳарфи бўйича:	
Ложиточный	<i>ёҳиш турмушли, бой</i>	<i>яхиш турмушли, бой</i>
законопроект(ъ)	<i>қонун лойиҳаси, қонун</i>	<i>қонун лойиҳаси, қонун</i>
заяц	<i>қуён, товушқон</i>	<i>қуён, товушқон</i>
	«Г» ҳарфи бўйича:	
гончая собака	<i>ов ити, този</i>	<i>ов ити, този</i>
городок(ъ)	<i>балда, кичкина шаҳар</i>	<i>балда, кичкина шаҳар</i>
	«И» ҳарфи бўйича:	
интрига	<i>ҳийла, фитна, дасиса</i>	<i>ҳийла, фитна, дасиса</i>
Искра	<i>учқун, шарора</i>	<i>учқун, шарора</i>
	«Р» ҳарфи бўйича:	
Разница	<i>айирма, тафовут,</i>	<i>айирма, тафовут,</i>
	<i>фарқ</i>	<i>фарқ</i>
разумеется	<i>албатта, шубҳасиз</i>	<i>албатта, шубҳасиз</i>

Русча *городок* сўзи ҳар икки луғатда *балда* тарзида ҳам ўгирилган. Бу ўринда техник хато кетган кўринади. Бу сўз *туман (район), муниципалитет* маъноларидаги арабча *баладия* бўлиши керак.

Фанга оид атамалар ҳам ҳар икки луғатда асосан бир хил берилган. Масалан, РТМЛда *геометрия* сўзи *илми ҳандаса* деб таржима қилинган бўлса, у ўзбекча луғатда ҳам худди шундай берилган: *геометрия – илми ҳандаса*. *География* сўзи ҳар иккала луғатда, имлодаги фарқларни ҳисобга олмаганда, *жузрофия, илми расмул арз* деб, алгебра эса *илми жабр* деб таржима қилинган. Анатомияга оид *в е н а* сўзи ҳам ҳар иккала луғатда *қора қон томири* деб берилган.

Кўпгина илмий адабиётларда XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида татар тили ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтгани, бу даврда миллий адабий тил

шакланганлиги кўрсатилди¹²². Шундай бўлса-да, бу даврда татар тилшунослиги тараққиётига улкан ҳисса қўшган, татар миллий адабий тили асосчиларидан саналган Қаюм Носирийнинг «Энмузаж» (Татар тили грамматикаси, 1895), «Нэху китабы» (Нахв китоби, 1860), «Нэмуңэ яки энмузеж» (араб тили услубидаги русча-татарча грамматика намунаси, 1891) ва бошқа лингвистик асарларида асосан мумтоз арабча грамматик терминлар қўлланган¹²³.

Қаюм Носирийнинг лингвистик терминология соҳасидаги анъаналари ундан кейин етишиб чиққан татар тилшунослари асарларида, шу жумладан, Султон Раҳмонқули ва Абдурахмон Карам ишларида ҳам акс этган. А.Зоҳирий луғат тузиш жараёнида улар ишлатган тилшунослик терминларидан унумли фойдаланган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, тилшунослик терминлари ҳам кўп ҳолларда ҳар иккала луғатда бир хил берилган: *грамматика* – *илми сарф ва наҳф*, *лексикология* – *сўзлар тўғрисидаги фан*, *причастие* – *исми фовл ва мафъул*, *имя прилагательное* – *исми сифат*, *местоименце* – *исми замир (сарф истилоҳи)*, *глагол* – *сарф истилоҳида феъл*, *подлежащее* – *мубтадо*, *фовл (наҳв истилоҳи)* ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, А.Зоҳирий тилшуносликка оид анъанавий арабча терминларни қўллаш билан бирга, айрим ўринларда улар ёнида ўтган асрнинг 20-йилларда ўзбек тилшунослигидан ўрин олаётган ўзбекча тилшунослик атамаларни ҳам ишлатади. Чунончи: *винительный падеж* таржимасида *мафъулун бихъ эъроби* билан чекланиб қолмасдан, унинг ёнига ўзбекча *тушум тамомлиги (масалан: «ўтинни ёрдим» дегандаги «ни» тамомлиги)* бирикмасини қўшади. *Дательный падеж* таржимаси учун татар луғатчилари келтирган *мафъулун илайхъ эъроби* сўзидан тацқари соф ўзбекча *жўналиш тамомлиги* бирикмасини ишлатади. РТМЛда *слог* – *ҳижо*, *сўзнинг бўлими* деб берилган бўлса, РЎМЛда олим булар

¹²² В.Х.Хаков. Традиции К.Насыри в татарском языкознании/ Выдающийся просветитель-демократ Каюм Насыри. -Казань: ИЯЛИ им. Г.Ибрагимова КФАН, 1976. -Б.128.

¹²³ Ф.С.Фасеев. Насыри и татарская терминология/ Выдающийся просветитель-демократ Каюм Насыри -Казань: ИЯЛИ им. Г.Ибрагимова КФАН, 1976. -Б.105-113.

ёнига ўзбекча бўғум атамасини қўшган: *слог – ҳижо, сўзнинг бўғуми, бўлими*.

Кўриниб турибдики, лугатшунос олим лингвистик атамалар таржимасига ижодий ёндашган. Бу терминлар 20 йиллар ўзбек тилига оид асарларда кўп учрайди. Ш.Бобомуродова «Элбекнинг тилшунослик мероси» мавзусидаги номзодлик диссертациясида бу ҳолни алоҳида таъкидлаган¹²⁴.

Умуман, ўзбек тилшунослиги атамаларининг шаклланиши алоҳида мавзу бўлгани сабабли махсус ўрганишни талаб қилади.

Айтиш керакки, татарча лугатда ҳам, ўзбекча лугатда ҳам рус тилидан сўзма-сўз таржима ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермаган. Чунончи, *Тьлогрѣйка* сўзи РТМЛда – *тан исилитатургон кийим* деб қисмма-қисм ўгирилган. А.Зоҳирий ҳам бу сўзни айнан шу услубда ўгиради: *Телогрѣйка – тан иситадургон кийим*. Бу ўринда ҳар икки таржимада ҳам русча сўзнинг маъноси

мавҳум бўлиб қолган. Худди шу фикрни РТМЛдаги *остроконечный* сўзи таржимасида ҳам айтиш мумкин. Ушбу русча сўз татар тилига *учли бошли* деб ағдарилган бўлса, РЎМЛда *боши учлик* тарзида бирмунча тузук ўгирилган. Уни *ўткир учли* деб таржима қилинганда эди, ўзбекча ифодаси янада тўғрироқ бўлар эди.

Русча-татарча лугатда *подрѣзь* сўзи – *чана тобонининг темири* деб берилган. Ашурали Зоҳирий ҳам бу сўзни худди шундай: *подрез – чана тобонининг темири* тарзида берадики, уни ўзбек ўқувчиси тушунмайди.

Русча *капюшонъ* сўзи С. Раҳмонкулов, А. Карамлар лугатида– *ёқога биркитилган бошлиқ* деб берилган. А.Зоҳирий уни бирмунча яхшироқ ағдарган: *ёқога қўшиб тикилган бошлиқ*. Русча шаклдаги *башлык* сўзи эса ҳар иккала лугатда *бошлиқ*, *қулоқчин* тарзида таржима қилинган. Владимир Даль эса *башлык* сўзини туркий сўз эканини кўрсатиб, уни *башлык*, *капюшон*

¹²⁴ Бобомуродова Ш. Элбекнинг тилшунослик мероси. Фил. фан. номзоди ... диссертация. -Г.: 2002.

Ҳар ҳолда луғат мақола ихчамлашиб, сўз маъноси аниқроқ ифода қилинган.

Большевикъ сўзи РТМЛда – *Ленин программаси тарафдори, сотсиал демократ* шаклида берилади. А.Зоҳирий *сотсиал демократ* бирикмасини тушириб қолдиради ва шуни етарли топади: *большевик – Ленин пруграммаси тарафдори*. Унинг бундай йўл татишига сабаб омма учун соддароқ таржимани танлаган. Ваҳоланки, А.Зоҳирий ўз вақтида большевизм, социал демократия ҳақида катта салбий мақола ёзгани маълум¹³⁰.

РТМЛда *крестъ* сўзи – *тари, хоч, солиб* деб берилган. А. Зоҳирий *тари* сўзи ўзбек тилида йўқлиги ёки у ўзбеклар учун ёт эканлиги туфайли уни тушириб қолдирган: *крест – бут, солиб*. *Полусопожски* сўзи РТМЛда – *қисқа қўнжли этик, четик-этик* деб таржима қилинган. РЎМЛда бу сўз *қисқа қўнжли этик* деб берилган. *Четик-этик* бирикмаси ўзбек ўқувчиси учун нотаниш бўлгани сабабли, луғатчи уни тушириб қолдирадиги, биз буни маъкуллаймиз. РТМЛда *таможня* сўзи – *гумрук, тамужна* тарзида ўгирилган. Луғатшунос бу ерда *тамужна* сўздан воз кечиб, фақат *гумрук* сўзини қолдиради. Бу ерда *божхона* маъносидаги *гумрук* сўзи ўтган асрнинг 50-йилларида тилимизда исътемолда бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу сўзни А.Қаҳҳор А.С.Пушкин асарлари таржимасида ишлатган: «...гумрук идорасининг директори экани эсимда бор»¹³¹. РЎЛда *таможня* таржимаси *божхона, таможня* сўзлари билан бирга *гумрукхона* деб берилган. Ҳозирда бу сўз архаиклашган.

Подать сўзи татарча луғатда – *солим, тўлав, жузья, налуг, имона* сўзлари билан таржима қилинган. А.Зоҳирий татарча таржимадаги ортиқча сўзлардан воз кечиб, уни ўзбек тилига жуда ихчам ва аниқ ўгирган: *подать – солиқ, ўлпон*. Шуниси эътиборга лойиқки, *подать* сўзи РЎЛда ҳам *ўлпон, солиқ* деб берилган. Бундай ўринларда РЎЛ тузувчилари А.Зоҳирий луғатидан фойдаланганлар, деган фикрдамиз.

¹³⁰ Зоҳирий А. Миллий ишлар комиссари Тошхўжа афандининг фикха жамиятига берган саволи муносабати билан// Улуғ Туркистон. -1918. -29 июнь.

¹³¹ Пушкин А.С. Танланган асарлар, 4 томлик. Т.: Ўздавнашр, 1955. -Б.287.

б) луғат мақолаларга янги сўзлар қўшиш

А.Зоҳирий ўзбек тили билимдони сифатида айрим луғат мақолаларда сўз маънолари ноаниқроқ бўлганлиги учун ўзбек тилидан янги сўзлар қўшади. Бу ўгирилаётган сўз маъносини аниқроқ тушунишга ёрдам беради.

РТМЛда *волкъ* шундай таржима қилинган: *бўри, қурд*. А. Зоҳирий бу сўз таржимасига қўшимча равишда қипчоқ шеvasидан *қачқир* сўзини киритади. Бу эса маънонинг аниқроқ чиқишига ёрдам берган: *волк – бўри, қачқир, қурд*.

Ладно сўзи РТМЛ – *ёрий, ёрор, ёхши* деб таржима қилинган. РЎМЛда эса таржимон бу сўзларни саралаб, улар қаторига мос ўзбекча ифодаларни киритадики, натижада луғат мақола мазмун жиҳатдан янада бойийди: *ладно – хўб, ярар, яхши, тузук*.

Извъстно сўзи татарча луғатда – *белгули, албатта* тарзида берилган. Ўзбек луғатшуноси бу сўзлар ёнига янги маълум сўзини қўшиб уни тўлдиради: *известно – белгили, маълум, албатта*. Натижада русча сўзнинг маъноси янада ойдинлашган. А.Зоҳирийнинг ҳамма учун тушунарли маълум сўзини киритгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлган. Ушбу сўз луғатларимизда бугун фаол ишлатилади.

С.Раҳмонкулов ва А.Карам *волдырь* сўзини – *қабарчиқ, шиш* деб таржима қиладилар. А.Зоҳирий бу луғат мақолани тўлдириб, маънони аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилади: *волдырь – қабариб-кўтарилиб чиққан, шиш*.

РТМЛда *тѣм болѣе* бирикмаси *хусусан, бекракда* тарзида таржима қилинган бўлса, А.Зоҳирий уни аниқроқ ифодалаган: *тем более – хусусан, айниқса*. РЎЛ тузувчилари, шубҳасиз, А.Зоҳирий таржимасидан фойдаланганлар, Унинг ёнига янги бирикмалар ҳам қўшганлар: *тем более – хусусан, айниқса, тагин ҳам, унинг устига*.

Каблукъ сўзи РТМЛда – *ўкча, этик ўкчаси* деб берилган. А.Зоҳирий бу сўз ўзбек ўқувчиси учун архаиклашаётгани учун унинг ёнига *пошина* сўзини қўшади. Янги қўшилган сўз ўқувчига унинг маъносини аниқ тушунишга ёрдам берган.

Копье сўзи татар луғатчилари томонидан – *сунги* деб берилган. Асли бу қадимги туркий сўз Урхун-Энасой ёдгорликларида, шунингдек, «Девону луғатит турк»да ҳам уруш куроли маъносида учрайди¹³². А.Зоҳирий бу сўз таржимаси ёнига ўша давр адабий тилида исьтемомда бўлган *найза* сўзини қўшиб, луғат мақолани аниқ чиқишига эришган: *копье – сунги, найза*.

РТМЛда *подарокъ* сўзи – *ҳадя*, *бўлак* тарзида ўгирилган бўлса, ўзбек луғатчиси *бўлак* сўзини тушириб, *ҳадя* сўзи ёнига *инъом* ва *совга* сўзларини қўшадики, бу луғат мақоланинг мукамал бўлишига ёрдам берган: *подарок – ҳадя, инъом, совга*.

Вестибюль сўзи С.Раҳмонқулов ва А.Карам томонидан *оқ уй олди, породний эшик бўлмаси* деб таржима қилинган. А.Зоҳирий ушбу сўз маъносини ўзбек ўқувчиларига аниқ етказиш мақсадида уни қуйидагича таржима қилади: *вестибюль – оқ уй олди, кўча эшиги, гулом гардиши*.

Зоҳирий таржимасидаги *гуломгардиши* сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритилмаган. Асли тожикча бўлган *гуломгардиши* сўзи «Тожик тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган. Бундаги изоҳни ўзбек тилига шундай таржима қилиш мумкин:

ГУЛОМГАРДИШ – *хизматкор ва номаҳрам кишилар жойлашган ички ва ташқи ҳовлининг девор ёки ўрта йўлаги, у ердан улар ичкарига киришга ҳақлари бўлмаган*¹³³.

Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида айни шу маънода қўлланган бу сўз ўтган асрнинг 20-30 йилларида ҳам ўзбек жонли сўзлашув тилида қўлланган. Ўз асарларида умумхалқ ўзбек тили лексикаси ва жонли сўзлашув тилига хос сўзлардан маҳорат билан фойдалана олган санъаткор ёзувчи Гафур Гуломнинг «Менинг ўғригина болам» хикоясида бу сўз учрайди: «Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи, милтиқ ушлаган городской туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборади».

¹³² Культура и письменности Востока. Кн.1.-М.: 1928. -Б. 99; Маҳмуд Кошғарий. Девони луғати турк. Уч жилдли/ Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов. -Т.: Фан, 1960. I ж. -Б.379.

¹³³ Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ (ибораат аз 2 ҷилд). Ҷилди 2. Душанбе, 2008.

Соддароқ айтганда, *гуломгардиши* – ҳовли дарвозаси ёнида кўзлар, хизматкорлар яшайдиган кулба; ҳикояда «йўлак» маъносидан ишлатилган.

Кўринадики, Зоҳирий ҳам бу даврда яратилган таржима асосида русча сўзларни ўгиришда халқ тили бойликларидан умумий фойдаланган.

Гонорар сўзи татарчага – *зиёли одамнинг хидмат ҳақи* тарзида ўгирилган. Ўзбекчада у янги бирикма – *қалам учи* билан боинган: *гонорар - зиёли кишиларнинг хизмат ҳақи, қалам учи*. А.Зоҳирий бу луғат мақоласига *қалам учи* бирикмасини киритиш билан умумий тушунчадаги *зиёли кишининг хизмат фаолиятини* ойдинлаштирган. Муаллифларга тегишли *қалам* тоқи луғатда *қалам учи* деб қўлланган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, А.Зоҳирий луғатни ўзбек ўқувчиси учун имкон борича содда ва тушунарли, оммабоп бўлишига ҳаракат қилган. Шунча йил ўтиб луғатшуноснинг бу ишларини таҳлил қилар эканмиз, у тўғри йўлдан борганлигининг гувоҳи бўламиз.

в) нотаниш сўзлар ўрнига тушунарли сўзлар қўйиш

Маълумки, татар ва ўзбек тили бир тил оиласига кирса-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. А.Зоҳирий луғат устида ишлаш жараёнида татарлар учун хос бўлиб, бошқа туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида учрамайдиган сўзлар ўрнига ўзбек ўқувчилари учун таниш ва тушунарли бўлган сўзларни қўяди. Чунончи: *аукционъ* сўзи РТМЛда – *тўрк, олучиларни ёрашдируб, ким кўбрак бера, шуга соту, музоида*) деб берилган. А.Зоҳирий бир қадар чўзилиб кетган бу изоҳни ўзбек ўқувчиси учун тушунарли қилиб таржима қилган: *аукцион – халқ олдида «ким ошди» деб бир нарсани сотиш*. Аукцион сўзининг ўзбекча ифодаси кейинги йилларда нашр қилинган луғатларда ҳам «*ким ошди*» *савдоси* бирикмаси билан берилмоқдаки, бунда А.Зоҳирийнинг хизматини кўриш мумкин: *аукцион – очиқ савдо, «ким ошди» савдоси*¹³⁴.

РТМЛда *безрогий* татар тилига *муғузсиз, муалак* деб таржима қилинган. Олим *мукалак* сўзи ўзбек ўқувчиси учун

¹³⁴ Усмон О., Дониёр Р. Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати. -Т.: Фан, 1965. -Б.71.

нотаниш бўлгани сабабли унинг ўрнига *шоҳсиз* сўзини қўллайди: *безрогий* – *шоҳсиз*, *муғузсиз*.

Бородачъ сўзини С.Раҳмонқули ва А.Карам – зўр соқолли киши деб таржима қиладилар. А.Зоҳирий зўр сўзи ўзбек тилида кучли, *бақувват*, *қудратли* маъноларини англагани учун унинг ўрнига *қўб* сўзини қўллайдики, бу ўзини оқлайди: *бородачъ* – *қўб соқолли киши*. *Бокаль* сўзи таржимасида ҳам худди шундай ҳолни кўришимиз мумкин. РТМЛда бу сўз – *зўр румка* деб берилган бўлса, РЎМЛда *катта қадаҳ* деб жуда тўғри ўгирилган.

РТМЛда *борона* сўзи татар тилига – *тирма субирги* (*экин қуроли*) деб таржима қилинган. Бу сўз ўзбекларга нотаниш бўлганлиги сабабли А.Зоҳирий уни *сихмола* ва жонли тилга хос *тирмалагич* деб таржима қилади. *Сихмола* сўзининг кейинги ўзбек луғатларидан жой олиши олим меҳнат билан боғлиқ.

«Г» ҳарфи бўйича тузилган луғат мақолаларда ҳам олимнинг ўз ишига ижодий ёндошганлигини кўрамиз. Масалан, *гвоздь* сўзи Қозонда босилган луғатда – *қадоқ*, *чуй* деб берилган. А.Зоҳирий ўзбек тилида *қадоқ* сўзи бошқа маънони англагани ва *чуй* сўзи йўқлигини ҳисобга олиб, уни қуйидагича ихчам ва аниқ таржима қилган: *гвоздь* – *мих*. *Гончаръ* сўзи РТМЛда – *чулмакчи*, *чулмак ясовчи* деб берилган. А.Зоҳирий ҳар иккала татарча сўз ўрнига жонли тилдан *куллол* сўзини қўядики, таржима ўрнига тушган: *гончар* – *куллол*.

Граната сўзи РТМЛда – *тўб ядроси*, *хамбра* деб таржима қилинган. А.Зоҳирий ўзбек тилида *хамбра* сўзи йўқлиги учун уни қуйидагича таржима қилган: *граната* – *тўп ўқи*.

Пепельница сўзининг ўзбекча таржимаси ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. РТМЛда бу сўз *кул совати* деб берилган бўлса, олим уни тилимизга мос равишда *кулдон* деб ажойиб таржима қилган: *пепельница* – *кулдон*.

Татар луғатшунослари *бой-баба* бирикмасини – *ўткин ва бўлдиқли хотун* деб таржима қилганлар. А.Зоҳирий бу сўзлар ўзбеклар учун нотаниш бўлганлиги сабабли уларни *ўткир* ва *дадил* сўзлари билан алмаштирган. Бу билан луғатнинг илмий-

оммабоп бўлишини таъминлаган: *бой-баба - ўтқир ва дадил хотин.*

С.Раҳмонқулов ва А.Карам *ғнида* сўзини – *бит сиркаси, бит йумуртаси* деб изоҳлайдилар. *Йумирта* сўзи ўзбек тилида бошқа маънони англатгани учун А.Зоҳирий русча сўзни ўзбекона *бит сиркаси, бит уруғи* деб жуда тўғри таржима қилган. Бу ҳолни *желток* сўзи таржимасида ҳам кўриш мумкин. РТМЛда *желтокъ – йумурқа сориси* деб, А.Зоҳирийда эса *тухум сариги* тарзида яхши берилган.

Есауль сўзи РТМЛда *қозоқларнинг юзбошчиси, отомон* деб берилган. А.Зоҳирий бу луғат мақолани қисқартириб, соддалаштиради: *есаул - отли аскарнинг юзбошчиси.*

Дремать сўзи татар тилига *юқумсиров, журум-жирим* *эту* деб таржима қилинган. Бу сўзлар ўзбеклар учун нотаниш бўлгани сабабли А.Зоҳирий уни *мудрамоқ* деб аниқроқ таржима қилади. Бу сўз ҳозирги луғатларда ҳам шундай берилмоқдаки, бунда А.Зоҳирийнинг меҳнати бор деб биламиз.

Егерь сўзи РТМЛда – *овчи, сунарчи* деб берилган. Ўзбек тилида *сунарчи* сўзи бўлмагани учун уни *мерган* деб таржима қилади: *егерь - овчи, мерган.* Бу билан луғатшунос сўз маъносига ойдинлик киритган.

Татар таржимонлари луғатда *картофельная мука* бирикмасини деб беришган. *Баранги* сўзи ўзбеклар учун нотаниш бўлганлиги сабабли А.Зоҳирий уни ҳаммага маълум *картошка* сўзи билан алмаштиради: *картофельная мука - картошка уни.* Натижада бирикма маъноси аниқ чиққан.

А.Зоҳирий ўз вақтида Мажий исмли кишининг русийзабон ўқувчиларга (европаликларга) мўлжалланган «Самоучитель узбекского языка» номли қўлланмасини матбуотда асосли равишда жуда қаттиқ танқид қилган эди. Қўлланмадаги ўзбек тилининг алифбо ва имло, пунктуация, луғат масалаларига доир хатоларни бандма-банд кўрсатиб бергач, «Бу китоб илмий, фанний, таълим-тарбиявий ва мафкуравий жиҳатларнинг ҳар бири нуқтаи назаридан асло ярамайдур. Бунини босма сўз майдонидан тамом чиқариб ташлаш керак», деган хулоса чиқарган. У ушбу китобнинг луғат қисмида ҳам кўп хатолар

борлигини таъкидлайди, айрим мисоллар келтиради: «*Мош - горох* дейилган, *Ҳолбуки, мош - чечевица* дур. *Горох - мош* эмас, *нохут* дур»¹³⁵.

РТМЛда мана шу *горох* ва *чечевица* сўзлари татарчага хос – *ёсмоқ* деб таржима қилинган. РЎМЛда эса А.Зоҳирий уларни мақоласида кўрсатганидек, *мош* ва *нохут* (*нўхот - Т.Т.*) деб тўғри таржима қилади.

Решётка сўзи РТМЛда татар тилига хос сўзлар билан берилган. Улар ўзбек ўқувчиларига тушунарсиз бўлгани сабабли А. Зоҳирий уни *панжара* деб ўринлатиб таржима қилади.

Хромой сўзи С. Раҳмонкулов ва А. Карамлар тарафидан – *оқсоқ, тупол* деб таржима қилинган. А.Зоҳирий *тупол* сўзи ўзбек луғатларида бўлмагани учун унинг ўрнига *чўлоқ* сўзини қўяди: *хромой - оқсоқ, чўлоқ*. Бу ўзбек ўқувчиси учун сўз маъносини аниқ тушунишга ёрдам беради.

Веревка сўзи татарча луғатда *бов* деб берилган. Ўзбек луғатчиси уни ўзбек тилига қойил қилиб таржима қилган: *веревка - арқон, аргамчи*.

РТМЛда *акушерка* сўзи – *аби, юкли хотунларга ёрдам этучи табиба* тарзида ўгирилган бўлса, А.Зоҳирий уни ўзбекчага жуда оммабоп қилиб таржима қилган: *доя, момо хотин*. РЎЛда ҳам бу сўз *акушерка* ва *доя* шаклида ўгирилганки, бу РЎМЛнинг ижобий жиҳатларини яна бир бор кўрсатади. Луғатда бундай мисоллар жуда кўп. Улар луғатнинг илмий қийматини оширган. Шу сабабли ушбу луғат ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Куйида олим томонидан маҳорат билан таржима қилинган айрим сўз ва бирикмаларни РТМЛ ҳамда давримизнинг сўнгги энг йирик русча-ўзбекча луғати РЎЛ билан қиёслаймиз. Луғат мақолаларни ўзаро солиштирар эканмиз, А.Зоҳирийнинг ҳақиқатан ҳам йирик лексикограф олим бўлганлигига амин бўламиз.

¹³⁵ А.Зоҳирий. Муаллим Мажийнинг «Самоучитель узбекского языка» деган китоби тўғрисида// Янги Фарғона газ. -1927. -1 январь.

Русча сузлар	РТМЛ	РЎМЛ	РЎЛ
груша	ормуд, ғрушо, дўли	нок, нашвати, олмуруд	1 нок, нашвати, олмуруд
зонтик	шамсия, зунтик, чотир	шамсия, соябон	зонтик, соябон
караул	қоравул, сокчи	соқчи, қоровул, посбон	қоровул, сокчи, посбон
клевер	болликой, тўкрон боши (ўсимлик)	беда, йўнғучка	беда, йўнғучка
колокол	қўнғиров, жанг	қўнғирок, жом	қўнғирок, жом
красавец	мотур эр	соҳибжамол, чиройли, барно йигит	-
кувшин	кукшин	мўнди, кўза	кўза...
кулик	созлик қуши, кулик	лойхўрак	билиқчи (қуш)
куртаж	Олу ва соту ишинда воситачилиқ қилучиға (моқлирға) тийишли оқча	ширин кома, олди-сотди ишида воситачилиқ қилғучиға (даллолға тегишли пул)	капиталистик мамлакатларда: ширинкома, даллоллик (воситачилиқ ҳақи)
люстра	қандил	қандил, чилчирок	люстра, қандил, чилчирок
маклер	савдо воситачиси	даллол, савдо воситачиси	даллол
муха	чибин	чибин, пашша	пашша; чивин (обл)
налог	нолуғ, имона, тулав	солик, тўлов, ўлпон	солик, ўлпон
негр (негры)	суданли, занжи, қавми араби	хабаш, занжи, қора баданли	негрлар, занжилар, хабашлар (тропик Африканинг асосий аҳолисини ташкил этувчи

			кора танли халқлар)
пекарня	экмак пиширатурғон юрт	нонвой хона	нонвойхона
пекарь	экмакчи, экмак пиширучи	нонвой	нонвой
пенал	калам тортмаси	каламдон	каламдон
плотник	болта устаси, дулгар	дурадгор	дурадгор
-премьер министр	Бош вазир, садри аъзам	Бош вазир, садри аъзам	бош министр
рутут	тирик кумуш, куна суви	симоб, тирик кумуш,	симоб
рубин	кизил ёкут	ёкут, лаъл	ёкут, лаъл

г) РТМЛда хато ўгирилган сўз ва бирикмаларни тўғрилаб таржима қилиш

А.Зохирий тил билимдони сифатида РЎМЛдаги айрим сўзлар таржимасига аниқлик киритади, татарча нотўғри ўгирилган сўзларни тўғрилаб таржима қилади. Натижада лугат мақолалар илмий жиҳатдан пухтароқ чиққан.

РТМЛда *жалюзи* сўзи – *ҳаво юрарлик ёсолгон чилторли тараза қобқаси* деб берилган. Олим таржимада бу сўз маъносига ойдинлик киритиб, уни содда, тушунарли қилиб таржима қилади: *жалюзи – панжарали дераза пардаси*.

Весна сўзи расча-татарча лугатда – *ёз, ёз фасли* деб ўгирилган. Ўзбек олими таржимадаги бу умумий ифодага аниқлик киритиб, уни ўзбекча фасл номи билан тўғри берган: *весна – баҳор, баҳор фасли, кўклам*.

Гейзер сўзи РТМЛда – *ердан отилуб чиқатургон қайнар сув қуйиси* дейилаган, РЎМЛда бу атама лугатшунос томонидан аниқ таржима қилинган: *гейзер - ердан отилуб чиқадуругон қайноқ сув булоғи*.

Завтрак сўзи татарча лугатда – *эртанги ош* деб берилган. Ўзбекчага у жуда тўғри таржима қилинган: *завтрак - нонушта*.

Двоюродный РТМЛда – *тувгондан тувгон* деб умумий ва маъно тарзда ўғирилган бўлса, РЎМЛда бу сўз аниқ ва жуда тўғри ўғирилган: *двоюродный - амак бачча, хола бачча*.

Дворянка сўзи РТМЛда – *мирзо хотуни ва қизи* деб ноаниқроқ таржима қилинган. Ўзбек лугатчиси уни аниқроқ таржима қилишга эришган: *дворянка - оқсуяк хотини ва қизи*.

А. Зоҳирий *мозоль* сўзини *қоворик, қадоқ* тарзида жуда тўғри ақдарган. Татар лугатчилари эса бу сўзни – *суял* тарзида нотўғри таржима қилишган. РЎЛда *мозоль* сўзи *қаварик, қадоқ* деб ағдарилгани А.Зоҳирий таржимасининг тўғрилигини кўрсатади.

Қадимги туркий тилда *ўрик, шафтоли, олхўри* биргина *ўрик* сўзини сифатлаш номлангани. Татар тилида бунинг таъсири сақланганидан бўлса керак РТМЛда *слива* сўзи *ўрик* деб ўғирилган. Ўзбекча лугатда, гарчи шевага хос бўлса-да, *гайнолу* тарзида тузатиб таржима қилинган. РЎЛда *слива* – *олхўри* деб, ЎРЛда эса *олхўри* ҳам, *гайноли* ҳам *слива* эканлиги тўғри кўрсатилган.

Татар лугатшунослари *телець* сўзини – *тана* деб берганлар, *тёлка, телица* сўзлари таржимаси учун ҳам *тана* сўзини ишлатганлар. А.Зоҳирий *тёлка, телица* сўзлари *ғўнажсин* маъносини беришини назарда тутиб, уни *бузов* деб умумий тарзда таржима қилган. РТМЛда *тельная корова* – *бузов сийир* шаклида нотўғри таржима қилинган бўлса, ўзбек лугатшуноси бу ўринда ҳам тўғри йўл тутган: *тельная корова - бузов туқгон сийир*.

Шуба сўзи татарча лугатда аниқ таржима қилинмаган: *тўн, мехдан ишланган кейим*. Таржимадан кўриниб турибдики, русча сўзнинг маъноси яхши очилмай қолган. А.Зоҳирий бунини ўзбекчага маҳорат билан ўгиради: *шуба – пўстин*.

Юқорида келтирилган мисоллар А.Зоҳирийнинг ҳар бир лугат мақола таржимасига жиддий ёндашганини кўрсатади. Бу эса лугатнинг илмий-амалий қийматини оширишга хизмат қилган.

3.4. Русча-ўзбекча мукаммал луғатдаги иборалар таржимаси

Маълумки, ҳар бир тилда фақат шу тилгагина хос бўлган иборалар учрайди. Улардаги маъжозий маънолар бошқа халқларга тушунарсиз бўлади. Чунки ибора маъноси унинг таркибидаги компонентлар йиғиндисига боғлиқ эмас. Шу сабабли уларнинг таржимаси таржимонларда кўп қийинчилик туғдиради. А.Зоҳирий луғатдаги русча ибораларни ўзбек тилига таржима қилар экан, уларнинг маъносини ўзбек ўқувчисига имкон борича тўғри етказишга ҳаракат қилади. Масалан, *ты и зашкнуться не смей об этом* иборасини у хусусда *огзингни очадургон бўлма!* деб тўғри таржима қилади. Сўнгра қавс ичида *лом-мим деб бир сўз айтма* деб қўшимча қиладики, бу ибора маъносини янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради.

Рус тилида *мир прах твоему* ибораси дунёдан ўтган кишини дафн этгач, мархумнинг руҳига нисбатан яхши ният билан дуо қилинганда айтилади. Бу фразеологик бирикма РЎМЛда *гўринг тинч бўлсин* шаклида ўгирилган.

Он ни на йоту не поумнел бирикмаси РТМЛда – *ул зарра қадар-да ақллиланмади* деб таржима қилинган. Бу ибора ўзбекча луғатда ҳам деярли ўзгаришсиз берилган: *у зарра қадар ҳам ақилланмади*. А.Зоҳирий бу таржимага кўнгли тўлмай, ёнига қўшимча равишда *тариқча ҳам ақл кирмади* бирикмасини келтирадики, бу билан таржима ўзбекона ифода топган, натижада русча ибора маъноси тўлиқроқ очилган.

С.Раҳмонқулов ва А.Карамлар *каков луғат мақоласида каков поп, таков приход* иборасини шундай таржима қилганлар: *пўпи нендай бўлса, маҳалласи шундай бўла*. А.Зоҳирий бу иборани мазмунан татарча луғатдагидек, аммо ўзбек тилига мослаб таржима қилади: *пўпи қандоқ бўлса, маҳалласи шундоқ бўладир*. Ушбу ибора М.Содиқова томонидан *эшагига яраша тушови; даромадга қараб буромад* деб анча яхши таржима қилинган¹³⁶.

Кол луғат мақоласи ичида *у него ни кола, ни дрова* ибораси учрайди. Бу иборани олим татарчага яқин таржима қилади:

¹³⁶ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Т.: 1972. -Б.93.

нинг қоққан қозиги ҳам йўқ. Аммо ундан қаноатланмай бу ибора маъносини янада аниқроқ очиш мақсадида унинг ёнига жуда фақир бирикмасини қўшади. Бу ибора кейинги лугатларда куйидагича берилган: *битидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, шип-шидам, қоққанда қозик, осганда хурмача*¹³⁷; Ш.Раҳматуллаев уни *қоққанда қозиг(и), осганда хурмача(си) қолмади. Кимнинг бутун буд-шудини сарфлаб юбормоқ* шаклида беради¹³⁸. Агар ЎТИЛда келтирилган иборанинг ифода нотугаллигини (*қоққанда қозик, осганда хурмача*) инобатга олмаганда, лугатларда айтилган бир хил ибора қўлланганлигини гувоҳи бўламиз.

Наговорит с три короба ибораси РТМЛда *ортиқ алдов, чамадан таш қўб ёлгон сўйлаб* деб таржима қилинган. Ўзбек лугатшуноси уни *жуда алдаш, ҳаддан ташқари ёлгон сўзлаш* деб беради. М.Содиқова ушбу русча иборани *бир қоп гап гапирмоқ, ваъдаларга, ёлгон-яшиқларга қулоқни тўлдирмоқ* деб таржима қилган¹³⁹. Кўринадики, ҳар иккала таржима ўртасида катта фарқ йўқ.

РТМЛда *кривить душой* тургун бирикмаси татарчага – *хиёнат қилу, одил бўлмо* деб таржима қилинган. РЎМЛда татарча бирикмалар *хиёнат қилиш, тўғри бўлмаслик* тарзида ўзбекчалаштирган. Олим бу таржимадан қониқмай, ёнига янада таъсирчан, русча фразеологик бирикманинг маъносига мос келадиган лексик бирлик – *риёкорлик* сўзини қўшади. Фразеологик ибораларга оид кейинги асарларда *кривить душой* ибораси *риёкор* сўзига маънодош бирикмалар билан таржима қилинган: *иккиюзламалик қилмоқ, мунофиқлик қилмоқ*¹⁴⁰.

Кракодиловы слези ўзбек тилига татарча таржимага асосланиб *инондириши учун жўрттага ёш тўкиши* деб тўғри ўгирилган. М.Содиқова уни образлироқ таржима қилган: *шайтон йиги*¹⁴¹. *Тут ему крышка будет* ибораси ҳам татарчадек *у шунда ҳалок бўлур* деб таржима қилинган.

¹³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. -Т.: 1983. -Б.

¹³⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. -Т.:Қомуслар бош таҳририяти, 1992. -Б.353.

¹³⁹ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик лугат. -Т.: 1972. -Б.100.

¹⁴⁰ Шанский Н.М., Быстрова Е.А., Аликулов Т. Рус тилидаги 700 фразеологик ибора. -Т.: Сқитувчи, 1990. -Б.42.

¹⁴¹ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик лугат. -Т.: 1972. -Б.103.

У черта на куличках ибораси РТМЛда – *аллақайдуқ, йироқ, «жаҳаннам остида»* деб берилган. Бу ибора А.Зоҳирий томонидан образлироқ таржима қилинган: *алла қайси гўрда, йироқ, жаҳаннам остида*. Олим қўллаган *алла қайси гўрда* бирикмаси ибора маъносини яхши очиб берган, деб ўйлаймиз. М.Содиқова бу иборани *тупканинг тагида, аллақайси гўрда* деб таржима қилган¹⁴². РЎЛда *бу дунёнинг нариги бурчагида, бир тупканинг тагида, узоқда, жуда олисда*¹⁴³ деб берилган. Кўринадики, А.Зоҳирий таржимаси билан кейинги таржималар орасида маъно жиҳатдан катта фарқ йўқ. Бу эса луғатшунос уни тўғри таржима қилганлигини кўрсатади.

Ударить под микитки иборасини С.Раҳмонкулов ва А.Карам – *қосигина (жон ерина) сўғу(в)* деб таржима қилганлар. Ўзбек луғатшуноси ҳам уни *жон ерига уриши* деб таржима қилади. Бизнингча, уни *оч биқинига урмоқ* деб берилганда, мақсадга мувофиқ бўларди.

Главным образом таржимаси РТМЛгидан биров фарқ қилади. Бу ибора татарча луғатда – *хусусан, бикракда* деб берилган бўлса, А.Зоҳирий ўзбек ўқувчилари учун тушунарсиз бўлган *бикракда* сўзи ўрнига жуда мос лексик бирлик топган: *айниқса, хусусан*. *Айниқса* сўзи русча бирикма маъносини тўла коплай олади.

Горько луғат мақоласи ичида берилган *горько плакать* РТМЛда – *қотти йиғлов, сўлғуб йиғлов, тийшла олмича йиғлов* деб берилган. А.Зоҳирий бу иборани *қаттиг йиғлаши, ўксиб-ўксиб йиғлаши*. *Ўзини тўхтата олмасдан йиғлаши* тарзида ўзбекчалаштиради. М.Содиқова буни *қон йиғлаши* деб берган бўлса, ЎТИЛда бу ибора *аччиқ-алам билан йиғламоқ, зор-зор (қон) йиғламоқ* шаклида учрайди. Кўринадики, таржиманинг ифода турфалигига қарамай, ўзбекча луғатлардаги учала таржима ҳам мазмун жиҳатдан ўзаро яқин, бир-бирини тўлдиради. Демак, олимнинг таржимаси тўғри.

А.Зоҳирий русча лексик бирликлар таржимаси учун ўзбекча тургун бирикмаларни ҳам ўринли қўллаган. Масалан,

¹⁴² Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Т.: 1972. -Б.187.

¹⁴³ Русча-ўзбекча луғат. -Т.: 1983, -Б.496.

нинг сўзини *шалт* деб таржима қилар экан, қўшимча равишда кавс ичида *қулоқ остида шавла қайнатиш* иборасини келтиради. Бу билан сўз маъносини яхшироқ очиб беришга муваффақ бўлган.

«М» ҳарфидаги луғат мақолаларда *мозолить глаза* ибораси учрайди. РТМЛда унинг таржимаси шундай берилган: *ёнингда туру(в) ила тўйдиру(в), «тарақан бўлу(в)»*. А.Зоҳирий уни *кўриша бериб безор қилиш* деб ўзбекчага асосан тўғри ўгиради. «Русча-ўзбекча фразеологик луғат»да бу ибора *хиралик қилмоқ, ўралашибериб жонга тегмоқ* деб таржима қилинган¹⁴⁴. РЎЛда ҳам бу ибора шунга яқин ўгирилган: *кўз ўнгиди ўралашиб жонга тегмоқ, хира қилмоқ*. Кўринадики, ҳар учала таржима ҳам *мазолит глаза* иборасининг маъносини тўғри ифода эта олган. Бу ерда уни биринчи бўлиб таржима қилган А.Зоҳирийнинг хизматини қайд этиш лозим.

РТМЛда *набитий дурак* қуйидагича таржима қилинган: *бориб тургон жулар*. А.Зоҳирий бу иборани соф ўзбекча таржима қилган: *учига чиққан ахлоқ, тентак*. ЎТИЛда ушбу ибора *гирт ахлоқ, қип-қизил ахлоқ* тарзида берилган. «Русча-ўзбекча фразеологик луғат»да ҳам бу иборанинг таржимаси юқоридагиларга ўхшаш: *гирт ахлоқ, қип-қизил жинни; миясини еб қўйган*. Кўриниб турибдики, луғатчилар ўзбек тили сўз бойлигининг имкониятларидан тўғри фойдаланишиб, русча иборани тўғри ўзбекчалаштирилган.

РТМЛда *чаша терпѣня переполнилась* иборасининг маъносини очиш учун татар луғатшунослари *тузарлик ҳол қолмади* жумласини танлашган. Бу ўринда А.Зоҳирий русча иборани сўзма-сўз таржима қилиб, унинг образлилигини сақлаб қолган: *чаша терпения переполнилась – сабр косаси тўлиб тошди*. Бу таржима тилимизда ҳозирги пайтда ҳам айнан шу шаклда ишлатилади. Тахмин қиламизки, ушбу ибора тилимизга А.Зоҳирий таржимаси орқали кириб келган.

Ни рыба, ни мясо ибораси луғатшунос томонидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган: *на балиқ ва на гўшт (яъни: балиқ ҳам эмас, гўшт ҳам эмас)*. Кейинги луғатларда бу анча

¹⁴⁴ Содикова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Т.: 1972. -Б.115.

муваффақиятли таржима қилинган. М.Содиқова русча ибора мазмунига мос тушган ўзбекона ифода топа олган: *на қуш эмас, на ҳайвон; на дон эмас, на сомон; на у ёқлик эмас, на бу ёқлик*. Иборалар таржимасига оид яна бир китобда эса бу бирикмалар *на дону, на сомон; икки жаҳон овораси; на у ёқлик, на бу ёқлик*¹⁴⁵ деб таржима қилинган.

Закатилась его звезда бирикмаси таркибидаги *звезда* сўзини татар луғатчилари *саодат* деб таржима қилганлар: *онинг саодати битди*. Бунинг ёнига таржимонлар *–роҳат турмуши йўғолди* иборасини ҳам қўшганлар. Бу таржималардан А.Зоҳирий ўзбек ўқувчиси учун унинг биринчи қисмини қолдирган: *унинг саодати битди*.

РЎМЛдаги иборалар маъноси билан танишиш шуни кўрсатадики, олим бу тил birlikлари таржимасига хушёрлик билан ёндашади. Шу сабабли унинг таржималарида хатолар кам. Лекин шу билан бирга РЎМЛда ноаниқ ёки нотўғри таржима қилинган иборалар ҳам учрайди. Чунончи, *у него язык отнялся* бирикмаси *унинг тили олингон – у тилдан ёзгон* деб таржима қилинган. Агарда бу ибора *у тилдан қолган* деб таржима қилинганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди. *Вести переговоры* бирикмаси ҳам *мухобара юритиш* тарзида ноаниқ таржима қилинган. Агарда у ибора *музокара юритиш* деб ўгирилганида эди, таржима аниқроқ бўлар эди.

РТМЛда *попытка не пытка* ибораси *–мақол «синаб қаров азоб тугил» маъносинда*. Бизда эса *онинг ўрнина: «ётуб қолгунча, отуб қол» дейшлур* тарзида ўгирилган. А.Зоҳирий ўз луғатида русча иборани *синаш азоб эмас* тарзида сўзма-сўз таржима қилиб, татар луғатчилари келтирган *ётиб қолгунча, отиб қол* иборасини тушириб қолдирган. Бу бежиз эмас, чунки унинг маъноси *попытка не пытка* иборасининг маъносига мос келмайди. Ш.Раҳматуллаев ушбу бирикмани шундай изоҳлаган: *«Ётиб қолгунча, отиб қолмоқ ким охирги имкониятдан ҳам фойдаланиш мақсадида ҳаракат қилмоқ»*¹. Бу изоҳ юқоридаги

¹⁴⁵ Шанский Н.М., Быстрова Е.А., Аликулов Т. Рус тилидаги 700 фразеологик ибора. -Т.: Ёқитувчи, 1990. -Б.49-бет.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. -Б.353.

фикримизни тасдиқлайди. М.Содиқова *попытка не пытка* иборасини *сўраганинг айби йўқ* деб таржима қилган¹⁴⁶. РЎМЛда ҳам шунга яқин таржима қилинган: *а попытка не пытка, спрос не беда – уринганинг (сўраганинг) айби йўқ, бир уриниб кўриши мен қилмайди*. Фикримизча, РТМЛда ҳам, РЎМЛда ҳам, Русча-ўзбекча фразеологик луғатда ҳам русча иборанинг таржимаси нулақонли чиқмаган, унинг кўчма маъноси очилмай қолган.

*Сбить кого с тольк*у ибораси РЎМЛда *бировни ансиратиши* деб таржима қилинган. Ушбу таржимага эътироз билдирмаган ҳолда, унинг ёнига М.Содиқова қилганидек, *йўлидан адаштирмақ* бирикмаси қўшилганида эди, унинг кўчма маъноси янада яхшироқ очилган бўлар эди. *Ради бога* ибораси РЎМЛда *Оллоҳ учун* деб таржима қилинган. М.Содиқова ўз луғатида уни тўғрироқ, аниқроқ таржима қилган: *худо ҳақи; худо йўлига; умрингиздан барака топинг*¹⁴⁷.

Хуллас, А.Зоҳирий иборалар таржимасига жиддий ёндашган. Уларни иложи борича тўла таржима қилишга ҳаракат қилган. А.Зоҳирий таржима қилган ибораларнинг бир қисми ҳозирги луғатларда акс этиши унинг ўз ишига жиддий ёндашганлигини исботлайди.

3.5. Таржима жараёнида А.Зоҳирий томонидан луғатга биринчи марта олиб кирилган сўз ва бирикмалар

Бу бўлимда А.Зоҳирий томонидан биринчи марта луғатга киритилган сўз ва бирикмалар ҳақида фикр юритамиз. Мисоллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда уларнинг бир қанчаси адабий тилдан ўрин олган, айримлари халқ жонли тилида ишлатилмоқда.

А.Зоҳирий *носки* сўзини *пайпоқ* деб таржима қилар экан, ёнига *жўроб* сўзини ҳам қўшади. Бизнингча, *жўроб* сўзи биринчи марта олим томонидан луғатга киритилган. *Жўроб* сўзи ҳозирда ҳам қипчоқ ва ўғиз лаҳжаларида сўзлашувчи аҳоли тилида *жулоп*, *жилоп* шаклларида кенг истеъмол қилинади. Кейинги тадқиқот ишларида *жилоп* - *чуроб* сўзи желовчи

¹⁴⁶ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Т.: 1972. -Б.193.

¹⁴⁷ Ўша манба. -Б.21.

кипчоқ шеваси вакиллари нутқиға форс-тожик тилидан ўзлашганлиги қайд этилган¹⁴⁸. Бу сўзнинг айна маънода ҳозирги турк тилида *corap* деб қўлланиши ҳам диққатга сазовор¹⁴⁹.

РЎМЛда олим *аптека* сўзи изоҳида *ажзхона* сўзини ишлатади. Бу сўз 20-йиллар ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган, шунинг учун у 20-йиллар ўзбек тили луғатида акс этиши керак. *Борц* сўзи *карам шўрно*, *қизилча солингон ош* деб РЎМЛда илк бор луғатшунос томонидан таржима қилинган.

20-йилларда сабзавот, гул ўсимликларининг пояси *сабоқ* деб аталган. Бу сўз халқ кўшиқларида ҳам учрайди. Масалан: «Сабоғидан очилган гулдек бўлиб...». Навоий асарлари луғатида эса у *сабоғ* шаклида берилган ва унинг маъноларидан бири *тана* деб изоҳланган¹⁵⁰. А.Зоҳирий бу бу сўзни *ботва* сўзи таржимасида ишлатади: *ботва* – *картушка*, *сабзи сингари нарсаларнинг сабоқ ҳам барглари*. *Сабоқ* сўзи ҳам 20-йиллар луғатида акс этиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

РЎМЛда *вестибюль* сўзи *гулом гардиш* деб ҳам таржима қилинган. Бу бирикма 20-йиллар халқ тилида ишлатилган. Аммо луғатларимизда акс этмаган. Унинг маъноси асосий уй, бино ёнидаги хизматкор ва қуллар юришига руҳсат этилган бўлма ёки хоналарни билдиради. Бу сўзнинг луғатда акс этишининг ўзи янгилик ҳисобланади.

Гвоздить сўзи таржимасида олим *қадоклаш* сўзини ишлатади. Унинг ёнида, РТМЛдан фарқли равишда, русча сўзнинг *парчинлаш*, *михлаш* каби маъноларини ҳам кўрсатади. *Қадоклаш* сўзи ҳозирда тилимизда кенг қўлланилмоқда. Масалан, *чай қадоклаш фабрикаси*. Мисоллар шуни кўрсатадики, бугунги *совутқич* сўзи ўзбек тилига А.Зоҳирий томонидан олиб кирилган. Бу сўз *холодильник* таржимасида учрайди.

Пуыр сўзини луғатшунос *ситқич*, *бўжама*, *риханак* деб таржима қилган. *Хуснбузар* маъносидаги *риханак* сўзи А.Қаҳҳор

¹⁴⁸ Шоимова Н. Ўрта Қашқадарё кипчоқ шеваларидаги ўзлаштирама сўзлар// Ўзбек тили ва адабиёти ж. -1997. -№1. -Б.61-62.

¹⁴⁹ Қаранг: Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -Б.287.

¹⁵⁰ Навоий асарлари луғати. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. -Б536.

асарларида учрайди. Биз *ажнабий* сўзига ҳам биринчи марта А.Зоҳирий луғатида дуч келдик. У *иностронец* сўзи таржимасида берилган.

Галстук сўзини олим *бўйин боғи* деб таржима қилган. Бу сўз РЎЛда ҳам шундай берилган. Фақат, унга эски белгиси қўйилган. *Падаль* сўзи таржимасида РЎМЛда *ўлакса*, *ўлимтик* сўзи қўлланган. РЎЛни тузувчилар бу сўзлардан фойдаланганлар. Бу ҳам А.Зоҳирий меҳнати кўрсатади.

Тупик сўзи илк бор олим тарафидан *боши берк кўча*, *переулок* сўзи эса *тор кўча*, *кичкина кўча*, *йўлча* деб таржима қилинган. РЎЛда А.Зоҳирийнинг ушбу таржималаридан унумли фойдаланилган: *тупик* – 1 *тупик*, *боши берк кўча*, *халта кўча*; *переулок* – *тор кўча*, (*икки параллел кўчани бирлаштирувчи кичикроқ кўча*). Мустақиллик йиллари Атамашунослик кўмитаси атамалар қўлланишини тартибга солганда, илгари ишлатилган *тупик* сўзи ўрнига *боши берк кўча* бирикмаси танланди, *переулокни* эса *тор кўча* деб аташ расмийлаштирилди. Ҳозирги пайтда бу атамалар тилимизда фаол қўлланиб, *кичик кўча* номлари билан бирга ишлатилмоқда.

Биз *кулангир* сўзи А.Зоҳирий туфайли луғатларимизда акс этган деб ҳисоблаймиз. Бу сўз *курок* таржимасида берилган: *милтиқ кулангири*. Уни *тепки* сўзининг маънодоши сифатида ҳозирда ҳам бемалол ишлатиш мумкин.

Приприжка таржимасида олим *иргимоқ* сўзи ёнида *ҳаккаламоқ* сўзини келтиради. Бу ҳам биринчи марта луғатга олим томонидан олиб кирилган. *Тяпка* сўзи *чопқи*, *дасткалла* деб ўгирилган. *Дасткалла* сўзи ҳам А.Зоҳирий тарафидан ўзбекча луғатларга биринчи марта киритилган деб ўйлаймиз. Бу пиллачилик иш қуроли сифатида ҳозирда ҳам халқ тилида ишлатилади.

Олим *массажист* сўзини *ходимгар*, *уқаловчи* деб тўғри таржима қилган. Бу сўзларни ҳам илк бор шу луғатда учратдик. *Уқаловчи* сўзи ҳатто РЎЛдан жой олмаган. Ўзирда *массажист* сўзини асосан *уқаловчи* деб қўлламоқдамиз.

Свёкла – *лаблаби* (*қизилча*), *соус* – *қайла*, *обечайка* – *қосқон*, *кран* – *жўмрак*, *пробка* – *тиқин*, *приклад* – *милтиқ қўндоғи*.

залив – кўрфаз, қўлтиқ, очковая змея – кўзойнакли илм таржималаридаги ўзбекча сўзларини ҳам илк бор А.Зоҳирий луғатида учратдик. Ушбу сўзларнинг ҳозирги луғатларда айнан шундай қўлланиши А.Зоҳирийнинг маҳоратидан далолат беради.

РЎЛда *наждак* сўзи *қумқайроқ*, *жилвир*, *наждак* деб берилган. Ўйлаймизки, РЎЛ тузувчилари бу ўринда А.Зоҳирий таржимасидан фойдаланганлар. *Наждак* сўзи дастлаб РЎМЛда *қайроқ қуми*, *жилвир* тарзида ўгирилган. РЎЛда *наждак* сўзи таржимасининг *наждак* деб берилишини ҳам тўғри деб ҳисоблаймиз. Негаки, бу сўз асли туркийча бўлиб, ДЛТда *ниждаг* шаклида учрайди. Маҳмуд Кошгарий уни *қайроқ тош* деб изоҳлаган¹⁵¹. *Наждак* сўзи олтой тили луғатида *қайроқ тош* маъносида ҳозир ҳам ишлатилади¹⁵².

Ўтган асрнинг 20-йиллари адабиётида *балда* сўзи учрайди. Кичик шаҳар маъносидаги бу сўздан А.Зоҳирий *городок* таржимасида фойдаланган. Бу сўз ҳам ушбу давр луғатида акс этиши лозим деб ҳисоблаймиз. Хоразм тарихига оид китоблардан бирида кичик шаҳар маъносида бу сўз ишлатилган: *Тўртқўл балдасида қалъа солиб...*¹⁵³.

Озиб ҳолдан тойиш халқ тилида *одоқ бўлиш* дейилади. У ҳозир *адоиш тамом бўлди* шаклида ҳам учрайди. Луғатшунос бу сўзни русча *истощаться* таржимасида келтиради: *одоқ бўлиш, ориқлаш*.

Пошна маъносида қадимда *ўкча* сўзи ишлатилган. Бу сўз жонли халқ тилида *товон* маъносида ишлатилади. А.Зоҳирий *каблук* сўзи таржимасида ундан унумли фойдаланади.

Халқ тилида кунгабоқар пистаси *семичка* деб айтилади. Луғатшунос бу сўзни биринчи марта қайд этади: *подсолнечное масло – кунбоқар ёғи, семичка ёғи*. Бизнингча, *суварак* сўзи ҳам луғатларга А.Зоҳирий ташаббуси билан киритилган. Олим уни *таракан* сўзи таржимасида келтиради.

¹⁵¹ Маҳмуд Кошгарий. Девони луғатит турк. Уч жилдлик, I жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов. -Т.: Фан, 1960. -Б.432.

¹⁵² Русско-алтайский словарь. -М.: Советская энциклопедия, 1964.

¹⁵³ Қомёб. Тарихи хавонин. ЎЗР ФА Абу Райҳон беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар хазинаси. Сақланиш рақами 7717. -Б.

Лугатшунос *абонент* сўзи таржимасида *муштарий* сўзини ишлатади. У русча сўз маъносини тўла қоплайди. Уни бугунги кун лугатларимизда бемалол ишлатишимиз мумкин. *Агония* таржимасида ҳам халқ тилидаги *ўлим талвасаси* бирикмасини ишлатадики, бу ҳам ижобий ҳол ҳисобланади.

Бугунги кунда ишлатилаётган *хайрихоҳлик*, *бошбоштоқлик қилиш* сўзларини ҳам лугатларга А.Зоҳирий киритган деб ҳисоблаймиз. Бу сўзлар *благожелание*, *самовольничать* сўзларининг таржимаси сифатида РЎМЛда биринчи марта ишлатилган. Бу фикрни *рисола* сўзи ҳақида ҳам айтиш мумкин. Олим *брошюра* сўзини шундай таржима қилган. Бизнингча, бу - тўғри.

Олим томонидан лугатга киритилган *чанчки* сўзи ҳозирда *шика* ўрнида баъзан *санчқи* деб ишлатилаётганини қайд қилишимиз мумкин. Бу сўз таржимаси ҳам муваффақиятли чиққан деб ўйлаймиз.

Мальга сўзи таржимасида олим ўзбек тилининг бой имкониятларини намойиш қилади: *мальга* – *човоқ*. Бу сўз ёнида унинг қисқача изоҳи ҳам берилган: *майда балиқ*. Ш.Раҳматуллаев қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли *чабақ* тарзида талаффуз қилинганини ва ДЛТда учрашини кўрсатади¹⁵⁴.

РЎМЛда *крохобор* сўзи, *хасис*, *мурдаки* деб берилган. РЎЛда бу сўз 1 *хасис одам*, *зиқна*, *пасткаш*; 2 *майдакаш*, *бачкана* деб берилган. Агар кейинги лугатдаги *пасткаш* ўрнига *мурдаки* қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз. Сабаби *мурдаки* сўзи рус сўзи маъносининг образли ифодаси ҳисобланади. Лугатларимизда бу сўздан фойдаланиш мумкин.

А.Зоҳирий халқ тилини яхши билгани сабабли айрим сўзларни халқона таржима қилади. *Долг* сўзининг бир маъноси сифатида *қарз* сўзи ёнида *бераси* сўзини ҳам ишлатади. Ш.Раҳматуллаев *бераси* сўзини «*берилиши*, *қайтарилиши* лозим бўлган нарса, *қарз*» деб изоҳлайди. Масалан, «*Мен унинг тўйига албатта боришим керак, чунки берасим бор*»¹⁵⁵. Бу сўз жонли

¹⁵⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. -Т.: Университет, 2000. -Б.432.

¹⁵⁵ Ўша манба. -Б.46.

тилда ҳозир ҳам фаол қўлланилади. Шунингдек, олим *рассеянность* – эсарлик, *растереха* – эсар, *расиатыватся* – ларзанглаш, *ломата* – чатнаш, *ёрлиш*, *мулат* – дурагай, *известиться* – қариқиз, *грыжа* – дабба каби сўзларни маҳорат билан таржима қилгшан.

А.Зоҳирий таржималарига назар ташлар эканмиз, бу даврда ўзбек тилида истеъмолда бўлган айрим ноёб сўзлардан хабардор бўламиз. Олим *кальян* сўзини *чилиш*, *норгила* деб таржима қилади. *Норгил* сўзи «Бобурномада» учрайди. Бобур *норжил* дарахти ҳақида гапирар экан, араб тилида унинг *норжил* тарзида талаффуз қилинишини ёзади: «Яна норгилдур, араб муарраб қилиб норгил дер... Норгилнинг бириси жавзи ҳиндийлурким, қора қошиқларни андин қилурлар. Улуғроғини гижжакнинг косаси қилурлар»¹⁵⁶. А.Зоҳирий келтирган *норгила* сўзининг юқоридаги *норгил* сўзи билан алоқадорлиги бўлса керак, деб ўйлаймиз. Ўзбек тилида *норгила* сўзи мавжуд бўлганлиги сабабли А.Зоҳирий ундан фойдаланган. Бу сўз 20-йиллари бўйича тузиладиган луғатида акс этиши лозим.

Запрет сўзи луғатшунос томонидан *тийиш*, *манъ*, *наҳи* деб ўгирилган. Биз бу ердаги *тийиш* сўзини тиклаш тарафдоримиз. Бу сўз *запрет* маъносини тўла қоплайди. *Наҳи* сўзи бугун гарчи ишлатилмаса-да, уни луғатда қайд этилишининг ўзи бизга янги сўз ҳақида маълумот беради.

Примечание сўзи изоҳида луғатчи *эскарма*, *танбиҳ* сўзини ишлатади. Бу сўзлардан бугун ҳам фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, адабий тил диалект ва шеваларга таъсир этиб, уларнинг хусусиятларини ўзига яқинлаштириб борар экан, айна пайтда жонли тилдан озикланиб, шевалардаги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради¹⁵⁷. Адабий тилда учрамаган айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлари диалект ва шеваларда мавжуд бўлади. А.Зоҳирий ҳам бундай ҳолатларда шевалардаги муайян нарса ва ҳодисаларнинг номларини англатувчи сўз ва

¹⁵⁶ Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. -Т.:Юлдузча, 1990. -Б.262.

¹⁵⁷ Гуломов Ё., Алиев А.. Диалект лексиканинг баъзи масалалари ҳақида / Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Т.:ТошДУ, 1973. Илмий асарлар, 443-ч.киш. -Б.99.

терминларни ҳеч иккиланмасдан луғатга киритган. Айниқса, дастлабки йирик русча-ўзбекча луғат тузишга қўл урилган чоқларда бунга эҳтиёж катта бўлган. Шу билан бирга бу масала ўта маъсулият ва билимдонликни талаб қилган.

Айтиш мумкинки, А.Зоҳирий бу борада асосан тўғри йўл тутган. Масалан, кулоқнинг пастки қисмидаги юмшоқ ери жонли тилда *солинчоқ (солинчак) сирғалик*, деб юритилади. Олим *солинчоқ* сўзини *мочка* сўзи таржимаси учун қўллайди ва аниқлашимизча, уни биринчи бўлиб луғатга олиб киради: *мочка – кулоқнинг солинчоғи*. Татарча таржима бунинг олдида анча Қариб кўринади: *мочка – кулоқ яфроғи*.

Турли соҳаларга оид терминларнинг тилимизда кенг имтеъмол қилинишида А.Зоҳирийнинг салмоқли улуши бор. Олим терминлар таржимасида ўша давр анъанаси ва шароитига кўра арабча терминларни қўллаш билан бирга, халқ тилидан янги терминлар топиб, илк бор ишлатган. Масалан *олова – оқ кўрғошин, қалайи* тарзида, *потаи* сўзи эса *шиқор* деб таржима қилинган. Бу сўзлар РТМЛда узундан узоқ изоҳ йўли билан ўгирилган. Ушбу давр химия терминларига бағишланган тадқиқотида филология фанлари номзоди А.Мадвалиев шундай ёзади: «Айрим русча терминларнинг ўзбек тилида эквивалентлари бўла туриб, улар таржимада ўзгаришсиз қолдирилган. Масалан, таржимада қўлланган *олова* ва *ичолун* терминларига ўзбекча *қалайи* ва *шиқор* сўзлари мос келади, бу ҳатто ўша давр луғатларида (А.Зоҳирий *луғати кўзда тутилмоқда – Т.Т.*) ҳам ўз аксини топган. Шунга қарамай, мазкур терминлар таржимасиз қўлланган»¹⁵⁸.

Мана бу русча бирикмани А.Зоҳирийдан ўтказиб таржима қилиб бўлмаса керак: *наличные денги – нақд пул*.

Ушбу мисоллардан Зоҳирийнинг таржимонлик, билимдонлик, новаторлик маҳоратини яна бир бор кўриш мумкин.

Бизнинг тахминимизча, А.Зоҳирий РЎМЛга 900дан ортиқ сўз ва бирикма олиб кирган. Бу катта бойлик. Тузиладиган 20-

¹⁵⁸ Мирвалиев А. Ўзбек химия терминологиясининг илк ривожланиш даври ҳақида (20-30 йиллар)// Ўзбек тили ва адабиёти жур. -1983. -№3. -Б.17.

йиллар ўзбек тили луғатида улар, албатта, акс этиши керак деб ҳисоблаймиз.

3.6. Таржима жараёнида А.Зоҳирий томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар

Ўар бир дастлабки ишда камчиликлар бўлганидек, ушбу луғатда ҳам айрим хатолар мавжуд. Бу, биринчидан, 20-йиллар ўзбек луғатчилиги савияси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан бу даврда рус тили биз учун чет тилидек эди. Шу сабабли ушбу луғатда ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) нотўғри таржима қилинган сўз ва бирикмалар;
- б) маънолари ажратиб кўрсатилмаган сўзлар.

а) нотўғри таржима қилинган сўз ва бирикмалар

Луғатда ноаниқ, баъзи ўринларда нотўғри таржима қилинган сўз ва иборалар ҳам учрайди. Масалан, Ашурали Зоҳирий *тюльпан* сўзини *гуллари кўб йошайдургон гул* тарзида мавҳум таржима қилган. Бунга асосий сабаб РТМЛда ҳам *тюльпанъ* сўзи айнан шундай маънода таржима қилинганлигидир: *тюльпанъ – чачаклари бик узоқ яший тургон гул*. Агарда А. Зоҳирий русча сўзнинг маъносини билганда эди, татарча луғатга эргашмай, ўзи билган *лола* сўзини ишлатган бўлар эди.

Крупа сўзи РТМЛда – *жорма* шаклида татарчага тўғри таржима қилинган. Афсус, РЎМЛда бу сўз ўзбек тилига *гуруч* сўзи билан нотўғри ақдарилган: *крупа – гуруч*. РЎЛда бу ўринда тўғри йўл тутилган: *крупа – ёрма, крупа*.

А.Зоҳирий *баклажан* сўзини ўзбекчага *потинжон* деб нотўғри таржима қилган. Олим *помидор* сўзи таржимасида ҳам *патинжон* сўзини қўллайди: *помидор - помидор, патинжон*. *Помидор* сўзи ўзбек тилига анча олдинроқ ўзлашган. *Патинжон*нинг луғатдан ўрин олиши Фарғона шевалари билан боғлиқ. РТМЛда *баклажанъ – ботлижон, боқложон, бодимжон* деб ўгирилган.

РЎМЛда *земляника* сўзи ўзбекчага *маймунжон* деб нотўғри ўгирилган. А.Зоҳирий *малина* сўзини ҳам *маймунжон*

деб таржима қилган: *малина* – *мураббо қилинадургон бир нав нава, маймунжон, чинаста*. Бу сўз РЎЛдагидек *земляника* – *ер шүт, ер тути* деб таржима қилинганда, тўғри бўлар эди. Шунингдек керакки, *земляника* ва *малина* сўзлари таржимасида А.Зоҳирий С.Раҳмонкулов ва А.Карамлар луғатига эргашмаган. Татарча луғатда *земляника* – *қойин жилаги, малина* – *қувро жилаги* деб таржима қилинган. Бу хато бу ўсимликларнинг Ўрта Осиё халқларига бироз нотанишлилиги билан изоҳланса керак. А.Зоҳирий бундай мевалардан беҳабар ёки ўз кўзи билан кўрмаганлиги учун уларни нотўғри таржима қилган. Шунингдек, *смола* сўзи РТМЛда *сумола, қатрон, зифт* деб берилган. А.Зоҳирий бунини *шилмишиқ, чандир, зифт* сўзлари билан мавҳумроқ, тушунарсиз ўгирган.

Локомотив сўзинининг таржимаси ҳам унча муваффақиятли чиқмаган: *локомотив* – *пойиз ўтхонаси*. РТМЛда бу бир қадар тўғри таржима қилинган: *локомотивъ* – *лўкумутиф, темир йўл мошинаси, ўторбоси*. Ашурали Зоҳирий транспортга оид *поезд* сўзини анча яхши таржима қилган: *поезд* – *темир йўл мошинаси, поезд*. РТМЛда айни сўз таржимаси қуйидагича берилган: *поездъ* – *темир йўл мошинаси вогунлари билан, қатор*. Кўриниб турибдики, А.Зоҳирий бу луғат мақолага ижодий ёндашиб, ўзбек тилига ўзлашмаган *қатор* сўзини тушириб тўғри йўл тутган.

РЎМЛда *лосос* ва *сёмга* сўзлари айни бир сўз билан – *сулаймон балиги* деб таржима қилинган. Бу хато татарча луғатга танқидий ёндашмаслик оқибатида келиб чиққан. Сабаби РТМЛда ҳам бу сўзлар шундай таржима қилинган.

Принц, принцесса сўзлари таржимаси ҳам ўша давр ўзбек ўқувчиси учун тушунарли чиқмаган: *принц* – *принц, княз, хон; принцесса* – *принц қизи, принсас*. Бу ўринда олим РТМЛга эргашмай *шаҳзода, малика, шоҳ(нинг) қизи* каби ўзбекча ифодаларни ишлатганида, таржима муваффақиятли чиқар эди.

РЎМЛ да ўзбеклар учун унча таниш бўлмаган айрим парранда ва ҳайвон номлари ҳам ноаниқ, нотўғри таржима қилинган. Мисолларга мурожаат қилайлик. *Чайка* сўзини А.Зоҳирий *оққўтон* деб нотўғри таржима қилган. Бу русча сўз

РТМЛда *оқчорлоқ-қуш*, РЎЛда эса *балиқчи* деб таржима қилинган. *Оққўтон* русчада *белая цапля* эканлиги «Ўзбекча-русча луғат» (кейинги ўринларда ЎРЛ шаклида ишлатилади) жуда тўғри кўрсатилган. 1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (кейинги ўринларда ЎТИЛ шаклида қўлланади) *оққўтон* учун берилган изоҳдан ҳам унинг *чайка* эмаслиги англашилади. А.Зоҳирий *лебедь* сўзини *оқ қуш* тарзида тўғри таржима қилгани ҳолда, *олабута*, *шура* ўсимлигини англатувчи русча *лебеда* сўзини ҳам *оқ қуш*, *оққўтон* деб янглиш таржима қилган.

Луғатда *индюк* – *ота буқаламун товуқ*; *индюшка* – *она буқаламун товуқ* тарзида таржима қилинганки, бу ҳам олимнинг бу паррандалардан беҳабарлиги туфайли содир бўлган. Агар бу сўзлар оддийгина *курка хўрози*, *курка товуги* деб ўгирилганда, русча сўзларнинг маъноси яхшироқ очилган бўлар эди.

А.Зоҳирий *бизон*, *буйвол*, *зубр* ҳайвонларини кўрмагани учун уларни деярли бир хил таржима қилган: *бизон* – *қўтос* (*Амриқода ёввойи хўккиз*); *буйвол* – *қўтос*, *ёввойи хўккиз*, *жомус*; *зубр* – *қўтос*, *жомус*. Шундай бўлса-да, бу сўзлар РТМЛдагидан анча яхши таржима қилинганини кўрамиз, чунончи: *бизонь* – *қир ўғизи* (*Америкада*); *буйволь* – *қир ўғизи*; *зубрь* – *қир ўғизи*, *жомус*. ЎТИЛда *қўтос* сўзи *Марказий Осиёнинг баланд тоғли районларида яшайдиган ёввойи хўккиз* деб таърифланган. Владимирь Даль ўзининг машҳур луғатида *бизон*, *буйвол*, *зубр* сўзларини алоҳида-алоҳида изоҳлайди. Олим луғатчилар баъзан *бизон* сўзини *зубр* ва *Американинг энг шимолида яшовчи мушкли хўккиз билан аралаштириб хатога йўл кўйишларини таъкидлайди*¹.

Зебра сўзи РТМЛда *қир оти* деб берилган. А.Зоҳирий ўз луғатида бунинг ёнига *тулпор* сўзини қўшган бўлса-да, ўзбек ўқувчиси учун сўз маъноси мавҳумроқ бўлиб қолаверган: *зебра* – *қир оти*, *тулпор*. Бу ўринда тавсифли таржима зарур эди. Масалан, бу жониворнинг ватани – Африка, шакли-шамойили – йўл-йўл, тарғил, табиати – ёввойи эканлиги қисқача

¹ Даль В. Тольковий словарь живого великорусского языка. В 4-х т. -М: 1956. Т.1. Б.

айтилганида, бу хайвоннинг ҳақида ойдинроқ тасаввур ҳосил бўлар эди.

Авторское право А.Зоҳирий томонидан *тахрир ҳақи*, *ёзиш ҳақи*, *тасниф ҳақи* деб таржима қилинган. Агарда у *авторлик ҳуқуқи ёки муаллифлик ҳуқуқи* дейилганида эди, бирикма маъноси янада тўғри очилган бўлур эди.

б) маънолари ажратиб кўрсатилмаган сўзлар

Луғатдаги камчиликлардан яна бири сўз маъноларини ажратиш билан боғлиқ. РТМЛда русча сўз маънолари мунтазам равишда ажратиб кўрсатилган. Афсуски, бу тамойил РЎМЛда кўринмайди.

РТМЛда *ходовой* сўзининг уч маъноси бир-биридан тик паралел (ёндош) чизиқлар билан ажратиб кўрсатилаган: *ходовой (п) – ўтимли (мол) // – зарурий // – юру(в)га тааллуқли*. Бу сўз ўзбек тилига таржима қилинганда унинг маънолари бир-биридан ажратилмаган: *ходовой – ўтадургон (мол); керакли, юрушга тааллуқли*. Мисолдан кўриниб турибдики, маънолар бир-биридан махсус лексикографик белги билан ажратиб кўрсатилиши зарур эди.

Смотрительница сўзи РТМЛда икки маъноли деб кўрсатилган: *нозира, идора этучи ҳам иш бошқаруб туручи хотун // кузатиб турурға ёсолгон бийик ўрун*. Ўзбекчада бу икки маъно ажратилмаган: *смотрительница – нозира, идора этгучи ҳам иш бошқариб тургучи хотин. Қараб-кузатиб туриш учун қилингон баланд ўрин*.

Уморить сўзи РТМЛда уч маъноли деб берилган: *уморить – окрикчиқ билан ўтиру // бик қоту кулдуру, кулдуруб обдирату // ишлауб ордиру*. Бу маънолар ҳам ўзбек тилида чегараланмаган. Бу, албатта, луғатнинг камчилиги ҳисобланади: *Уморить – секинлик билан ўлдириш. Жуда қаттиғ кулдуриш; ишлаб чарчатиш*. Агарда *секинлик билан ўлдириш* биринчи, *жуда қаттиғ кулдуриш* иккинчи, *ишлаб чарчатиш* учинчи маъно қилиб ажратилганда эди, луғатнинг илмий қиммати янада ошган бўлур эди. Негаки, бу ерда уч маъноли сўз берилган. Бундай хатолар ўзбекча луғатни тездан тайёрлаш важдан содир бўлган деб ўйлаймиз. Тўғри, айрим жойларда А.Зоҳирий сўз

маъноларини нуқтали вергул, баъзан нуқта билан ажратади. Аммо бу ишда ҳам изчиллик кўринмайди.

Биз бу хатолар 20-йиллар ўзбек луғатшунослиги савияси билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Сўз маъноларини ажратилиш билан боғлиқ лексикология фани ҳам бу йилларда яхши ривожланмаганлигини ҳисобга олсак, А.Зоҳирий йўл қўйган хато ва камчиликларни кечириш мумкин.

Демак, юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин:

1. 20-йиллар ўзбек луғатчилиги ҳали яхши ривожланмаган пайтда рус тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжни тезроқ қондириш мақсадида А.Зоҳирий томонидан РЎМЛнинг нашр этилишини ижобий баҳоламоқ керак. Бу ўша давр маданий ҳаётида улкан ютуқ бўлди;

2. Луғат илмий-назарий ва маданий-маърифий жиҳатдан 20-йиллар ўзбек тилшунослиги даражасида нашр этилган, унга ҳозирги замон лексикографиясининг юксак талабларини қўйиб бўлмайди.

3. Луғат муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. А.Зоҳирий илмга чанқоқ ёшларни рус тилидан тезроқ баҳраманд қилиш учун жаҳон луғатчилиги ишларидан ижодий фойдаланган. Олим луғатни яратишда қуйидаги ишларни амалга оширган:

а) русча сўзлар таржимаси учун туркий сўзларнинг, кўп ҳоллада РТМЛдаги татарча сўзларнинг ўзбекчасини келтириш билан кифояланиб қолмай, ўзбек тилининг бой лексик имкониятларидан унумли фойдаланган;

б) РЎМЛни тузиш жараёнида луғат мақолалар ўзбеккона ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган;

в) Ўзбек ўқувчисига таниш бўлган мулоқатда, халқ тилида қўлланилган ўзбекча сўзлардан кўпроқ фойдаланган;

г) РТМЛдаги айрим татарча таржималарга ўзбек тили имкониятлари асосида аниқлик киритган.

Луғатнинг ушбу ижобий хусусиятларини таъкидлаган ҳолда А.Зоҳирий айрим нуқсонларга ҳам йўл қўйган. Бу қуйидагиларда кўринади:

1. Айрим русча сўз ва иборалар А.Зоҳирий томонидан ўзбек тилига нотўғри таржима қилинган.

2. Сўз маънолари махсус белгилар билан РЎМЛда ажратиб кўрсатилмаган.

Умуман, ХХ асрнинг 20-йилларида РТМЛнинг ўзбекчалаштириб нашр этилишини ўша давр талабидан келиб чиқиб ижобий баҳоламоқ лозим.

Умуман олганда, Ашурали Зоҳирий ўзининг серқирра ва салмоқли илмий-ижодий мероси билан ўзбек тилшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Тадқиқот, монография ва рисолалар

1. Абдурауф Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. биринчи китоб. Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1927.
2. Абдурауф Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв. биринчи китоб. Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930.
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. III жилдлик. -Т.: Маънавият, 2001-2003. 255 б.
4. Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. -Т.: 1999.
5. Адабий тил ва имло тўғрисида мақола ва қарорлар. II тўпلام, I-серия / Тўпловчи: Қ. Рамазон.-Т: Ўздавнашр, 1934. 80 б.
6. Алавий А. Ўзбек янги алиФбосини тузишда асослар. Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1927. 24 б.
7. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тил тарихидан.-Т.: Ўзбекистон, 1994. 116 б.
8. Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. ТошДУ, 1983, 64 б.
9. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. -Т.: Фан, 1985. 199 б.
10. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, I-қисм. -Т.: Наврўз. 1997. 92 б.
11. Бехбудий. Танланган асарлар. / Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи - Қосимов Б. -Т.: Маънавият, 1997. 232 б.
12. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. -Т.: Фан, 1996. 120 б.
13. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат.-Т.: Ёзувчи, 1996. 118 б.
14. Боровков А. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 г. -Т.: Учледгиз 1940. 104 с.
15. Будагов Р.А. Человек и его язык.-М.: изд. Московского университета, 1974. 261 б.
16. Гўкалп З. Туркчилик асослари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси маданият жамғармаси, 1994. 123 б.

17. Долимов У. Исҳоқхон Ибрat.-Т.: Шарқ, 1994. 140 б.
18. Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. 115 б.
19. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. -Т.: Низомий номли ТДПУ, 2004. 109 б.
20. Закий Валидий Тўғон. Бугунги турк эли ва яқин тарихи, 2-нашр. Истанбул, 1981. 611 б.
21. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1990.
22. Ибодулла Олпоров. Ҳарф ва имломиз. -Қозон: Матбаа Каримия, 1912.
23. Имло асослари. Маориф назорати томонидан чиқорилган низомнома. Бухоро, 1922. 12 б.
24. Иброҳим Тоҳирий. Ёзувлар тарихи. Самарқанд-Тошкент, 1929. 110 б.
25. Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар.-Т.: Маънавият, 2001. 69 б.
26. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. -Т.: Маънавият, 2002. 80 б.
27. Каримов И. Янгича Фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Кўп жилдлик. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 5-жилд.
28. Каримов Н. Усмон Носир. -Т.: Шарқ, 1993.
29. Каримов Ғ. Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти. -Т.: Фан, 1985. 78 б.
30. Комёб. Тарихи хавонин. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. Сақланиш рақами: 7717.
31. Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик) мавзусидаги халқаро конференция материаллари.-Т.: Маънавият, 2001.
32. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
33. Маҳмудов Н. Тил. -Т.: Ёзувчи, 1998. 37 б.

34. Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк / Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. -Т.: ЎзССР. ФА. Т.1. 1960. 499 б.; Т.2. 1961. 427 б.; Т.3. 1963. 466 б.
35. Мунаввар қори, Ш.Зуннун, Қ.Рамазон. Ўзбекча тил сабоқлиғи. II бўлим. -Т.:Туркдавнашр, 1925. 65 б.
36. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 2003. 301 б.
37. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). /Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. -Т.: Шарқ, 2001. 125 б.
38. Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1995. 158 б.
39. Навоий асарлари лугати. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 784 б.
40. Назаров К., Ғуломов Ё. Ўзбек диалектологияси. -Т.: Университет, 1993. 61 б.
41. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий Фонетикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1992. 199 б.
42. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 225 б.
43. Поливанов Е.Д. Краткий русско-узбекский словарь. -Т.-М.: Туркпечать, 1926. 218 б.
44. Ризаев Ш. Жадид драмаси. -Т.: Шарқ, 1997. 316 б.
45. Рамазон Қ., Зуннун Ш. Ўзбек тили иш китоби. II бўлим. -Т.: Ўздавнашр, 1929. 104 б.
46. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). -Т.: Университет, 2000. 598 б.
47. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. 353 б.
48. Русча-ўзбекча лугат. Икки жилдли. -Т.: ЎСЭ бош редакцияси, 1983. I ж. 808 б., -1984. II ж. 779 б.
49. Русско-алтайский словарь. -М.: Советская энциклопедия, 1964.
50. Саидрасулхўжа Саидазизхўжа ўғли. Устоди аввал. -Т.: Ўрта Осиё Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, 1992. 79 б.

51. Саид З. Танланган асарлар. -Т.: 1974.
52. Саъдий А. Кишилиқ дунёсида тил, адабиёт, ёзув ҳам уларнинг тарихий ўсувлари. -Қозон: Татаристон давлат нашриёти, 1926.
53. Словарь современного русского литературного языка. -М.: Л.: изд. АН СССР, 1950.
54. Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Т.: -1972.
55. Татарско-русский словарь.-М.: С.Э., 1966.863 б.
56. Тил имло конференцияси материаллари. 1929 йил майнинг 15-23 кунларида Самарқандда бутун Ўзбекистон микёсида тўпланган ўзбек тил имлочилари ва адиблари кўнференциясининг тўла ҳисоби. -Т., Ўздавнашр, 1932. 133 б.
57. Тил ва имло кўнференцияси қарорлари. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1930. 30 б.
58. Тил ва имло масалалари. Мақола ва материаллар тўплами / Тўпловчи: А.Йўлдош. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1929. 329 б.
59. Тилшуносликнинг долзарб масалалари: Илмий мақолалар тўплами. -Т.: Университет, 2002. 111 б.
60. Турдиев Ш., Қориев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси (1918-1941). -Т.: Фан, 1967. 217 б.
61. Туркистон жумхурияти маориф камиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи. -Т.: Туркистон давлат нашриёти, 1923.
62. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
63. Муҳаммадамин ибни Муқаммадкарим Ҳожи (Фахриддинов). Туркча қоида. -Т.: 1913.
64. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1995. 257 б.
65. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичи. -Т.: Ўқитувчи, 1996. 174 б.
66. Тўйчибоев Б. Фитрат-тилшунос. -Т.: 1995. 60 б.
67. Узоқов Ҳ. Эр киши битта гапиради. -Т.: Чўлпон, 1996. 88 б.

68. Фотих Сайфи Қозонли. Татарлар орасида «Янги алиф» тарихи. -Қозон: Янги алиф жамияти босмаҳонаси, 1928.
69. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 3-жилдлик. 1-жилд.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. 256 б.
70. Чигатой гурунги. Битим йўллари. -Т.: Маориф кўмисарлиги рухсати билан босилгон, 1919. 32 б.
71. Чўлпон. Адабиёт надир? (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар) / Тўпловчи ва изоҳ муаллифлари Д.Қуროнов, З.Эшонова, У.Султонов. Масъул муҳаррирлар О. Шарофиддинов, У. Норматов. -Т.: Чўлпон, 1994. 238 б.
72. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. -Т.: Ёзувчи, 1994. 47 б.
73. Элбек. Ёзув йўллари. -Т.: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти. 1921. 30 б.
74. Юдахин К. Краткий узбекско-русский словарь. -Т.: 1927, изд. Акц. о.ва «Средазкнига». 816 б.
75. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот асосида). -Т.: Фан, 1986. 123 б.
76. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва ёзув масаласи. -Т.: Ўзбекистон. 1979. 37 б.
77. Ўзбек адабиёти тарихи. V жилдлик. -Т.: А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, 1980. V ж.
78. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.
79. Ўзбек совет энциклопедияси. 1-ж. -Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1971.
80. Ўзбек тилшунослиги масалалари: ТошДУ илмий асарлар, тўп. 443-чиқиши. -Т.: 1979. 125 б.
81. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб, Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. 685 б.
82. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдлик. -Т.: Фан, 1981.
83. Ўзбекча-русча лугат. -Т.: ЎСЭ Бош редакцияси, 1988. 726 б.
84. Курбонова М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. -Т.: Университет, 1997. 44 б.

85. Қосимов Б. Излай-излай топганим. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. 272 б.
86. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 80 б.
87. Қосимов Б. Маслакдошлар (Бехбудий, Ажзий, Фитрат). -Т.: Шарк, 1994. 156 б.
88. Ғозиев Ҳ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Т.: Фан, 1969.
89. Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуацияси тарихи /Тўплам: Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. Тошкент-Наманган: ЎзССР ФА нашриёти, 1959.
90. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Ўқитувчи, 1987. 256 б.
91. Фуломов Ё., Алиев А. Диалект лексиканинг баъзи масалалари хақида // Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Т.:ТошДУ, 1973. Илмий асарлар, 443-чиқиш.
92. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. -Т.: Фан, 1991.
93. Ҳожиев А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. III жилдлик. -Т.: Фан, 1988. III ж. 230 б.
94. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашрияти, 2002. 163 б.
95. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. Ахборот. 11–12-чиқарув. -Т.: Фан, 1996. 46 б.
96. 1921 йил Тил ва имло қурултойининг чиқарган қарорлари. -Т., 1922. 50 б.
97. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). -Т.: Фан, 1994. II қисм, 454 б.
98. 1921 йил январда бўлган Биринчи ўлка ўзбек Тил ва имло қурултойининг чиқарган қарорлари. -Т.: Туркистон жумхуриятининг давлат нашриёти, 1922.

II. Матбуотда чоп этилган илмий-публицистик мақолалар

1. Абдуллаев Ф. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1965, 3-сон.
2. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини давлатлаштириш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1977, 4-сон.
3. Акмал. Қуруқ қарор билан иш битмас // Қизил Ўзбекистон. 1922, 18 март.
4. Бехбудий. Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат. /Нашрга тайёрловчи Турдиев Ш. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газ. 1993, 21 май.
5. Биров. Бизда илмий хизмат // Қизил байроқ. 1922, 13 январь.
6. Бозоров А. Фитратнинг «Араб алифбоси тарихи» хусусида // Ўқитувчилар газетаси. 1991, 4 апрель.
7. Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиётида чиғатойчилик. // Қизил Ўзбекистон. 1929, 5 январ.
8. Бойбўлатов Ж. Ўзбекларнинг адабий мероси байроғи остида пантуркизм // Шарқ ҳақиқати. 1930, 20 сентябрь.
9. Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат // Ёшлик ж.1990. 4-сон.
10. Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.1993, 12 март.
11. Болтабоев Ҳ. Юрт қайғуси // Шарқ юлдузи ж. 1992. 4-сон.
12. Боту. Ўзбек адабий тили ҳақида // Аланга. 1929. 5-сон.
13. Боту. Тил ва имло кунференсияси яқунлари //Аланга. 1929. 5-сон.
14. Боту. Тил ва имломиз тўғрисида бир неча сўз // Қизил Ўзбекистон. 1928, 20 январь.
15. Воҳидов Э. Она тилим // Халқ сўзи. 2003, 21 октябрь.
16. Дониёров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991, 6-сон.
17. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
18. Ерлик халқ маорифида муттаҳид фронт //Туркистон газ. 1923, 1 январь.

19. Ёқуб Омон. Тил, атама, имло баҳслари // Қизил Ўзбекистон, 1929, 25 март.
20. Жомонов Р. Бош Ҳарфларнинг қўлланиши тарихига доир // Тил ва адабиёт таълими ж. 1998, 5-сон.
21. Зуфаров С. Келурнома // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 3-сон.
22. Иброҳим С. Тил-имло масаласида қишлоқ // Қизил Ўзбекистон. 1929, 19 май.
23. Иброҳимов С. Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, 2-сон.
24. Имло ҳақида биринчи кенгаш ўлтириши // Қизил байроқ, 1921, 1 январь.
25. Имло тўғрисида // Туркистон. 1923, 1 январь.
26. Иномов Р. Лотин алифбоси учун кураш // Маориф ва ўқутғучи ж. -1926. 3-сон.
27. Иномов Р. Лотин асосида тузилган янги алифбо тўғрисида яқиндаги вазифаларимиз ва алифболар ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1926, 18 октябрь.
28. Каримов Н. Ўзбек адабиётининг жаллодлари // Фан ва турмуш. 1991, 1-сон.
29. Каримов Н. Чигатой гурунги // Ватан газетаси. 1994. 44-сон.
30. Кўз-қулоқ. Имло масаласи тўғрисида муҳофаса // Қизил байроқ. 1922, 23 февраль.
31. Лотин асосида қўйилган янги ўзбек алифбосининг кўнференсияси. Ўртоқ Ғози Олим маърузасидан // Қизил Ўзбекистон. 1926, 7 сентябрь.
32. Мадаминов А. Серқирра иждокор // Коммуна газ. 1985, 19 июль.
33. Мадаминов А., Валихонов М., Тожибоев Р. Маърифат чароғбони // Адабий мерос. 1985, 4-сон.
34. Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 4-сон.
35. Мирвалиев А. Ўзбек химия терминологиясининг илк ривожланиш даври ҳақида (20-30 йиллар) // Ўзбек тили ва адабиёти жур. 1983. 3-сон. -Б.17.

36. Махмудов Қ. Кенг унлиларнинг ёзма манбаларда ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти ж. -1990. -'5. -Б.25-28.
37. Мутолаачи. Китоблар орасида // Маориф ва ўқитғучи. 1927, 7-8-сонлар
38. Назаров К. Имло қўлланмаси // Совет мактаби. 1977, 6-сон.
39. Назаров К. «Туркистон вилоятининг газети»нинг пунктуацион хусусиятлари масаласига доир. / Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Т.: 1979. ТошДУ илмий асарлари, 443 чиқиш.
40. Неъмат Ҳаким. Ўзбек тили сарфи тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1925 й., 10, 12, 14 май.
41. Неъмат Ҳаким. Ҳарф-имло масаласи // Қизил байроқ. 1922, 134-сон.
42. Неъмат Ҳаким. Оёқлик хатолар, фанний жиноятлар. (Саъдийнинг «Грамматика асослари» ҳақидаги мақолалари муносабати билан) // Инқилоб ж. -1923, 9-10-сонлар.
43. Неъмат Ҳаким. Тагин имло жанжали //Туркистон.1923, 178-сон.
44. Неъмат Ҳаким. Турк тилларининг қонунларини тузишдаги асослар ҳақида // Инқилоб ж. -1922, 3-сон.
45. Нурмонов А., Маҳкамов Н. Аюб Гуломов // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990, 4-сон.
46. Олимий Л. Қизил матбуотимизнинг ҳозирги ҳоли // Фарғона г. 1924, 181-сон.
47. Отажон Ҳ. Боку пленуми натижаси // Маориф ва ўқитғучи. 1927, 7-8-сонлар.
48. Поливанова Е.Д. Турк грамматикаларининг асослари ҳақида // Инқилоб. 1922. 4-сон.
49. Пруғром. //Халқ дорилфунуни. 1918, 7 июнь.
50. Раҳимий Ш. Тил ва имло // Иштирокиюн. -1920, 20 ноябрь.
51. Раҳимий Ш. Ўзбек имлоси тўғрисида асослар // Қизил байроқ. 1922, 22 март.
52. Раҳимий Ш. Имло ҳаваскорларига // Туркистон. 1923, 18 март.

53. Раҳимий Ш. Тилимизни бир коида остига олайлик // Туркистон. 1923, 45-сон.
54. Раҳимий Ш. Ўзбек алифбоси теварагида // Қизил Ўзбекистон. 1926, 14 январь.
55. Рамазон Қ. Тил ва имло тортишуви. // Тонг. 1920, 9 апрель.
56. Рамазон Қ. (Ўктам) Мактабларимиз ва ўзбек дарсликлари // Туркистон. 1923, 25 ноябрь.
57. Рамазон Қ. Ўрта Осиё ўзбекларининг имло конференцияси муносабати билан // Туркистон. 1923, 24 октябрь.
58. Рамазон Қ. Имломиз масаласи // Шарқ ҳақиқати, 1929. 11-12-сонлар.
59. Санжар. Тошкентда I имло кенгаш ўтуриши // Қизил байроқ. 1921 й., 5, 7, 25 январь; 18 февраль.
60. Санжар (Босит Сиддиқов). Қинғир муддао // Туркистон газ. 1923, 91-сон.
61. Саъдий А. Олти йиллик ўзбек қизил матбуоти даврида мактаб адабиётлари // Фарғона газ. 1923, 181-сон.
62. Саъдий А. Турк тилларининг қонун ва қоидаларини ўрганиш ҳамда тузишда асослар // Инқилоб. 1922, 1, 5-сон.
63. Саъдий А. Янги китоблар (танқид) // Қизил байроқ. 1922 й., 22, 25, 27 июль.
64. Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари / Нашрга тайёрловчи Баҳодир Карим // Ватан газ. 1996, 5 декабрь.
65. Солиҳ Қосимов. Ўзбекистондаги маданий инқилоб тонгида // Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1972, 6-сон.
66. Тил ва ҳарф масалалари // Маориф ва ўқутғучи. 1925, 5-сон.
67. Тилчи. Имло масаласи // Иштирокиюн. 1920, 26 сентябрь.
68. Тожибоев Р. Ашурали Зоҳирий – навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 3-сон.
69. Тожибоев Р. Маърифатпарвар муаллим // Совет мактаби. 1988, 5-сон.
70. Тошкент кўнференсиясида тил ва имло масаласи // Қизил байроқ. 1921, 11 январь.
71. Тошмат. Имло масаласи // Қизил байроқ. 1921, 21 декабрь.
72. Турдиев Ш. Гаспиринский ва Туркистон // Фан ва турмуш. 1990, 4-сон.

73. Узоқов Х. Ўзбек луғатшунослигининг ифтихори // Ўзбекистон овози. 1992, 28 январь.
74. Умаров Э. Фитрат - шарқшунос // Ўзбек адабиёти ва санъати. 1995, 4 август.
75. Умаров Э. Ким ҳақ? // Ўзбек тили ва адабиёти ж. -1997, 1-сон.
76. Усмонов О., Ақобиров С. Ўзбек тили илмий терминологиясининг ривожланиш тарихига оид // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, 6-сон.
77. Фитрат. Тилимиз // Иштирокиюн. 1919 й., 132, 161-сонлар.
78. Фитрат. Имло масаласи // Иштирокиюн. 1919, 27 август.
79. Фитрат А. Ёпишмаган гажаклар // Ёшлик ж. 1990, 5-сон.
80. Фитрат. Ўзбек тилининг сарфи тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1925 й., 146, 147, 150, 151-сонлар.
81. Фитрат. Адабиёт қоидалари // Фан ва турмуш. 1989, 5-сон.
82. Фитрат. Лотин ҳарфларига кўчамиз // Озод Бухоро.-1926. 3-сон.
83. Фитрат. Имло конференцияси муносабати билан // Маориф ва ўқитғучи. -1928, 3-сон.
84. Ҳожи Муин. Ўзбекистонда алифболар тарихи // Маориф ва ўқитғучи. -1926, 2-сон.
85. Чўлпон. Туркистонда матбуот // Фуқаро феюзоти ж. Боку: 1920.
86. Чўлпон. Тилимизнинг ишланиши // Туркистон. -1923. -11 апр.
87. Чўлпон. Яна олдим созимни. -Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. -576 б.
88. Чигатой гурунги имло тўдаси. Имло масаласи // Иштирокиюн. 1919, 112-сон.
89. Чўлпон. Тагўр ва тагўршунослик // Маориф ва ўқитувчи. 1925, 11-12-сонлар.
90. Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат // Ёшлик ж. 1990, 5-сон.
91. Шоимова Н. Ўрта Қашқадарё кипчоқ шеваларидаги ўзлаштирма сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997, 1-сон.
92. Шукуров Ш. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965, 4-сон.

93. Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990, 4-сон.
94. Шукуров Ш. Ҳойи ҳаваз ва унинг вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991, 3-сон.
95. Шукуров Ш. Эски ўзбек тили унлилари // Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1992, 3-4-сонлар.
96. Элбек. Она тили курси // Иштирокиюн. 1919, 99-сон.
97. Элбек. Ўзбек билим Ҳайъатининг тузилиши ва ишлаган ишлари // Инқилоб ж. 1922, 10-сон.
98. Элбек. Ўлка ўзбек қурултойи ва унинг қолдириғон таъсири // Қизил байроқ. 1921, 13 январь.
99. Элбек. Имло ва тил қурултойининг чақирилиши олдидан // Иштирокиюн. 1920, 27 ноябрь.
100. Элбек. Имло масаласи // Иштирокиюн. 1920 й., 18, 19 сентябрь.
101. Элбек. Луғат ва атамалар// Туркистон. 1923 й., 5, 8, 19, 26 сентябрь; 3, 10, 21, 28 октябрь; 18, 21 ноябрь.
102. Элбек. Она тили курси // Иштирокиюн. 1919, 99-сон.
103. Элбек. Отилмағон сопқон // Туркистон. 1923, 2 декабрь.
104. Элбек. Яқинлашмоқдалар // Туркистон. -1923, 22 сентябрь.
105. Элчи. Имло масаласи // Иштирокиюн. 1920, 26 сентябрь.
106. Янги ўзбек алифбоси // Маориф ва ўқутғучи. 1926. 5-сон.
107. Янги ўзбек алифбосида имло қоидалари // Маориф ўқутғучи. 1926 й., 7, 8-сонлар.
108. Янги имло ва унинг қарашлари// Қизил байроқ. 1922, 6 январь.
109. Ўзбек адабий тили тўғрисида қарор // Маориф ва ўқутғучи. 1929, 6-сон.
110. Ўзбек ўғли. Ўзбек маданият ва маориф ходимларининг ўлка қурултойи // Қизил байроқ. 1922, 26 апрель.
111. Ўқтам (Қаюм Рамазон). Ўрта Осиё ўзбекларининг тил ва имло конференцияси // Туркистон. 1923, 31 октябрь.
112. Ўқтам (Қаюмов Рамазон). Мактабларимизда ўзбекча дарслик // Туркистон газ. 1923, 210-сон.
113. Қаландар. Бизнинг сўзимиз // Қизил байроқ газ. 1921, 51-сон.

114. Қосимов С. Бехбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 19 январь.
115. Қўчқоров Раҳмон. Жумҳуриятнинг тўсиқсиз йўли// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989, 6 октябрь.
116. Ғози Олим. Ўзбек тилининг товушлари // Маориф ва ўқутғучи. 1927, 12-сон.
117. Ғози Олим. Ўрта Осиё туркларининг янги алифбоси // Маориф ва ўқутғучи. 1927, 6-сон.
118. Ғулумов А. Ўзбек совет тилшунослиги тарихидан// Ўзбек тили ва адабиёти ж. 1967. 4-сон.
119. Ҳазратий. Русча-ўзбекча мукамал луғат// Қизил Ўзбекистон. 1927, 259-сон.
120. Ҳожиев А. Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987, 2-сон.
121. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз яшаш усули масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990, 4-сон.
122. Хўқандда усули савтия муаллимлари // Ойна ж. 1914, 12-сон.

III. Диссертация ва авторефератлар

1. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и Фразеологии узбекского литературного языка 20 годов: Автореф. дисс...канд. Филол. наук.-Т., 1968. 21 с.
2. Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли. Филол. фанлари номзоди... дисс. -Т.; 2002.
3. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фанлари номзоди... дисс. афтореф. -Т., 2000. 24 б.
4. Каримов Г.Н. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20-30-х годов: Автореф. дисс...канд. Филол. наук. -Т., 1972. 22 с.
5. Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. -Т.; 2001.
6. Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танкиди тарихидан. Филол. фанлари номзоди...дисс. -Т.: 1993.

7. Турдиалиев Б. Ҳамза и узбекский литературный язык начало XX века Автореф. дисс...доктора Филол. наук. -Т., 1988. 50 с.
8. Курбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси. Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. -Т., 1993. 21 б.

IV. Ашурали Зоҳирийнинг илмий-публицистик асарлари

1. Зоҳирий А. Имло.-Қозон: Умид типо-литографияси, 1916.-38 б.
2. Зоҳирий А. Русча-ўзбекча мукамал луғат. Икки жилдлик. Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927-1928. 686 б.
3. Зоҳирий А. Адабиёт парчалари (Сулаймонов А. - Чўлпон билан ҳаммуаллифликда). -Т.: Ўздавнашр, 1926.
4. Зоҳирий А. Қўқондан мактуб // Туркистон вилоятининг газети. 1910, 75-сон.
5. Зоҳирий А. Редакцияга мактуб // Туркистон вилоятининг газети. 1910, 82-сон.
6. Зоҳирий А. Она тили // Садои Фарғона. 1914, 13 апрель.
7. Зоҳирий А. Мархум Исмоилбек қандоқ ишлар қилгон? // Садои Фарғона. -1914, 60-сон.
8. Зоҳирий А. Ҳукумат ўзгариши // Юрт ж. 1917. 1-сон.
9. Зоҳирий А. Миллий ишлар комиссари Тоғжўжа афандининг «Фикҳа жамияти»га берган саволи муносабати ила // Улуғ Туркистон, 1918, 110-сон.
10. Зоҳирий А. Хўқандда «Дорутгадрис» очилиши муносабати билан (1918 йил 4 декабрда) // Халқ газети. 1918, 3-сон.
11. Зоҳирий А. Имло масаласи Ҳақида иккинчи турли мулоҳаза // Иштирокиюн. 1919, 19 июнь.
12. Зоҳирий А. Янги гап дегувчига // Фарғона. 1923, 63-сон.
13. Зоҳирий А. Ўтканларга бир қараш. (Имло тўғрисида) // Фарғона. 1923, 100-сон.
14. Зоҳирий А. Бир йил тўлди // Фарғона. 1924, 199-сон.
15. Зоҳирий А. Ўн иккинчи фирқа қурултойида миллатлар масаласи// Фарғона. 1923, 74-сон.
16. Зоҳирий А. Олти йиллик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш // Фарғона. 1924. 181-сон.

17. Зоҳирий А. Ўзбеклар // Фарғона. 1926, 346-сон.
18. Зоҳирий А. Туркулужи қурилтойи атрофида // Фарғона. 1926, 374-сон.
19. Зоҳирий А. Туркистон қурултойи тўғрисида маъруза (Мухбир - Мадамин Иброҳимов маълумоти) // Фарғона газ. 1926, 384-сон.
20. Зоҳирий А. Келурнома // Маориф ва ўқутғучи. 1927, 9-10-сонлар.
21. Зоҳирий А. Муаллим Мажийнинг «Самоучитель узбекского языка» деган китоби тўғрисида // Янги Фарғона. 1927, 1 январь.
22. Зоҳирий А. Тил ва имло масаласи // Қизил Ўзбекистон. 1929, 29, 31 март.

Тоғаев Тўлқин Маманазарович

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИК МЕРОСИ

Монография

“Nodirabegim” нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 313. 24.11.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 26.03.2021.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆

Нашриёт босма табағи 8,5. Адади 100 нусха.

100129, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,

Навоий кўчаси, 30-уй.

ООО “АКТИВ PRINT” босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Чилонзор 25, Лутфий 1А.

ISBN 978-9943-6941-6-3



9 789943 694163